

ВЕСТНИК
Высших учебных курсов
Генеральной прокуратуры

BULLETIN
of the High training courses
of the General prosecutor's office

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

АХБОРОТНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
201/3-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган

ISSN 2181-5011



www.vuk.uz

№4 (32)
2017



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ʻқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ʻқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Ихтиёр Абдуллаев
Ниғматилла Йўлдошев
Нурдинжон Исмоилов
Светлана Ортиқова
Муротжон Азимов
Бекзод Мавлонов
Эркин Юлдашев
Салом Самадов
Эрқобай Таджиев
Джаҳонгир Игамов
Евгений Коленко

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Гофуржон Алимов

Таҳрир ҳайъати:

Музаффар Мамасиддиқов
Бобокул Тошев
Матлюба Аминжанова
Фахри Рахимов
Миродил Боротов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойидан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг илмий даража талабгорлари чоп этиши лозим бўлган журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ʻқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Махтумқули кўчаси, 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

web-site: www.vuk.uz

e-mail: axborotnoma@vuk.uz

•Буюртма №

•Адади: 1000

•Журнал "Аргументы и факты
Ўзбекистан" МЧЖ ҚҚ

босмаҳонасида чоп этилди

•Манзил: Тошкент шаҳри,

•Элбек кўчаси, 8-уй.

МУНДАРИЖА

Х.ОДИЛҚОРИЕВ, Ф.ОДИЛҚОРИЕВА

Конституциямизнинг моҳияти, асосий хусусиятлари ва модернизациялаш истиқболлари.

Т.МАДУМАРОВ

Ҳуқуқий ахборотни етказишнинг қонуний асоси такомиллаштирилди

Т.НАРБАЕВА

Устувор мақсадимиз — жамиятда хотин-қизлар маъқеини ошириш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдир

З.УМАРОВ

Некоторые проблемные вопросы, возникающие в процедурах банкротства юридических лиц

В.ЛОСЕВ

Существенный вред как следствие коррупционных преступлений в теории, законе и практике правоприменения в Республике Беларусь.

Б.ПЎЛАТОВ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми

Р.КАБУЛОВ

Тенденции развития современного уголовного законодательства Республики Узбекистан.

М.БОРОТОВ, Т.БОТИРОВ

Айрим хорижий мамлакатларда судланганлик институтининг ўзига хос хусусиятлари

М.УСМАНОВА

Меҳнат ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг айрим масалалари

А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ

Аккредитив муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари

М.ЗИЁДУЛЛАЕВ

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва махсус профилактикасига доир фаолияти

Б.КАЮМОВ

Формализация отношений государства и частного сектора, перспективы их совершенствования

А.МЎМИНОВ

Ўзбекистон Республикасининг БМТ доирасидаги халқаро-ҳуқуқий ташаббуслари

Н.АШУРОВА

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкӣ асоси сифатида қимматли қоғозларнинг ҳуқуқий табиати

Б.ҲАМРОҚУЛОВ

Кимлар маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб судга мурожаат этиши мумкин?

Ш.ИСМОИЛОВ

Судланганлик ва жиноий таъқибнинг меҳнат муносабатларига таъсири

Н.ХАТТАБОВ

Ўзбекистонда юридик хизматнинг истиқболдаги тараққиёти

М.РАХИМОВ Д.АБДУЛЛАЕВА

Меҳнат муносабатларида ходимнинг компенсация тўловларини олишга бўлган ҳуқуқи

Халқаро семинар

Ҳамкорлик ва ўзаро англашув меморандуми имзоланди

Жиноят қонунчилиги муаммолари ва такомиллаштириш истиқболлари

1

7

10

16

21

26

30

36

39

42

46

52

56

61

65

70

74

78

83

Хожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,
ю.ф.д., профессор
Феруза ОДИЛҚОРИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари тингловчиси

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МОҲИЯТИ, АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

◆ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги муносабати билан унинг кадр-қиммати ва аҳамиятига баҳо бериш учун қуйидаги икки жиҳатга алоҳида тўхталиш ўринли: биринчидан, Конституциянинг моҳияти ва хусусиятлари; иккинчидан, Асосий қонунни модернизациялаш эволюцияси. Мақолада ушбу масалалар таҳлил қилинади.

◆ В предверии 25-ой годовщины Конституции Республики Узбекистан, важно отметить следующие два аспекта, чтобы оценить его ценность и значение: во-первых, сущность и особенности Конституции; во-вторых, эволюция модернизации Основного закона. В статье анализируются эти проблемы.

◆ On the eve of the 25th anniversary of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, it is important to note the following two aspects in order to assess its value and significance: first, the essence and features of the Constitution; secondly, the evolution of the modernization of the Basic Law. In the article these problems are analyzed.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ҳокимиятнинг конституциявий механизми, давлат органлари ва мансабдор шахслар, инсонпарварлик, кўп партиявийлик, сиёсий плюрализм, модернизация, Ҳаракатлар стратегияси.

Ключевые слова: Конституция Республики Узбекистан, конституционный механизм власти, государственные органы и должностные лица, гуманизм, многопартийность, политический плюрализм, модернизация, Стратегия действий.

Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, constitutional mechanism of power, state bodies and officials, humanism, multi-party system, political pluralism, modernization, Strategy of action.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай деди: “Мустақиллик йилларида халқимиз эришган барча ютуқ ва марралар, иқтисодийтимизнинг улкан суръатлар билан ўсиши Конституциямизнинг ҳаётбахш қудратини, унда мужассам бўлган қоида ва нормаларнинг ...мустаҳкам асосга эга эканини яққол намоён этади”¹.

Суверен давлат сифатида босиб ўтилган йўл ва орттирилган тарихий тажрибамиз юксаклигидан Конституциямизга, у яратилган ижтимоий-сиёсий муҳитга назар ташлайдиган бўлсак, Асосий қонунимизнинг бутун маҳобатини, жамият ва давлатимиз тараққиёти учун кадр-қиммати ва нуфузи ҳамда бунёдкорлик салоҳиятини чуқур ҳис этиш мумкин. Шу тариқа барча ютуқ ва муваффақиятларимизда унинг аҳамияти беқиёс эканлигини янада теранроқ англаймиз. Бугун тўла асос билан эътироф этиш мумкинки, Конституциямиз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат,

кучли фуқаролик жамияти, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодийни қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда².

Ҳозирги давр нуқтаи назаридан, Конституциянинг кадр-қиммати ҳамда аҳамиятига баҳо бериш учун унинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида тўхталиш ўринли: *биринчидан*, Конституциянинг моҳияти ва хусусиятлари; *иккинчидан*, Асосий қонуннинг модернизация қилиниш эволюцияси.

Мамлакатимиз Конституцияси ўз моҳият-этибори билан халқ иродасини олий даражада ифодаловчи, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда давлат бошқарувининг демократик тамойилларини мустаҳкамловчи Асосий қонундир. Миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш жараёнида, аввало, унинг юқори мақомдаги ҳуқуқий асосларининг яратилиши мамлакатимиз тараққиёт йўлини, халқимиз тақдирини ва нурли истиқболини белгилаб берди. Ўзбе-

кистон Республикаси Конституциясининг туб моҳиятида ана шундай мақсад мужассам.

Конституциянинг моҳияти, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ҳодисанинг моҳияти сингари, у қандай ижтимоий эҳтиёжлар туфайли вужудга келганлиги ва энг муҳими, кимнинг иродасини акс эттириб, қайси манфаатларга хизмат қилади, деган саволларга жавоб топиш орқали аниқланади.

Конституциянинг моҳияти у қабул қилинаётган вақтда турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасида давлатнинг жамият ва шахс ҳаётига аралашувини тизгинлашга оид энг асосий масалалар бўйича эришиладиган ижтимоий келишувнинг ифодаланишидир. Бошқача қилиб айтганда, давлат ҳокимияти Конституция воситасида ўз ваколатларини фуқароларга бериладиган ҳуқуқ ва эркинликлар кўламига мутаносиб тарзда чеклайди.

Ҳозирги замон конституциявий назарияси ва амалиётида демократик қадриятларни талқин этиш асосида муайян уйғунлашув намоён бўлмоқда. Хусусан, ҳар қандай мамлакатнинг Конституцияси олдида турган асосий мақсад инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, давлат ҳокимиятининг демократик ва самарали бўлишида ҳокимиятлар тақсимланиши принципига риоя этиш, вакиллик тизими орқали халқ суверенитетини мужассамлаштиришдан иборат.

Демократик жамиятда шакллантириладиган ҳокимиятнинг конституциявий механизми — бу ҳамма вақт ҳокимият учун кураш олиб бораётган ёки унда иштирок этаётган сиёсий кучлар ўртасидаги муроса ва келишув (компромис)нинг ифодасидир. Мазкур келишув (консенсус)нинг асосий мақсади ҳокимият ва эркинлик масалаларини куч ишлатиб эмас, балки қонун асосида ҳал этишдан умумий манфаатдорликдир. Шу боис, Конституция айрим ижтимоий гуруҳ манфаати учун эмас, балки фуқаровий ва миллий тотувлик ифодаси сифатида жамият манфаатларига хизмат қилади.

Аёнки, ўз мазмунига ва ижтимоий вазифасига кўра, Конституция давлат моҳиятини таърифловчи, унинг ташкилий структурасини ифодаловчи, давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи ҳужжат сифатида гавдаланади. Бир сўз билан айтганда, Конституция давлатнинг муайян фалсафасидир. Мазкур фалсафа — инсон эркинлиги ва фаровонлиги йўлида давлат ҳокимиятини муайян даражада чеклаш лозимлигини англаб етишга ҳамда давлат ҳокимиятини жамият ва фуқаро манфаатига хизмат қилдиришга асосланади.

Конституция ҳокимиятни ташкил этиш ва рас-

миллаштиришнинг ҳуқуқий шакли, уни оқилона чеклаш ва фуқаровий жамиятга бўйсундириш воситасидир. Демократик жамиятда давлат — конституциявий давлат бўлади. Зотан, демократия давлатнинг шакли сифатида Конституциянинг мазмунини ташкил этади. Аммо, бу Конституцияга эга бўлган ҳамма давлат ҳам конституциявий ва демократик давлат бўлавереди, дегани эмас.

Конституция ўз ижтимоий вазифасини бажара бориб, бир қатор ўзаро узвий боғлиқ бўлган функцияларни адо этади. Конституциянинг энг муҳим функцияларидан бири — давлатчилик ривожланишидаги ворисликни таъмин этишдир.

Таъкидлаш жоизки, замонвий конституцияларнинг моҳияти умуминсоний, ҳуқуқий қадриятларни ва умумдемократик тараққиёт асосларини мустаҳкамлашда ифодаланади. Улар ҳар бир инсон тенг ҳуқуқли фуқаро бўлиб фаолият юрита оладиган давлатда яшашини тарғиб қилади ва таъминлашга қонуний асос яратади.

Юқоридаги фикрларга мухтасар хулоса ясаб, шундай дейиш мумкин: Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган Конституция ўз моҳиятига кўра, демократик ҳуқуқий давлат куриш конституцияси сифатида Ўзбекистон халқи иродасининг таъкиди ва бу ирода умумдемократик принципларни ўзида мужассам этувчи, инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият деб эътироф этувчи давлат ва жамият ҳаёти асосларини мустаҳкамлашга йўналтирилган Асосий қонундир.

Конституциянинг моҳиятини ифодаловчи энг муҳим хусусиятлардан яна бири унда инсонни улуглаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топганлигидир. Конституцияда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари давлат томонидан кафолатланиши ва муҳофазаланиши белгиланган. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган. Эътиборли жиҳати шундаки, Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган.

Бош қомусимизнинг беназир қадр-қиммати ва туб моҳияти унинг инсон учун, инсон бахт-саодати учун яратилганлигидадир. У фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини устувор таъминлаш тамойилини онгимизга сингдирмоқда. Масалан, куйидаги конституциявий нормалар инсон омили устуворлигини исботлайди: «Давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир» (2-модда). Зеро, Конституция яратилаётган чоғ-

да унинг ижодкорлари «жамки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсондир», деган мантқдан келиб чиқиб иш тутган эдилар. Конституциямизнинг барча қоидалари, бутун ички мафкуравий салоҳияти ягона устувор ғоялари: — Ўзбекистоннинг давлат суверенитетини таъминлаш, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ғояларини рўёбга чиқаришга йўналтирилгандир. Шундай мафкуравий замин асосида Конституциямиз қуйидаги муҳим мақсадларни кўзлайди: 1) халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратиш; 2) ижтимоий адолат мезонларини қарор топтириш; 3) миллий қадриятларимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш; 4) шахснинг маънавий-ахлоқий камолотини таъминлаш.

Асосий қонунимизнинг моҳияти, ижтимоий-сиёсий ва юридик табиати унинг қуйидаги асосий хусусиятларида яққол намоён бўлади:

1. Ўзбекистон Конституцияси том маънода чинакам демократик конституциядир. У тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Бундан ташқари, у энг ривожланган, тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган³;

2. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Асосий қонунимизнинг 2-моддасида «Давлат органлари ва мансабдор шахслар — жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар» дейилади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари устунлигини ва улар конституциявий даражада кафолатланишини англади. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни ва қадриқиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас бўлиб, улар давлат томонидан ҳимояланади;

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаровий жамият барпо этишнинг чинакам ҳуқуқий пойдеворидир. Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий принцип ва белгилари, хусусан, конституция ва қонуннинг устунлиги, демократизм, ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунга асосланиши, қонунлар эса, ўз навбатида, Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида барча баробар. Қонунга бўйсунуш мажбуриятдан ҳеч ким халос этилмайди;

4. Конституция бозор иқтисодиётига ўтишга, хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топтиришга хизмат қилади. Мулкчиликнинг хилма-

хил шакллари тенглигини, иқтисодий фаолият юритиш ва тадбиркорлик эркинлигини акс эттирувчи ғоя ҳамда қоидаларни мустаҳкамлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат томонидан ҳимояланади (Конституциянинг 53-моддаси);

5. Конституцияда кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм (хурфикрлик) институтлари мустаҳкамланган. У фикрлар хилма-хиллиги — *плюрализмни*, кўппартияликни мустаҳкамлаб, тегишли ҳуқуқий нормалар ёрдамида давлат қурилишининг демократик тамойилларини ҳимоя қилишни таъминлашга, жамиятда бошбошдоқлик келиб чиқишига йўл қўймасликка, фуқаролар тинчлиги, сиёсий барқарорлиги, миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга хизмат қилади;

6. Конституция, шунингдек, инсоният ақл даҳоси кашф этган демократик қоидалардан бири — ҳокимиятлар тақсимланиши принципини мустаҳкамлайди. Шу асосда давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тармоқлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишининг оқилона конституциявий механизми шакллантирилди;

7. Асосий қонунда сўнги йилларда жорий этилган ва ҳаёт синовидан ўтиб, ўзини оқлаган конституциявий институтлар ўз ифодасини топди. Булар: президентлик институти ва шу заминда қарор топтирилган давлат бошқарувининг республика шакли, шунингдек, жойларда — вилоят, туман, шаҳарларда ижроия ҳокимият раҳбари — ҳокимлик институти жорий этилганлиги; мамлакатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, шу жумладан маҳалларнинг шаклланишига конституциявий-ҳуқуқий замин яратилганлиги ва ҳоказо.

Конституция жаҳон конституционализи тажрибасига кенг таяниш ва унинг ижобий жиҳатларидан баҳраманд бўлиш асосида яратилган. Айни вақтда, унинг эътиборга молик ютуғи шундаки, Асосий қонунимиз дунёнинг илғор конституция шунослиги тажрибаси билан ўзбек халқининг бой тарихий, миллий ва маънавий қадриятларини уйғунлаштира олган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да илгари сурган ғоялари Конституциянинг такомиллашуви учун навбатдаги тўртки бўлди. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78,80,93,96 ва 98-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси

қонуни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 4 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан шу йил 25 мартда маъқулланди ҳамда 18 апрелда Президент томонидан имзоланди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъектлари — давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқлари ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш, шунингдек социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни давом эттиришда жамиятни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадини кўзлайди.

Қонунда шунингдек, Конституциянинг 98-моддаси янги тахрирда баён этилиб, Вазирлар Маҳкамасининг ташкил этилиши, фаолият кўрсатиш тартиблари, ваколатлари белгилаб берилди. Мамлакат олий вакиллик (қонунчилик) органи билан ижро ҳокимияти ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган ўта муҳим қоида — *ҳукуматга ишончсизлик вотуми* билдириш тўғрисидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Унда, ишончсизлик вотуми тўғрисидаги масалани киритиш тартиби, кўриб чиқиш, Бош вазирга (ҳукуматга) ишончсизлик вотуми билдиришдан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар, бундай вотум билдириш натижасида Бош вазирни лавозимдан озод этиш, янги Бош вазир номзодини тақдим этиш ва уни сайлаш тартиблари белгиланди. Президент томонидан тақлиф этилган ушбу қонунлар лойиҳаларининг Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши мамлакатда бошланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларнинг, айниқса, сиёсий тизимни модернизация қилишнинг мантиқий давоми ҳамда давлат ҳокимиятини демократик тарзда ташкил этиш кафолатларини янада кучайтириш учун ишончли асос бўлди, дейиш мумкин. Конституцияга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистонда изчил жадаллашиб бораётган эркинлаштириш жараёнининг энг муҳим ҳуқуқий негизига айланди. Мамлакатда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда улкан аҳамият касб этиб, давлат ҳокимияти органлари ўртасида ваколатларнинг мутаносиб тақсимланиши ва мувозанат сақланишига, сиёсий партиялар томонидан турли ижтимоий қатламлар иродасининг янада самарали ифода этилишига хизмат қилди. Давлатнинг демократик институтлар ва тартиботларни шакллантириш борасидаги роли ва тизимли фаолиятини янада кучайтиради.

Парламент томонидан 2014 йил 16 апрелда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32,78,93,98,103 ва 117-моддаларига)”ги Қонун қабул қилиниши Асосий қонунимизни замонавий вазиятда модернизациялаш намунаси бўлди.

Мазкур қонунчилик янгиликлари инсон ҳуқуқларининг таъминланишига, қонунийликка риоя этилишига, давлат органларининг қонунларни, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ижро этиш фаолияти устидан жамоат ҳамда парламент назоратини таъминлаш бўйича самарали тизим яратилишига салмоқли пойдевор яратди.

Конституциянинг 32-моддаси мамлакат ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга қаратилган муҳим қоида билан тўлдирилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди. Конституциянинг 78-моддасига янги 21-банд киритилиб, унда парламент назорати институти назарда тутилди. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вакиллик органи олдидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилди. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгашлари тегишли қарорлар қабул қилиши орқали бу конституциявий институт юридик жиҳатдан расмийлаштирилади.

Конституцияга киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг янада демократлашуви, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ваколатларнинг қайта тақсимланиши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ривожланиши, шунингдек, сайлов тизимининг янада такомиллашувининг муҳим омилига айланиши табиий. Бунда Конституциянинг 117-моддасига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилайдиган тузатишлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси доимий фаолият юритадиган органга айлан-тирилди.

Бундан ташқари, Конституциянинг 98-моддаси Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди

кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этишини назарда тутадиган янги қоидалар билан тўлдирилди. Конституцияга киритилган ушбу норма конституциявий ривожланишнинг халқаро амалиётига тўлиқ мос келади.

Яна бир демократик нормага кўра, Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш вазифаси юкланди. Асосий қонунимизнинг аввалги таҳририга кўра, бундай маърузаларни парламентнинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига кирар эди.

Мамлакат давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида барқарорлик, изчилликни таъминлаш, ижро этувчи ҳокимиятнинг мустақил фаолият кўрсатиш кафолатларини кучайтириш мақсадида амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши бўйича Конституциянинг 98-моддасида белгиланган нормалар мамлакат Президентининг қарорига кўра, ҳукумат айна шу даврда, *Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туриши* ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди. Бу жиддий норма бўлиб, давлат бошқарувида изчиллик, узвийлик ҳамда давомийликни таъминлайди.

Конституцияга кирган яна бир янги нормага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти энди мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари бўйича республика Олий Мажлисига мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлди (93-модда).

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг юқоридаги маърузасида Конституциямизнинг бир қатор муҳим хусусиятлари алоҳида таъкидланиб, уларнинг жамиятимиз ва халқимиз равнақ топиши ва фаровонлиги учун аҳамияти эътироф қилинди. Жумладан, Конституциямизда жаҳонда умумэътироф этилган принциплар ва миллий қадриятлар ҳамоханг тарзда уйғун акс эттирилган. Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизида миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Асосий қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш ва сиёсий партияларнинг фаоллашувига салмоқли шарт-шароит яратиб берди.

Бош қомусимиз қонун устуворлиги асосида инсон ҳуқуқларини таъминлашни кафолатлади, фуқаролик жамияти институтларининг қарор топиши ва ривожланишига кенг йўл очди.

Айни вақтда, Ш.М.Мирзиёев Конституцияни янада модернизация қилишга жиддий асос яратувчи қатор масалаларга эътибор қаратди ва муҳим тақлифларни илгари сурди. Хусусан, авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солидиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш. Қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш механизмларини такомиллаштириш; қонунларнинг ижро этилиши механизмларини яратиш. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича янги Миллий дастурни яратиш. Жамоатчилик назоратини фаоллаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш. Маҳаллий ҳокимларнинг бевосита халқ томонидан сайланишига конституциявий асосларни яратиш. Бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиқиб, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, маъмурий ислохотларни амалга оширишга конституциявий базани ташкил этиб бериш ва ҳ.к.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида 2017 йилнинг 28 мартда Конституциямизнинг 80, 81, 83, 93, 107, 110 ва 112-моддаларига бир қатор янги қоидалар киритилди⁴. Бунга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ва 2017 йил 21 февралдаги суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш ҳамда суд тизими тузилмасини тўдан такомиллаштириш тўғрисидаги фармонларида⁵ ифодаланган ғоя ва янгиликлар асос бўлди. Мазкур ислохотлар боис, Олий ҳўжалик суди ва Олий суд мамлакатда суд ҳокимиятининг ягона олий органига — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилди; жойлардаги ҳўжалик судлари тугатилди, янги иқтисодий ва маъмурий судлар жорий қилинди; судьяларни тайинлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида янги орган — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

2017 йил 27 майда мамлакат Парламенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80, 93, 108 ва 109-моддаларига қатор ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қонун қабул қилди⁶. Қонун Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш, одил судлов сифатини оширишга бағишланган принципал қоидаларга асосланган.

Асосий қонуннинг 80-моддасининг 5-бандидан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод қилиш ҳақидаги қоида чиқариб ташланди, шунингдек, 12-банддан Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ҳисоботини эшитиш Олий Мажлис Сенати ваколатидан чиқарилди. Энди мазкур қўмита Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот бериши белгиланди.

Конституциянинг 93-моддасига киритилган янгиликка мувофиқ, Конституциявий суд Президент тақдимига кўра ва Судьялар олий кенгаши тавсия этган шахслар орасидан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшган ҳолда Сенат томонидан сайланади. 108 ва 109-моддаларнинг янги таҳририга мувофиқ, Конституциявий суд ҳар йили Олий Мажлис палаталарига ва Президентга мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 29 августда имзоланган “Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашларига сай-

лов тўғрисида”ги Қонун билан Конституциямизга баъзи ўзгартиришлар киритилди⁷. Бунда 99-моддадан “шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан” деган сўзлар чиқариб ташланди. Шунингдек, 102-моддадаги “тегишли вилоят ҳокими томонидан” деган сўзлар “вилоят, Тошкент шаҳар ҳокими томонидан” деган сўзлар билан алмаштирилди. Ушбу моддадан “Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади” деган банд чиқариб ташланди.

Жамият ва давлат олдида турган энг долзарб вазифалардан келиб чиқиб, Конституцияни янада модернизация қилишнинг янги истиқболлари белгилаб берилди. Қонунчиликдаги ушбу янгиликлар юртимизда сиёсий барқарорлик ва тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашга, давлат ҳокимияти тузилмаларининг баҳамжихат ишлашига, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришга, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришга, жамият ривожини ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.



¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.

² Ўша жойда, “Халқ сўзи”, 2016 йил 8 декабрь.

³ Каримов И. А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994. – Б 185-186.

⁴ “Халқ сўзи”, 2017 йил 29 март.

⁵ “Халқ сўзи”, 2016 йил 22 октябрь; 2017 йил 22 февраль.

⁶ “Халқ сўзи”, 2017 йил 30 май.

⁷ “Халқ сўзи”, 2017 йил 30 август.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ЕТКАЗИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

◆ Ушбу мақолада мамлакатимизда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ислохотлар ва мазкур соҳага оид муносабатларни, яъни ахборот олиш, излаш ва уни тарқатишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштиришнинг зарурати, шунингдек, айни вақтда республикаимизда янги қабул қилинган соҳага доир қонуннинг мақсад ва вазифалари, унинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

◆ В данной статье рассмотрены реформы в сфере обеспечения распространения и использования правовой информации в нашей стране, необходимости совершенствования законодательства в сфере регулирования получения, поиска и распространения информации, а также, целей и задач, особенностей принимаемого в настоящее время в нашей республике отраслевого законодательства.

◆ This article reveals the reforms in the sphere of ensuring the dissemination and use of legal information in our country, the need to improve legislation in the sphere of regulating the receipt, search and dissemination of information, as well as the goals and objectives, and the specific features of the current legislation in our republic.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш.

Ключевые слова: правовая информация, использование правовой информации, распространение правовой информации, нормативно-правовой акт, официальное опубликование нормативно-правовых актов, неофициальное опубликование нормативно-правовых актов, осуществление правовой пропаганды.

Key words: legal information, use of legal information, dissemination of legal information, normative and legal act, official publication of legal acts, unofficial publication of legal acts, legal propaganda.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев бошчилигида барча соҳаларда улкан ва кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотларнинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, ҳар бир давлат органи ва мансабдор шахслар билан бир қаторда, мамлакатнинг ҳар бир фуқаросидан амалга ошириладиган ишларда тезкорлик, шижоат ва жонқуярликни талаб этади. Ахборот асри аталмиш янги минг йилликда ҳар бир инсон замон билан ҳамнафас яшаши учун, унга ҳар бир соҳадаги энг сўнгги маълумотлар ва янгиликлар ўтган кунларни таҳлил этиш баробарида, янги кун учун режалар тузиши ва уларни амалга оширишда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аввало шуни қайд этиш лозимки, истиқлол йилларида аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, улар учун ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишнинг қулай тизимини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинди.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, бугун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида 30 мингдан ортиқроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Жорий йилнинг 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг¹ қабул қилингани эса ушбу йўналишдаги ишларни сифат ва самарадорлик жиҳатидан тамомила янги босқичга кўтарди.

Мазкур қарорга асосан:

— қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш;

— уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнidan монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш;

— ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгиланди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин, уларнинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан, давлат бошқаруви органлари кўрсатилиши шартлиги белгиланди.

Мазкур қарор ҳамда Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 8 сентябрда матбуотда “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонун² эълон қилинди.

Қонуннинг мақсади ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, қабул қилинаётган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар барча давлат органлари ва ташкилотларига, ижрочиларга, ҳар бир маҳалла, кутубхона ва таълим муассасасига етиб бориши ҳамда у ерда улардан эркин фойдаланиш имконияти таъминланиши лозимлиги ушбу қонуннинг асосий ғоясини ташкил этади.

Қонунда ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари, ундан фойдаланиш кафолатлари, вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари, таълим муассасаларининг, фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокига оид қатор масалалар қамраб олинган.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг асосий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, қонунда авваламбор, янги тушунчалар берилди. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, уларга оид расмий шарҳларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартиби тўғрисидаги тушунтиришларнинг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қарорларининг, Олий суди Пленумининг қонун ҳужжатлари қўлланилиши масалалари бўйича қарорларининг матнлари, шунингдек суд амалиётини умумлаштириш материаллари ҳуқуқий ахборот эканлиги белгилаб қўйилди;

иккинчидан, ошкоралик, очиқлик, ҳуқуқий ахборотни излаш ва олиш эркинлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашнинг асосий принциплари сифатида белгиланди;

учинчидан, ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш давлат томонидан кафолатланмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотни монеликсиз излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқининг кафолатлари кучайтирилди.

Эндиликда мазкур қонун талабига кўра, давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ҳуқуқий ахборотдан фойдаланиш имкониятини белгиланган тартибда таъминлаши шарт.

тўртинчидан, ушбу қонунда ҳуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ва ундан фойдаланишни таъминловчи давлат органлари, муассасалари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ваколатлари аниқ белгиланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги вабошқа вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек ахборот-кутубхона муассасалари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқароларнинг бу борадаги иштирокига аниқлик киритилди;

бешинчидан, ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг қуйидаги усулларини жорий этиш белгиланмоқда:

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матнларини юбориш;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий эълон қилиш;

— норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш;

— ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш;

— жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш.

Шу ўринда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилишга алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Қонунга мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни норасмий эълон қилиш жисмоний ва юридик шахслар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларини даврий нашрларда, веб-сайтларда, қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларида эълон қилиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга доир рисолалар, тўпламлар ва шарҳлар эълон қилиш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Кодексларни, қонун ҳужжатлари тўпламларини нашр қилишда, шунингдек қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимларини реализация қилишда улар нашр қилинаётган (реализация қилинаётган) санадаги назорат ҳолатига келтирилган бўлиши лозим.

Норасмий нашрларда, шу жумладан қонун ҳужжатларининг электрон ахборот тизимларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошқа тиллардаги норасмий таржималари эълон қилиниши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норасмий таржималари норасмий таржима эканлиги ҳақидаги белгига эга бўлиши лозим;

олтинчидан, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг сўровларига кўра ҳуқуқий ахборот тақдим этиш механизмлари белгилаб берилди;

еттинчидан, қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига кўра, давлат органлари ва ташкилотлар томонидан улар фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қўлланилиш тартибини тушунтириш билан боғлиқ нормалар назарда тутилмоқда.

Қолаверса, қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинганда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тартиби ҳамда ушбу қонунни бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Шуни қайд этиш ўринлики, қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида Германия, Бельгия, Португалия, Франция, Швейцария, Буюк Бри-

тания, АҚШ, Россия, Беларусь ва бошқа давлатларнинг ушбу соҳадаги қонунчилик тажрибаси инобатга олинди ва миллий қонунчилигимиз билан қиёсланган ҳолда ўрганилди.

Хулоса қилиб айтганда, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишга, уларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлашга, пировардида, халқнинг давлат органларидан рози бўлишига кўмаклашади, ўз навбатида, давлат органларининг ҳам аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилади.



¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 76-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 36-сон, 944-модда.

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари,
Хотин-қизлар кўмитаси раиси

УСТУВОР МАҚСАДИМИЗ — ЖАМИЯТДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАВҚЕИНИ ОШИРИШ ВА ОИЛАЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

◆ Мазкур мақолада Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жорий йилда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш ва муаммоларига ечим топишда кўмаклашиш, шунингдек, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ва келгусидаги режалар ўз аксини топган.

◆ В данной статье отражены планы и перспективы, а также широкомасштабные мероприятия, которые проводятся Комитетом женщин Узбекистана в 2017 году в целях гармонизации духовно-нравственной атмосферы в семьях, повышения общественно-политической активности женщин, укрепления их статуса в обществе, обеспечения занятости, помощи в решении их проблем.

◆ This article reflects plans and prospects, as well as large-scale events that are held by the Women's Committee of Uzbekistan in 2017 in order to harmonize the spiritually-moral atmosphere in families, enhance the social and political activity of women, strengthen their status in society, provide employment, help in resolving their problems.

Таянч сўзлар: оила, хотин-қизлар, бандлик, маънавий муҳит, саломатлик, никоҳ, ҳуқуқбузарлик.

Ключевые слова: семья, женщины, занятость, духовная среда, здоровье, брак, правонарушение.

Key words: family, women, employment, spiritual environment, health, marriage, offense.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 14 январида мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш борасида барча жамоат ташкилотларининг фаолиятидаги жиддий камчиликларга эътибор қаратилиб, катта вазифалар белгилаб берилган эди.

Бу борада дастлаб январь-март ойларида Фарғона водийси вилоятлари бўйича жамоат ташкилотларининг уйма-уй юриб, аҳолининг мавжуд муаммоларини ўрганиш ва оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш тизими жорий этилди. Мазкур тизим босқичма-босқич тақомиллаштириб борилди ҳамда Бухоро вилояти мисолида янгидан амалиётга жорий этилди. Ушбу тизим асосида республикадан тортиб энг кўйи бўғингача Жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг таъсис конференциясида эса Республика жамоатчилик гуруҳи таркиби қайта сайланди ва Бош вазир раислигидаги Республика мувофиқлаштириш кенгаши билан ҳамкорликда ишлаши белгилаб қўйилди.

Республика гуруҳи таркибига 36 нафар республика ташкилоти раҳбарлари киритилди. Худудлардаги гуруҳлар таркибига эса жами 76 минг нафарга яқин жамоатчилик вакиллари жалб этилди. Янги тизим асосида республика бўйича жорий йил бошидан буён бугунги кунгача икки босқичда аҳоли билан мулоқотлар ўтказилиб, биринчи босқичда 3 млн., иккинчи босқичда 2 млн., жами 5 млн.дан ортиқ хонадонларга кириб борилди ҳамда қарийб 15 млн. нафар аҳоли вакиллари билан бевосита мулоқотлар ўтказилди.

Шунингдек, республика бўйича 3 минг 613 та тиббиёт муассасаси, 15 мингдан зиёд таълим муассасаси — жами 18 минг 613 та ижтимоий объектлар фаолияти ҳам ўрганилди. Ўрганишлар давомида аҳоли томонидан кўтарилган жами 500 мингдан ортиқ муаммоларнинг қарийб 360 мингтаси, яъни 72 фоизи жойида ҳал этилишига эри-

шилди.

Масалан, иқтисодий йўналишда — 36 минг 187 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, 14 минг 400 нафарига имтиёзли кредитлар олиб берилди.

Ижтимоий-маънавий муҳит йўналишида — 21 минг 700 дан ортиқ оилалар яраштирилиб, ажримларнинг олди олинди. Жамоатчилик ва ижрочилар ҳамкорлигида 23 минг 471 нафар фуқаронинг алимент тўлаши таъминланди.

2017 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда аҳоли, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги, айниқса, қиз болаларнинг ҳаётда муносиб касб эгаллаши учун яратилган шароитлар ҳамда вояга етмаганларни мактабдан ташқари таълимга жалб қилиш юзасидан турли тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шунингдек, 2017 йилнинг 1 июнь куни Бош прокуратура билан биргаликда "Вояга етмаганларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш: муаммо ва ечимлар" мавзусида конференция ўтказилди.

Ички ишлар органлари билан ҳамкорликда аҳоли эътирозига сабаб бўлган жами 723 та фоҳишахона фаолияти тўхтатилди.

Соғлиқни сақлаш йўналишида — 15 минг 120 нафар фуқаро тиббий кўриқдан ўтказилиб, тиббиёт муассасаларида соғломлаштирилди.

Хизмат кўрсатиш соҳалари йўналишида — 18 минг 600 нафар фуқаронинг табиий газ, 14 минг 970 нафар фуқаронинг электр энергияси, 14 минг 350 нафар фуқаронинг ичимлик суви масалаларидаги муаммолари ҳал этилди.

Мавжуд муаммоларнинг 130 мингтаси (27,5 фоиз) маҳаллалар ва туман, шаҳарлар кесимидаги, 3 минг 300 дан ортиғи (0,7 фоиз) вилоят, республика даражасидаги чора-тадбирлар дастурларига киритилиб, бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи давомида берган топшириқларига асосан Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида, 3 та тоифадаги (жиноят содир этган, жиноят содир этишга мойиллиги бор ва намунали ҳаёт кечираётган хотин-қизлар) аёллар билан ишлашни ўз ичига қамраб олган 14 та ҳудуд бўйича дастурлар ишлаб чиқилди.

Жиноят содир этган хотин-қизлар билан яқка тартибдаги профилактик тадбирларни ташкил этиш доирасида уларнинг ҳар бирига маҳаллалардаги фаол аёллар бириктирилди. Уларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда, бино, ержой, кредит олишда ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий масалаларда, иш билан таъминлашда кўмакла-

шиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, жорий йилнинг 8 ойи давомида жазо муддатини ўтаб қайтган 305 нафар аёлга моддий ёрдам берилди, 195 нафари ишга жойлаштирилди ва 8 нафарига кредит олишда кўмаклашилди. Шунингдек, профилактик ҳисобда турган аёлларнинг оилавий шароитлари доимий равишда ўрганиб борилмоқда ва улар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, мавжуд муаммолари ҳал этилмоқда.

Жазони ижро этиш муассасаларидаги хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишларнинг алоҳида режаси ишлаб чиқилиб, унга кўра, 280 мингга яқин тарбиявий тадбирлар ташкил этилди. Хусусан, жазони ижро этиш муассасаларидаги хотин-қизлар ўртасида "Гиёҳвандлик — аср вабоси", "Аёлларнинг оиладаги ўрни", "Жаҳолатдаги жоҳиллар" каби мавзуларда профилактик тадбирлар ташкил этилиб, маданият ва санъат вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.

Шу билан бирга, Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида ўқув курсларини ташкил этиш бўйича алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил, ахлоқодоб доирасида мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этувчи хотин-қизлар билан профилактик тадбирларнинг ташкил этилиши йўлга қўйилди. Унинг доирасида бундай хотин-қизларнинг рўйхатлари шакллантирилди ва шу асосда манзилли профилактик ишлар белгиланиб, амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Жойларда 24 мингга яқин нотинч ва ажрим ёқасига келиб қолган оилаларга жамоатчилик вакиллари, "Яраштириш комиссияси", "Қайноналар кенгаши" аъзолари бириктирилиб, олиб борилган профилактик тадбирлар доирасида 14 мингдан ортиқ оиладаги нотинчликлар бартараф этилди.

Профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар ва ёшларга 29 минг нафар мураббий бириктирилиб, улар томонидан 56 мингдан зиёд суҳбатлар ўтказилди. Олиб борилган ишлар натижасида профилактик ҳисобда турган 955 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 187 нафарига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар ҳар бир ҳудуд бўйича доимий равишда чуқур таҳлил қилиб борилмоқда. 6 та йўналиш (аёллар жиноятчилиги, суицид, оилавий ажрим, фоҳишалик, диний экстремизм, нотинч оилалар) бўйича алоҳида жадваллар ишлаб чиқилиб, салбий кўрсаткичлар бўйича маълумотлар базаси шакллантирилди ва уларни бартараф этиш бўйича манзилли ишлаш тизими жорий этилди.

Оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соф-

ломлаштириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида олиб борилган ишлар натижасида барча йўналишдаги салбий кўрсаткичларда камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи давомида хотин-қизлар жиноятчилиги кўрсаткичи 6 минг 444 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 799 тага, яъни 11 фоизга, ҳисобда турувчи фоҳишалар сони эса 377 тага, яъни 19,5 фоизга камайган. 3 минг 471 та ҳолатда хотин-қизлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинди.

Диний экстремистик оқим аъзолари бўлган аёлларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича олиб борилган тушунтириш-соғломлаштириш ишлари натижасида 2 минг 705 нафар аёл махсус рўйхатдан чиқарилди, қолган 107 нафари бўйича иш олиб борилмоқда.

Ҳисобот даврида суд органлари ва ФХДЁ идоралари томонидан жами 22 минг 958 та оилавий ажрим ҳолатлари қайд этилган бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 912 тага камайишига эришилди.

Тўй ва оилавий маросимларни ихчамлаштириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тартиблар ишлаб чиқилди. Ҳозирда жойларда кенг жамоатчилик вакиллари томонидан бу борада тушунтириш-тағрибот ишлари олиб борилмоқда.

"Оила куни" муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 13 май куни "Оила — Ўзбекистон халқининг муқаддас қадрияти" мавзусидаги илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда оилаларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, оиладаги маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳаёт даражасини юксалтириш, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, хусусан, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий профилактик тадбирларни кучайтириш борасидаги масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, оилаларни улуғлаш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ибратли оилаларни тарғиб этиш мақсадида "Оила куни" муносабати билан жорий йилнинг 15 май кунги Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг "Оилавий" телеканалда 14 соатлик эфир вақти ажратилиб, "Инсон ва оила манфаати — жамият фаровонлиги" номли телемарафон ўтказилди. Унда 31 номда кўрсатув, суҳбат ва лавҳалар намойиш этилди.

Хотин-қизлар қўмитаси Бошқаруви аъзоларининг қўмита фаолиятида фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадида тегишли йўналишлардан келиб чиққан ҳолда 6 та уюшма ташкил этилди ("Фахрий аёллар", "Ижодкор аёллар", "Аёл ва саломатлик", "Ҳуқуқшунос аёллар", "Илм-фан ва

аёл", "Ихтирочи аёллар" уюшмалари, "Қизлар-жон клуби").

Ихтирочи хотин-қизлар ўртасида "Ўзбекистон аёлларининг 100 та инновацион лойиҳаси" Республика танлови жорий этилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни рағбатлантириш мақсадида "Йил аёли" ва "Ибратли оила" республика кўриктанловлари ташкил этилди, шунингдек "Қайноналар анжумани" ўтказилди.

Қўмита марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларида "Ишонч телефонлари" жорий этилди ҳамда марказий аппарат ходимларининг жойларда "Сайёр қабуллар"ини ташкил этиш тизими йўлга қўйилди.

Перечень вариантов существенного вреда применительно к преступлениям против интересов службы может быть закреплён в соответствующем постановлении Пленума Верховного суда Республики Беларусь. Он должен быть примерным, а поскольку все правовые ситуации предусмотреть невозможно, открытым для исключения пробелов. В научной литературе перечень должен быть расширен и обоснован для использования при квалификации преступлений в практике правоприменения.

В заключение полагаем возможным сформулировать следующие выводы.

В ходе предварительного следствия и в суде должно быть доказано и конкретно указано в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого и в приговоре: в чем именно выразился вред, причиненный должностным нарушением гражданам, государственным или общественным интересам; кому именно (какому физическому или юридическому лицу, государству) и какой точно вред причинен; существенность вреда как преступного (значимого) последствия.

В постановлении о привлечении в качестве обвиняемого и в приговоре наличие вреда и оценка его как существенного должны быть мотивированы, содержать обоснование, почему в конкретном случае вред признается существенным и образует преступное последствие должностного нарушения.

В приговоре, кроме того, должны быть приведены и оценены доказательства, послужившие основанием для выводов суда о том, в чем именно выразился вред, кому конкретно он причинен, а также о существенности вреда.

Являются нарушением уголовно-процессуального закона и поэтому недопустимы в правоприменительной деятельности:

1) презюмирование при квалификации преступления наличия вреда и (или) его существенности вреда в силу всего лишь факта должностного нарушения без доказательств;

2) формальное изложение в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого и в приговоре при описании существенного вреда только диспозиции статьи уголовного закона и общих формулировок, содержащихся в постановлении Пленума Верховного суда Республики Беларусь,

без конкретизации применительно к обстоятельствам расследуемого (рассматриваемого) уголовного дела;

3) отражение в постановлении о привлечении в качестве обвиняемого и в приговоре гипотетического предположения о существенности вреда без мотивировки этого вывода.

Правильная юридическая оценка содеянного и ее отражение в процессуальных актах обеспечит соблюдение законности при решении вопросов ответственности должностных лиц, повысит социальную эффективность правоприменительной деятельности в сфере борьбы с коррупцией.



¹ Марчук В. Понимание оценочных признаков при квалификации преступления // Юстиция Беларуси. 2014. – № 7. 25-с.

² Кузнецова Н. Законодательные причины квалификационных ошибок // Вестн. Моск. ун-та. – Сер. 11. Право. 2005. – № 6. 3-с.

³ Кудрявцев, В. Н. Общая теория квалификации преступлений. – 2-е изд., перераб. и дополн. / В. Н. Кудрявцев. – М., Юристъ, 1999. 115-с.

⁴ Коррупционная преступность : криминол. характеристика и науч.-практ. коммент. к законодательству о борьбе с коррупцией / В.В. Асанова [и др.]; под общ. ред. В.М. Хомича. – Минск: Тесей, 2008. 254-с.

⁵ Кудрявцев, В. Н. Общая теория квалификации преступлений. – 2-е изд., перераб. и дополн. / В. Н. Кудрявцев. – М., Юристъ, 1999. 118-с.

⁶ Бибило В. Легальное усмотрение суда // Судовы веснік. 2006. – № 3. 39-с.

⁷ Там же. 39-с.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
ю.ф.д., профессор

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

- ◆ Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми, давлат механизмида прокуратуранинг ваколатлари ва уни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар кўриб чиқилган.
- ◆ В статье рассматривается конституционный статус прокуратуры Республики Узбекистан, роль прокуратуры в государственном механизме, а также правоотношения, связанные с её реализацией.
- ◆ The article examines the Constitutional status of the prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan, the role of the prosecutor's office in the state mechanism, as well as the legal relations related to its implementation.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, конституциявий мақом, прокуратура орган-лари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, прокурор назорати, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, “Call-центр”, қонун устуворлиги.

Ключевые слова: Конституция Узбекистана, конституционный статус, органы прокуратуры, права и свободы граждан, прокурорский надзор, предотвращение и профилактика правонарушений, “Call-центр”, верховенство закона.
Key words: Constitution of the Republic of Uzbekistan, constitutional status, prosecution authorities, citizens' rights and freedoms, prosecutor's supervision, prevention and prophylaxis of offenses, “Call Center”, rule of law.

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди.

Ўзбек халқи тарихида кескин бурилиш ясаган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татиғулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Асосий қонунимиз — Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқ эркининг ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Конституциямизнинг ғояси, асосий принциплари ва қоидалари умумэътироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси ўзининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилашга оид конституциявий нормага мувофиқ (Конституциянинг 3-моддаси) давлат ҳокимияти тизимлари: ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби энг муҳим ҳуқуқ институтлари мақомлари қаторида (Конституциянинг 11-моддаси) прокуратуранинг ҳам конституциявий мақоми белгилаб берилган (Конституциянинг XXIV боби 118–121-м.м.).

Унга қўра, «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади». Прокуратура органларининг ушбу конституциявий мақомида давлат органи сифатида унинг олдида қўйилган барча вазифалари мужассамлашган.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири қонуннинг устуворлиги, унга итоат этиш ва уни ҳурмат қилиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлашда давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоалар, мансабдор шахсларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритишлари муҳим саналади. Прокуратура айнан шу қоида ва талабларни, яъни мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокуратура органларининг фаолияти мамлакат ҳудудида қонуннинг устувор бўлишини, қонунийликни таъминлашни ва унинг барқарор бўлишини, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (21-46-моддалар) билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркин-ликларини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Прокуратуранинг қонун устуворлигини таъминлашдаги фаолияти ҳар бир прокурорнинг ҳудудда барчанинг қонун олдидаги тенглигини ва барчага қонуннинг бир хил татбиқ этилишини таъминлашга қаратилганлигида кўринади. Бунда Конституциянинг 18-моддасида белгиланган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидан тенгдир», деган қонуннинг прокуратура органлари томонидан бажарилиши назарда тутилади.

Прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлашдаги фаолияти жамиятда ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда прокурор жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутди.

Юртимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар натижасида жамият, фуқаро, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига давлат ёндашувини жиддий такомиллаштириш ва давлат бошқарувининг жаҳон андозаларига мос янгича ҳуқуқий механизмини шакллантириш йўли танланган¹. Бу каби вазифаларни бажаришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат органлари тизимида прокуратура органларига ҳам алоҳида масъулият юкланган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат механизмида прокуратура ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширувчи, бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ҳамда ошкораликдек асосий принциплардан иборат, унинг фаолиятига аралаштириш мумкин

бўлмаган, амалда мавжуд қонунларнинг мамлакат ҳудудида бир хилда ва аниқ ижро этилишини Ўзбекистон Республикаси номидан назорат қилувчи ягона давлат — ҳуқуқ органидир.

Шаклан ва мазмунан яхлит, умумлашган бундай конституциявий мақом — прокуратура ҳуқуқий мақомининг асос-моҳияти бўлиб, ўзида, биринчидан, прокуратура фаолияти тўғрисидаги конституциявий нормаларни қамраб олади, иккинчидан, мазкур нормаларда ҳокимиятнинг бўлиниши ва ўзаро таъсири механизмида прокуратура органларининг ўрни, роли ҳамда вазифаларини, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юклаган функцияларни (120-модда) бажариш бўйича ваколатларни мустаҳкамлаб қўяди. Прокуратурага бундай конституциявий мақомнинг берилиши прокуратура органлари самарали фаолият юритишининг ва уларнинг мустақиллигининг муҳим фактори ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ташкил этилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида»ги Фармонида асосланди. Ушбу фармон Иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратурасини Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантди. Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонун қарийб ўн йил мобайнида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, тинчлик, осойишталик, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилди.

2001 йил 29 августда прокуратура органлари тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги «Адолат — қонун устуворлигида» номли маърузасида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига ва прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб: «Прокуратура қонунни ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган органдир. У демократик жамият, ҳуқуқий давлат куришда, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги қонунини пухта ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир», деб таъкидлаган.

Янги таҳрирдаги қонунга кўра, прокуратура органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояси ҳисобланади. Бу билан янги таҳрирдаги қонун эски таҳрирдагисидан фарқланади.

Прокурор назорати — давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида

мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Айнан ана шу функция унинг давлат органи сифатидаги мутлақо ўзига хос мақомини, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгилайди. Давлат қонун устуворлиги, қонунийлик устидан назоратни айнан прокурор назорати воситасида таъминлайди. Конституция ва қонуннинг устунлигини, яъни қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашга сафарбар этилган прокурор назорати шахс, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи амалий таъсирчан органдир. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади.

Қонун прокуратура органлари фаолиятига аралашни тақиқлайди. Демак, прокурор назорати давлат фаолиятининг кўриниши сифатида мустақилдир. Айнан ана шу мустақилликда прокурор назоратининг ўзига хос хусусияти намоён бўлади. Унинг ўзига хослиги шундаки, прокурор назорати фаолияти на қонун чиқарувчи, на ижро этувчи ва на суд ҳокимиятларига дахлдор, унинг ҳуқуқий моҳиятида ҳокимиятнинг ҳар учала тармоғига хос аломатлар мавжуд. Прокуратура ўз вазифалари нуктаи назаридан ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи билан боғлиқ бўлса-да, лекин уларнинг бирортасига ҳам кирмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни белгилаган прокуратуранинг конституциявий мақоми — мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишида ифодаланган.

Прокурорларнинг давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахсларнинг қарор ҳамда ҳаракатлари қонунийлигини текшириш бўйича фаолияти бўлмиш прокурор назоратининг барча усул ва турларини қўллаш йўллари билан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тизимини ҳимоя қилиш ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш имконини бериб, бузилган ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни тиклаш, айбдорларни жавобгарликка тортиш, прокуратуранинг мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат ўрнатишдек конституциявий мақомини амалда рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ҳозирги кунда ҳам прокуратура органлари олдига қўйилган вазифалар жамият ривожини ва тараққиёти, бошқарув тизимининг демократлашуви, эркинлашуви билан боғлиқ тарзда такомиллашиб бормоқда. Мамлакатда қонун устуворлиги, ижтимоий-

иқтисодий вазиятнинг барқарорлигини таъминлашда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва родини кучайтириш мақсадида ва демократик ислохотларни чуқурлаштириш бўйича жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда миллий қонунчиликка прокуратура органлари фаолиятини белгилувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, унинг ваколатларини кучайтиришга йўналтирилган бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид профилактик функцияси, унинг муҳим ижтимоий вазифалари, давлатнинг стратегик манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ бир қатор йўналишлардаги фаолияти жиддий кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2833-сонли Қарори асосида — Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси; Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси фаолиятларини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юкланди.

Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” номли маърузасида: “Аввало, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор. Биз аҳоли энг кўп мурожаат қиладиган давлат идоралари фаолиятида одамлар билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтиш ҳақида ўйла-япмиз. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдига ҳисобот бериш тизими жорий этилади”, деб таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш,

мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги 5019-сонли Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва унинг жойлардаги органлари тизими ва структураси такомиллаштирилди. Фармон билан шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган устувор йўналишларнинг бажарилишини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаси ҳисобланиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори зиммасига юкланганлигини ҳам қайд этиш лозим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мурожаатларни қабул қилиш учун туну кун ишловчи Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази ташкил қилинган, унга республиканинг барча ҳудудларидан “1007” қисқа рақами орқали мурожаат қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилиб, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш, электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш, олдини олиш ва бошқа бир қатор вазифалари белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисидаги”ги қонун прокуратура органларининг демократик асосларини мустаҳкамлаб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олдида ҳисобдорлигини, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатди. Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси тузилиши охириги йилларда қабул қилинган муҳим қарорлардан бири бўлди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этишлари, зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилишлари ҳақидаги қоида киритилди ҳамда прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошқора амалга ошириши белгиланди.

Прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгартишларнинг таҳлили шундан далолат берадики, бу ўзгартишлар биринчи навбатда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган. Юқорида қайд қилинган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида прокуратура органларининг роли муҳимлиги эътиборга олиниб 2016 йил 19 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ 8 январь Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини деб белгиланди.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш: 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза (2013 йил 19 январь) // Ўзбекистон Республикаси Ҳуку-матининг расмий веб сайти: www.gov.uz

Рустам КАБУЛОВ,
Профессор Академии МВД, д.ю.н.

ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОГО УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

✦ В статье проанализированы тенденции развития уголовного законодательства Республики Узбекистан и некоторые направления его совершенствования. Также, освещены особенности современной уголовной политики Республики Узбекистан, некоторые вопросы декриминализации, дифференциации и индивидуализации ответственности, расширения системы уголовно-правовых поощрительных норм, криминализации некоторых деяний, в том числе установлении уголовной ответственности юридических лиц.

✦ Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилиги ривожланиш тенденциялари ҳамда уни такомиллаштиришнинг айрим йўналишлари таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги жиноий сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, декриминаллаштириш, жавобгарлиқни дифференциялаштириш ва индивидуаллаштириш, жиноий-ҳуқуқий рағбатлантиришга қаратилган нормалар тизимини кенгайтириш, айрим қилмишларни криминаллаштириш, шу жумладан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини ўрнатиш масалалари ёритилган.

✦ The article analyzes the development tendencies of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan and some ways of its improvement. Moreover, the peculiarities of the modern criminal policy of the Republic of Uzbekistan, some issues of decriminalization, differentiation and individualization of liability, expansion of the criminal law legal incentive norms, criminalization of certain actions, including the establishment of criminal liability for legal entities have been highlighted.

Таянч сўзлар: жиноят қонуни, жиноий жазо, жиноий сиёсат, жавобгарлик, санкциялар тизими, декриминаллаштириш, криминаллаштириш.

Ключевые слова: уголовный закон, уголовное наказание, уголовная политика, ответственность, система санкций, декриминализация, криминализация.

Key words: criminal law, criminal punishment, criminal policy, liability, the system of sanctions, decriminalization, criminalization.

Принятый на шестнадцатой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан последнего созыва 22 сентября 1994 г. вступивший в силу с 1 апреля 1995 г. новый Уголовный кодекс Республики Узбекистан является крупным шагом в проведении судебно-правовой реформы, совершенствования системы надежной защиты прав и свобод человека, демократизации и гуманизации национального уголовного законодательства. Новый Уголовный кодекс Узбекистана основывается на фундаментальных положениях Конституции Республики Узбекистан и общепризнанных принципах и нормах международного права. Его положения и структура строятся на приоритете общечеловеческих ценностей, укреплении правовой защиты прав и свобод личности. По прошествии более двадцати двух лет действия уголовного закона в самом общем плане, следует констатировать, что он характеризуется более высокой степенью социальной обусловленности, научной обоснованностью и эффективностью его норм; обладает демократической сущностью, легитимностью, гуманен и нравственен; в основном соответствует между-

народным стандартам; выверено сочетает интересы личности, общества, государства; ему присущ более высокий уровень законодательной техники, более четкая обоснованность систематизации нормативного материала; в нем существенно восполнены пробелы уголовного закона; расширена сфера регулирования позитивных общественных отношений и с большей обстоятельностью регламентируется уголовно-правовое регулирование негативных (ретроспективных) общественных отношений, порождаемых общественно-опасными деяниями; относительно приемлемой, хотя и недостаточно адаптивной емкостью — способностью более или менее адекватно реагировать на изменяющиеся параметры состояния динамики и структуры преступности, ее отдельных проявлений.

К числу величайших достоинств Уголовного кодекса Республики Узбекистан необходимо отнести институт фундаментальных основополагающих принципов (ст. ст. 3-10). Неизмеримо большее отражение нашли, как в Общей, так и в Особенной частях специальные отраслевые принципы дифференциации уголовной ответственности

ти и индивидуализации наказания, декриминализованы десятки деяний, которые признаны лишними общественной опасности.

В аспекте достоинств нельзя не признать положительным фактом более широкую трактовку норм об обратной силе уголовного закона (ст. 13), невиновном причинении вреда (ст. 24), обстоятельствах, исключающих преступность деяния (ст. 35), освобождение от уголовной ответственности (Глава XII) и наказания (Глава XIII), которые касаются граждан нашей страны, и, конечно же, то, к чему стремились теоретики уголовного права на протяжении десятилетий — отражение в содержании УК идей, положений, обоснованных предложений *de lege ferenda* уголовно-правовой доктрины.

Несомненным достоинством УК является и то, что в нем достаточно удачно, полно и ясно сформулированы основные правовые институты: классификации (категоризации) преступлений (ст. 15), оснований уголовной ответственности (ст. 16), вины (ст. ст. 20-23), соучастия в преступлении (ст. ст. 27-30), множественности преступлений (ст. ст. 32-34), обстоятельств, исключающих преступность деяния (ст. ст. 35-41), уголовной ответственности несовершеннолетних (Раздел VI, глава XV) и др. Впервые Уголовный кодекс дополнен новым разделом «Правовое значение терминов», который имеет огромное как теоретическое, так и практическое значение. Наличие в Уголовном кодексе Республики Узбекистан такого раздела положительно оценено международными экспертами и рекомендовано принятие такого новшества уголовными законодательствами других стран¹.

Таким образом, первый Уголовный Кодекс независимого Узбекистана заложил отличную от предшествовавшей правовую основу борьбы с преступностью в нашем государстве с учетом сложившейся социально-политической обстановки в новой экономической системе, а также перспектив дальнейшего совершенствования новой государственности и формирования гражданского общества.

По прошествии времени, констатируем, что с этими задачами уголовный закон справился, так как стратегическая линия правовой политики построения суверенного демократического государства, прогрессивные принципы которого были воплощены и реализованы в уголовно-правовой политике, нашли свое отражение и в УК при формировании, а в дальнейшем в процессе применения конкретных правовых норм.

Вместе с тем, уголовная политика, как составная часть государственно-правовой политики, являющейся приоритетной для уголовно-процессуальной, уголовно-исполнительной и профилактической (криминологической) политик, поскольку

они базируются на нормах уголовного законодательства, которые определяют не только специальные меры борьбы с преступностью и другими антиобщественными проявлениями, но и включают в себя широкий спектр общесоциальных форм этой борьбы, не есть что-то застывшее, не реагирующее на тенденции в общественной и государственной жизни. Уголовная политика не может отставать от возникающих общественных потребностей, должна создавать основу для правового регулирования отношений жизнедеятельности общества, решения возникающих проблем посредством совершенствования уголовного законодательства, принятия или корректировки законов, соответствующих объективному развитию общества и государства, которые максимально учитывают научно-обоснованные направления противодействия преступности и содержат достаточный правовой материал для выработки оптимальных правоприменительных решений.

Особенностью уголовной политики современного Узбекистана является ее динамизм, проявляющийся в: постоянной, системной конкретизации ее сущности и содержания; корректировке целей и задач с учетом развития государственности и объективных реалий жизнедеятельности общества, возникающих внутренних и внешних угроз безопасности, стабильности, мира и спокойствия; стратегическом и тактическом характере реагирования на антиобщественные проявления посредством использования как апробированных, традиционных, так и иных средств борьбы, что обусловлено поступательным развитием общества, демократии с учетом национальных традиций, ментальности и других особенностей, свойственных избранному пути обновления и становления новой государственности; восприимчивости положительных тенденций в законотворческой и правоприменительной деятельности отдельных зарубежных государств.

На сегодняшний день современная уголовная политика Республики Узбекистан имеет свои специфические особенности, к которым относятся: независимое ее развитие в качестве самостоятельного направления государственной политики; гуманность; международное сотрудничество, направленное на соответствие национального уголовного законодательства международным стандартам; ориентация уголовной политики на законодательство под углом зрения его соответствия Конституции Республики Узбекистан; возможность ее прогнозирования и некоторые другие.

Отмеченное выше, в первую очередь отражалось на развитии уголовного законодательства, которое, имея изначально достаточный потенциал дифференцированного, справедливого и гу-

манного подхода к вопросам ответственности и наказания, постоянно совершенствовалось и реагировало на происходящие процессы в обществе. Важно отметить, что с первых дней независимости тенденция либерализации и демократизации судебной-правовой системы доминировала. Эти процессы со временем не только не ослабли, но и наоборот, все более интенсифицировались.

В связи с отмеченным, сегодня, с исторических подходов возможна констатация того, что уголовное законодательство Узбекистана начиная с 2001 года, в своем развитии перешло к новой стадии². Импульсом тому явился доклад первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан 29 августа 2001 г. «Справедливость — в приоритете закона». В докладе И. А. Каримов подчеркнул, что: «Главная стратегическая задача на современном этапе развития — это осуществление принятой в июне 2000 года Программы по либерализации и углублению процесса реформ в политической, экономической и духовной сферах общества», а вопросы «...либерализации, демократизации судебной-правовой системы, ...являются важнейшими составляющими этой Программы реформ, проводимых у нас в стране»³. Основная цель реформы, которая последовательно проводится на протяжении последних лет состоит в либерализации уголовных наказаний.

В результате системного и поэтапного осуществления либерализации уголовного наказания из санкций 26 составов преступлений, предусмотренные в Особенной части УК исключено лишение свободы. В санкции 146 статей действующего Уголовного кодекса внесены изменения и дополнения, направленные на либерализацию уголовных наказаний, в которых предусмотрены новые виды наказаний - как обязательные общественные работы и ограничение свободы, выступающие в качестве альтернативного наказания к аресту и лишению свободы. Исключена из Уголовного кодекса такие виды наказаний как конфискация имущества, арест, лишение определенного права в отношении лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, за исключением случаев, повлекших смерть человека или иные тяжкие последствия, смертная казнь. Отмена смертной казни в Узбекистане по утверждению авторитетных зарубежных ученых и экспертов, стала основой становления в нашей стране самой либеральной системы уголовных наказаний в мировом сообществе.

Колоссально изменена система классификации преступлений. Количество преступлений, не представляющих большой общественной опасности повысилось с 86 до 196 составов преступле-

ний. Около 70 процентов преступлений из категории тяжких и особо тяжких переведено в категорию составов преступления, не представляющих большой общественной опасности и менее тяжких.

В целом положительно оценивая проведенные в стране реформы Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев в Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. подчеркнул: «Проведенные за годы независимости реформы заложили прочный фундамент национальной государственности и суверенитета, обеспечения безопасности и правопорядка, неприкосновенности государственных границ, верховенства закона, прав и свобод человека, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, создали достойные условия жизни для населения реализации созидательного потенциала граждан»⁴. И далее определяя стратегию действий по дальнейшему развитию страны в п.2.3 второго раздела Приложения №1 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» к названному Указу, глава нашего государства указывает на необходимость проведения работ направленных на «совершенствование и либерализация норм уголовного... законодательства, декриминализация отдельных уголовных деяний, гуманизации уголовных наказаний и порядка их исполнения». Приведенное концептуальное указание Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева обусловлено объективными социально-политическими и экономическими условиями, закономерно вытекают из основополагающих принципов развития государственности и непосредственно направлено на постепенное сокращение карательных элементов и преобразование их в воспитательные; более широкой реализации принципа экономии репрессии, который должен проявляться в неуклонном сужении круга преступных деяний и смягчении уголовной ответственности на основе принципов законности, неотвратимости и справедливости; гуманизации уголовного законодательства, сочетающейся с неотвратимостью ответственности и применением суровых мер за деяния, составляющие внешние и внутренние угрозы безопасности и правопорядку. Исходя из изложенного, необходимо выделить ряд приоритетных направлений уголовной политики, которые, как нам представляется должны найти свое восприятие в процессе законотворческой деятельности в сфере развития уголовного законодательства.

Первое направление носит общепроцессуальный характер, но в значительной мере относится и к уголовному законодательству. Здесь необходи-

примирения сторон и упрощения механизма его применения. Присутствие института примирения сторон в уголовном законодательстве стало олицетворением таких многовековых традиций народа, как милосердие и умение прощать. С момента введения названного института в уголовное законодательство количество статей, по которым допускается применение института примирения сторон, возросло с 26 (32 состава преступления) до 45 (61 составов преступлений). Результаты проведенного нами опроса ученых и практических работников страны позволяют констатировать, что освобождение виновных лиц от уголовной ответственности, в связи с примирением сторон является свидетельством огромного шага сделанного в сфере гуманизации и либерализации уголовных наказаний

В-пятых, необходимо увеличить количество и расширить сферу применения уголовно-правовых поощрительных норм. Реализация уголовной политики в области либерализации уголовных наказаний, безусловно, предполагает развитие института поощрительных норм. Избрание пути либерализации уголовной политики нашим государством обусловило введение в ряд статей Особенной части Уголовного кодекса новых специальных уголовно-правовых поощрительных норм. Так, на практике положительно оценивается введение в УК поощрительной нормы о неприменении наказания в виде ограничения свободы и лишения свободы в случаях возмещения причиненного материального ущерба (ч.ч. 4 ст.ст. 167, 168, ч.5 ст.185² УК), в трехкратном размере (ч.ч.4 ст.ст. 173, 175, 198 УК) или полное освобождение от уголовной ответственности (ч.ч.3 ст.ст.180, 181, 181¹, ч.6 ст.185² УК) при условии если лицо впервые совершило преступление и оно в тридцатидневный срок со дня обнаружения преступления возместило причиненный материальный ущерб. Существование таких поощрительных правовых норм в уголовном законодательстве обусловлено стремлением законодателя восстановить правомочия собственника при одновременном стимулировании позитивного поведения субъекта права. Осуществление позитивного поведения в виде возмещения причиненного материального ущерба, как правило, свидетельствует о личностно-психологических процессах, направленных на исправление виновного, что позволяет судебным органам прийти к выводу о нецелесообразности назначения наказания в виде ограничения свободы или лишения свободы. Такой технический прием расширяет сферу уголовно-правовых отношений, в рамках которых возможно стимулирование позитивного поведения посредством предоставления возможности избежать неприменения наказания в виде ограничения свободы или лишения свободы.

Третье направление — декриминализация. В этом блоке следует выделить следующие аспекты.

Во-первых, на наш взгляд, необходимо исключить из числа уголовно-наказуемых преступления, условием ответственности которых является административная преюдиция, а также деяния, которые в общественном сознании не оцениваются как преступные и не порицаются значительной массой людей даже на уровне морального осуждения. Нужен комплексный системный анализ действующих уголовно-правовых норм и их сопоставление с реальным состоянием правонарушаемости по этим нормам, что позволит оптимизировать ответственность уголовную, передав под административную, а возможно и имущественную, и дисциплинарную ответственность отдельные незначительные правонарушения.

Во-вторых, следует вывести из категории преступного поведение, предусмотренное в качестве такового в действующих нормах уголовного закона, распространенность которого невелика либо по данным судебной статистики вообще отсутствует, за исключением конвенционных норм и норм, включенных по прямому предписанию Конституции Узбекистана.

В-третьих, необходимо провести анализ норм с бланкетной диспозицией с ревизией всех актов законодательства и ведомственного законодательства, на основании которых эти нормы применяются, для целесообразного сужения круга нарушений, могущих повлечь уголовную ответственность.

В-четвертых, целесообразно сократить вновь возросшие и имеющие тенденцию к увеличению специальные нормы, предусматривающие ответственность за частные случаи, охватываемые общими нормами; минимизировать на уровне уголовного законодательства разновидности конкурирующих норм и исключить из УК коллизионные нормы.

Четвертое направление — криминализация. В данном блоке необходимо выделить следующие аспекты.

Во-первых, необходимо возвести в разряд преступных деяния, рассматриваемые в качестве таковых в международных договорах, к которым присоединился Узбекистан.

Во-вторых, нуждается в проработке вопрос об установлении уголовной ответственности юридических лиц. В теории уголовного права предложения о возможности признания юридического лица субъектом преступления стали всерьез обсуждаться с 1992 г. Положительно этот вопрос был решен в проекте нового УК 1994 года. Однако при его обсуждении данное предложение не прошло, и новый УК в этом отношении остался на прежних позициях. Здесь необходимо осу-

ществить комплексный анализ всего законодательства, определить перечень составов преступлений, субъектом которых может быть юридическое лицо и с учетом этого предусмотреть размер и вид уголовного наказания.

В-третьих, целесообразно повысить и расширить ответственность государственных служащих всех ветвей власти, включая правосудие. По данному направлению Президентом страны Ш.М.Мирзиёевым 13 июня 2017 г. на видеоселекторном совещании, посвященном состоянию дел по обеспечению правосудия в судебных органах, подвергнуто жесткой критике ситуация, когда среди судей встречаются случаи совершения противозаконных действий, коррупции, безразличия к заботам людей, принятия решений, нару-

шающих принципы справедливости. Отмечено, что серьезные недостатки в этой сфере возникли из-за того, что не было уделено достаточного внимания этим важным вопросам⁵.

Представляется, что реализация выдвинутых нами предложений, направленных на развитие современного уголовного законодательства, несомненно, будет способствовать претворению в жизнь концептуальных положений, содержащихся в Указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной-правовой системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» от 21 октября 2016 г. и «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г.



¹Ляпунов Ю.И. Уголовный кодекс Российской Федерации 1996 года: достоинства и недостатки // Уголовному кодексу Российской Федерации 10 лет (итоги и перспективы): Сборник научных статей. / Под ред. профессора Н.Г. Кадникова. – М., Московский университет МВД России, 2006. 15-с.

² Подробнее об этапизации и стадиях развития уголовного законодательства см.: Уголовное право. Общая часть: Учебник / А.С. Якубов, Р. Кабулов и др. – Ташкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 2005. – С.71-87.

³ Каримов И.А. Справедливость – в приоритете закона // За безопасность и мир надо бороться. Т. 10. – Т.: Узбекистон, 2002. – С.28.

⁴ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст.70.

⁵ Обеспечение верховенства закона и справедливости – важнейшее условие достижения наших благородных целей // <http://www.uza.uz/ru/13-06-2017>

Миродил БОРОТОВ,
 Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
 катта ўқитувчиси, ю.ф.д., профессор
 Тимур БОТИРОВ,
 Жомбой туман прокуратураси терговчиси
 лавозимида иш ўрганувчи

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА СУДЛАНГАНЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

◆ Ушбу мақолада айрим хорижий мамлакатларда судланганлик институтининг ўзига хос хусусиятлари, унинг суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда жиноят ҳуқуқида тутган ўрни ёритилган. Жамиятда судланганларнинг сони, уни камайтириш йўлидаги истиқболли ишлар кўрсатилиб, бу борада жиноят қонунчилигини либераллаштириш йўлида судланганлик институтини такомиллаштиришнинг айрим масалалари ифодаланган.

◆ В данной статье раскрыты особенности института судимости в некоторых зарубежных странах, и его место в реформировании судебно-правовой системы, а также в уголовном праве. В ней исследованы перспективные работы по сокращению количества судимых и освещены некоторые вопросы совершенствования института судимости в свете либерализации уголовного законодательства.

◆ This article discloses the features of the institute of conviction in some foreign countries, and its place in the reform of the judicial and legal system, as well as in criminal law. It explores promising work to reduce the number of convicts and highlights some issues of improving the criminal record institute in the light of the liberalization of criminal law.

Таянч сўзлар: хорижий мамлакатларда судланганлик институти, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, либераллаштириш, судланганлик, жиноят, жиноят қонунчилиги, рецидив, муддат, жазо, назорат.

Ключевые слова: институт судимости в зарубежных странах, судебно-правовые реформы, либерализация, судимость, преступление, уголовное законодательство, рецидив, срок, наказание, контроль.

Key words: institute of convictions in the foreign countries, judicial and legal reforms, liberalization, criminal records, crime, criminal legislation, recidivism, term, punishment, control.

Судланганликнинг (ёки шахс томонидан янги жиноят содир этилганда илгариги ҳукм қилиш фактининг) жиноят-ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини аниқлашда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жиноят ҳуқуқимиз учун аънавий ҳисобланган ёндашувлардан фарқли равишда, ўзига хос ёндашувлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Хусусан, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида судланганлик мустақил ҳуқуқий институт сифатида кўрсатилмайди, кўпинча судланганлик тушунчасининг умумий таърифи йўқ, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддатлари ва оқибатларини ҳисоблаб чиқиш тартиби ҳақида алоҳида ҳолатлар қайд этилмаган. Шу билан бирга, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида белгиланган илгариги ҳукм қилиш фактига алоқадор қоидалар аниқ бир муаммоларни ҳал қилиш билан “боғланган” (муайян жиноятларни содир этган муайян шахсларга жазо тайинлаш, “одатланиб қолган” жиноятчилар учун жазони оғирлаштириш, “хавфсизлик чоралари”ни қўллашнинг асослари ва б.).

Бизнинг жиноят қонунчилигимизга яқин бўлган Россия Федерацияси жиноят қонунчилигига кўра,

судланганликнинг ижтимоий моҳияти шундаки, судланган шахс муайян вазифаларни бажара олмайди (судья, прокурор, терговчи, милиция ходими ва бошқа лавозимларни эгаллай олмайди). Ўта оғир жинояти учун судланган шахс “Ҳарбий хизмат ва ҳарбий мажбуриятлар тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 23-моддаси бўйича ҳарбий хизматга чақирилмайди¹. Фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан содир этган жинояти учун судланган шахснинг фарзандликка олиш ҳуқуқига ушбу судланганлик ҳолати тўсқинлик қилади. Судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки белгиланган тартибда олиб ташланмаган шахснинг ўқотар курулга эга бўлиш ва сақлашда унга муайян чекловлар юкланади². Баъзи давлатларда, масалан, АҚШда муайян жинояти учун судланганлиги бор шахсларнинг штатлар ҳудудидан чиқиши чекланади. Судланган шахснинг хулқи устидан улар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида турли шаклдаги назорат ўрнатилиши мумкин. Шахснинг судланганлиги унинг оила аъзолари, яқинларининг манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ниҳоят,

фуқаро турли хилдаги анкета ва ҳужжатларни тўлдиришда, сайланадиган мансабларга номзодини кўрсатишда ва бошқа ҳолатларда судланганлиги ҳақида маълум қилиши зарур.

Россия Федерацияси жиноят қонунчилиги бўйича судланганлик – бу шахснинг жиноят содир этиши ва унга жазо тайинланиши билан бевосита боғлиқ бўлган ўзига хос жиноий-ҳуқуқий ҳолат. У ўзи билан жиноий-ҳуқуқий ва ижтимоий мазмунга эга салбий оқибатларга олиб келувчи жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг шакллари билан бири ҳисобланади. Россия Федерацияси жиноят ҳуқуқида судланганлик институтининг мавжудлигига сабаб бўлувчи асосий омилларга озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўтаётган шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ва рецидив жиноятчилик билан курашнинг самарадорлигини ошириш зарурияти тегишлидир. Россия Федерациясининг суд статистикасига кўра, ҳар йили жазони ижро этиш муассасаларида жазони ўтаб туриб, 8500 нафар атрофидаги маҳрум жиноят содир этмоқда; озодликдан маҳрум қилишга синов муддати билан шартли ҳукм қилинган 62 минг атрофидаги шахс яна жиноят содир этади. Судланганлик ҳолати тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахслар сони 2010 йилда салкам 256 минг кишини ташкил қилган³. Бугунги кунда Россияда жиноятчилик “ёшармоқда”, тарбия колонияларида жазони ўтаган шахсларнинг жиноятчилиги каби ғайриижтимоий ҳолатга қарши жиноят-ҳуқуқий таъсир воситаларини топиш муаммоси ўта муҳим ҳисобланади. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда судланганлик институтининг аҳамияти ушбу ҳолатда нол даражага тушади. Чунки Россия Федерацияси жиноят қонунчилиги бўйича, шахс томонидан 18 ёшгача содир этилган жиноят учун судланганлик нафақат рецидив деб топишда, балки жазо тайинлашда ҳам ҳисобга олинмайди. Бироқ шунга айтиш керакки, вояга етмаганлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси камдан-кам ҳолатларда қўлланилади⁴.

Беларусь Республикаси жиноят қонунчилигида озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган алоҳида тоифадаги шахслар томонидан рецидив жиноятларнинг олдини олишда судланганлик институтининг аҳамиятини оширишга йўналтирилган бир қанча нормалар мавжуд. Масалан, Беларусь Республикаси Жиноят кодекси ўта хавфли рецидивист деб топилган шахслар устидан озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод бўлгандан сўнг судланганликни олиб ташлангунга қадар олдини олувчи назорат ўрнатилишини кўзда тутди (ЖКнинг, 80-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, ушбу кодекснинг 80-моддаси иккинчи қисмига кўра, олдини олувчи назорат қўйидаги шахслар устидан ўрнатилиши мумкин: оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланган ёхуд қасддан

содир этган жинояти учун икки ва ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум этилган шахслар устидан, агар озодликдан маҳрум этиш кўринишидаги жазони ўташ давомида уларнинг хулқи тузалиш йўлига ўтишни қатъий хоҳламаслик ҳақида дарак берган ҳолларда ёхуд ушбу тоифадаги шахслар устидан, шунингдек, улар томонидан жазони ўтагандан кейин маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунда кўзда тутилган тартибда, маъмурий қамоқ кўринишидаги жавобгарликка мунтазам тортилган ҳолларда ўрнатилади.

Беларусь ЖКнинг 81-моддасига кўра, профилактик кузатув судланганлик муддати давомида оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахслар устидан ҳам ўрнатилади. Судланганликнинг барча нохуш оқибатларини ўз ичига олган шунга ўхшаш қонуннинг махсус қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши жиноятчилик билан курашнинг барча босқичларида судланганлик институтининг самарали таъсирини сезиларли даражада ошириши мумкин⁵.

АҚШ, Германия, Испания, Англия, Франция, Япония ва бошқа давлатлар жиноят қонунчилигининг таҳлили судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий моҳиятини аниқлашда миллий қонунчилик ва МДХ давлатлари жиноят қонунчилиги қоидаларига тўғри келмайдиган ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади. Ушбу давлатлар жиноят қонунчилигида судланганлик мустақил институт сифатида намоён бўлмайди. Баъзи давлатлар қонунчилигида судланганлик тушунчаси умуман мавжуд эмас (масалан, Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексида судланганлик тушунчаси жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга ва жазо қўллаш ёки ундан озод қилишга таъсир кўрсатувчи факт сифатида мустаҳкамлаб қўйилмаган). МДХ давлатлари Жиноят кодексларида бу тушунча мавжуд.

Англо-саксон ҳуқуқ тизими амал қилувчи давлатларнинг жиноят қонунчилиги (АҚШ, Англия) қонун чиқарувчи белгилаб қўйган ҳолатларда жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш тартиби ва шартлари тўғрисида аниқ кўрсатмаларнинг қўплиги билан тавсифланади. Бу тизим жиноят ҳуқуқи институтларида бизнинг жиноят ҳуқуқимизда, шунингдек, романо-герман ҳуқуқ тизимларида берилган судланганлик тушунчасининг моҳияти мавжуд эмас. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатлар жиноят қонунчилигида судланганлик тушунчаси қўлланилишининг барча ҳолатлари учун умумий бўлган мустаҳкамловчи, шу билан бирга, судланганлик сақланишининг муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби, шунингдек, унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги қоидалар мавжуд эмас⁶.

Замонавий хорижий давлатлар жиноят ҳуқуқида судланганлик тушунчаси тўғридан-тўғри ишлатилмас ҳам, жазо тушунчаси билан бирга, хавфсизлик чоралари тушунчаси мавжуд. Хавфсизлик чоралари қасд олиш ёки қўрқитиш мақсадини

кўзламайди, балки шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этиши мумкин бўлган хавфлилик ҳолатини бартараф этишга йўналтирилган⁷.

МДХ давлатлари жиноят қонунчилигини кузатадиган бўлсак, амнистия ёки авф этиш асосида жазодан озод қилишнинг қонун билан тартибга солинишида бизнинг қонунчилигимиздан фарқ қилувчи жиҳатларга дуч келамиз. Масалан, Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 107-108-моддаларига 2013 йил 22 мартда киритилган ўзгартишга кўра, амнистия ёки авф этиш акти вояга етмаганларга нисбатан жиноят содир этган шахсларга қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган бўлса, Молдова ЖК 109-моддаси тўртинчи қисмида ярашув асосида жазодан озод қилиш ҳам вояга етмаганларга нисбатан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмаслиги кўрсатилган.

МДХга кирувчи айрим мамлакатларнинг Жиноят кодекслари Махсус қисмининг кўплаб моддаларида муайян жиноят учун судланган шахслар томонидан яна ўша жиноятга айнан ўхшаш жиноятни содир этиш квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Афсус билан айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Махсус

қисми моддаларида муайян жиноят учун олдин судланганлик ўша жиноят таркиби доирасига квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилмаганлиги туфайли айрим ҳолларда адолатсиз жазо тайинланишига сабаб бўлмоқда⁸.

Жиноятчиликнинг олдини олиш тизимида судланганликнинг таъсири қанчалик самарали? Бунда ўшбу ҳолатга олиб келувчи ҳақиқий сабабларни аниқлаш зарур. Таъкидлаш зарурки, кўпчилик хорижий давлатлар қонунчилигида судланганликка таъриф берилмаган. Бу тушунча жиноят ҳуқуқи фанида ва тергов-суд амалиётида турли хил талқин қилишга олиб келади.

МДХга аъзо кўпчилик давлатларнинг жиноят қонунчилиги бўйича судланганликнинг тугалланиш муддатлари Жиноят кодексимиздаги каби содир этилган жиноятнинг муддатлари бўйича эмас, балки содир этилган жиноятнинг таснифи ва жиноят учун белгиланган жазо чорасининг кўринишига асосан тугалланиш муддатлари белгиланган.

Юқоридаги таҳлиллардан судланганлик муддатларини ҳисоблашнинг **Ўзбекистон** Республикаси Жиноят кодексига белгиланган **тартибини одилон ва қонуний** деб ҳисоблаш мумкин.



¹ Федеральный Закон РФ от 28.03.1998 г. «О воинской обязанности и военной службе» (с изменениями от 7 марта 2005 г.) // Российская газета. 2005 г. 11 марта.

² Федеральный Закон РФ от 13.11.1996 г. «Об оружии» (с изменениями от 29.06.04.) // Собрание законодательства Российской Федерации. 2004 г. – № 27. Ст. 2711.

³ Преступность и правопорядок в России. Статистический аспект. Статистический сборник. – М., 2011. 34-с.

⁴ Маршенов А.Ю. Развитие института судимости в уголовном праве Российской Федерации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону: 2002.

⁵ Уголовный Кодекс Белоруссии.

⁶ Додонов В.Н. Сравнительное уголовное право. Общая часть. – М., 2010. 247-с.

⁷ Козочкин И.Д. Уголовное законодательство зарубежных стран. – М., Зерцало, 1999. 324-с.

⁸ М. Усмоналиев. Судланганлик: унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди. 5-б.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

◆ Мазкур мақолада меҳнат ҳуқуқи масалалари ёритилган, шунингдек меҳнат ҳуқуқи фанини ривожлантиришнинг долзарблигига оид таклиф ва тавсиялар берилган.

◆ В данной статье раскрываются вопросы трудового права, а также представлены предложения и рекомендации, касающиеся актуальности развития науки трудового права.

◆ This article reveals the issues of labor law, as well as proposals and recommendations concerning the relevance of the development of the science of labor law.

Таянч сўзлар: меҳнат ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи фани, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ёлланма меҳнат, ходим, иш берувчи.

Ключевые слова: трудовое право, наука о трудовом праве, право на труд, наёмный труд, работник, работодатель.

Key words: labor law, the science of labor law, the right to work, wage labor, an employee, an employer.

Мамлакатимизда қурилаётган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий табиати инсон манфаатларини таъминлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва барқарорликни қарор топтириш, ижтимоий адолат тамойилларига тўла риоя этилишига эришиш асносида буюк келажак томон илдам ривожланишга қаратилгандир.

Мустақил тараққиётимизнинг тарихан қисқа, аммо ўз натижаларига кўра юз йилга тенг келадиган ўтган 26 йилда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳаётимизда туб ислоҳот ҳамда янгиланишлар амалга оширилди, кишиларимизнинг маънавий-руҳий қиёфаси тубдан ўзгарди, уларнинг сиёсий тафаккури ва онги, ижтимоий фаоллиги ўсди, улуг Ватани тақдирида ўз тақдирларини узвий ҳис қила бошладилар.

Мамлакатимизда давлатчиликни ривожлантириш, бунда жаҳон илғор тажрибаси ва умуминсоний демократик қадриятлар билан бирга, қадимий давлатчилик тарихимиз ва миллий анъаналаримизга таянилган ҳолда жамиятимиз сиёсий усткурмасини мустақилликнинг миллий руҳига мос келишига эришиш йўлида зарур сиёсий ислоҳотлар ўтказилди.

Мустақил тараққиётимиз даврида эришилган натижалар таҳлил этилар экан, олдимизга қўйилган олийжаноб мақсадимиз йўлида салмоқли натижаларга эришганимизга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Илм-фаннинг ривожланиши ва унинг эришган ютуқларидан кундалик ҳаётда кенг фойдаланиш цивилизациялашган жаҳон тараққиётининг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан биридир. XXI аср янги илмий технологиялар асри, фан ва унинг натижалари жамият муаммоларини бевосита ҳал этишга имкон берадиган, энг юксак самарали ишлаб чиқариш кучига айланган асрдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: "Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин"¹.

Фаннинг ривожланиши нафақат одамлар турмуш тарзини, балки мамлакатлар ва халқларнинг ижтимоий-сиёсий қиёфаси тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда, у ёки бу давлатнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрни, обрў-эътибори, куч-қудрати фан ва технологиялар тараққиёти билан белгиланмоқда.

Илм-фаннинг асосий вазифаси келажакимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, шунингдек, эртанги кунимизнинг асосий йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишига йўл кўрсатиб беришдан иборатдир.

Демак, юридик фанлар ҳуқуқий тизим ривожини, унинг фаол ҳаракатини, мамлакат ҳуқуқий ҳаётини, унинг келажagini, эртанги ҳуқуқий фао-

лият йўналишларини белгилаб беради. Юридик фанларга эътибор нафақат ҳуқуқий тизимнинг ўзи, балки у билан ҳамоҳанг тарзда мамлакат ривожига ижобий таъсирини кўрсатади.

Давлатимиз ва жамиятимиз мақсад-моҳиятини, тараққиётимиз хусусиятларини чуқур ҳамда тўғри англаб етишда, амалга ошириладиган барча ишлар марказида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари ётишини тушуниб олишда юридик фанлар етакчи аҳамиятга эгадир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича назарда тутилган комплекс чора-тадбирлар, инсоннинг ижтимоий соҳадаги энг муҳим ҳуқуқларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида белгиланган қоидаларни сўзсиз ижро этилишининг муҳим кафолати бўлиб қолади.

2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилиниши муносабати билан мазмунан бой 320 банддан иборат ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий характердаги тадбирларни қамраб олган Давлат дастури қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари, бу ҳуқуқларни халқаро стандартларга мос равишда тўла таъминланганлиги, етарли даражада кафолатланганлиги ҳар қандай давлат халқаро обрў-эътиборини, демократик ва инсонпарвар қиёфасини белгилаб берадиган бош омиллардан бирига айланган бугунги кунда инсон ҳуқуқлари соҳасида илмий тадқиқотларнинг чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши тобора долзарблик касб этмоқда. Бунда инсоннинг аниқ ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бу соҳадаги кундалик талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган прагматик тадқиқотлар, инсон ҳуқуқлари ҳимояланишининг илмий-назарий жиҳатларига оид муаммолар олдинги маррага чиқмоқда.

Ҳуқуқшунослик фанлари орасида инсон ҳуқуқлари, уларнинг кенгайтирилиши, таъминланиши муаммолари билан шуғулланувчи фан тармоқларидан бири бўлган меҳнат ҳуқуқи фани ўзига хос ўринни эгаллайди.

Зеро, меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий табиий ҳуқуқларидан бири сифатида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда тўла эътироф қилинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам кафолатланган.

Мамлакатимиз иқтисодий фаол аҳолисининг асосий қисми ёлланиб, меҳнат шартномаси асосида меҳнат қилиши ва шу орқали ўзи ҳамда оила аъзолари учун тирикчилик ўтказиш манбаига эга экани меҳнат ҳуқуқи фанининг жамиятдаги мавқеи ортишига сабаб бўлмоқда.

Бозор муносабатлари тамойилларига таянув-

чи қатъий талаб ҳамда шартлар тобора кучайиб бораётгани "ходим — иш берувчи" муносабатларида ходим ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоялаш ва кафолатлаш эҳтиёжини кучайтирмоқда. Буларнинг барчаси меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, улар хусусида чуқур илмий мушоҳада қилиш, ечимларини топиш устида илмий тадқиқотлар олиб борилишини изчил йўлга қўйишни талаб қилмоқда.

Назаримизда, инсон, давлат жамият ҳаётида меҳнатнинг аҳамиятини янгидан англаб етиладигани, меҳнат билан боғлиқ муносабатлар, шу жумладан, унинг ҳуқуқий масалалари, "ходим-иш берувчи-давлат-жамият" тарзидаги алоқаларда уларнинг ҳар бири эгаллайдиган мавқени меҳнат ҳуқуқи нуқтаи назаридан илмий ўрганиш зарурлигига эътибор қаратиладигани тараққиётимизнинг ижобий ҳодисаси сифатида баҳоланмоғи лозим.

Фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилиши жиҳатидан меҳнат ҳуқуқи фанининг бошқа қатор юридик фанларга нисбатан орқанда қолаётгани тан олинishi лозим бўлган ҳақиқат сифатида эътироф этилиши даркор. Чунки, бозор муносабатлари чуқурлашиб ва авж олиб бораётган шароитда ёлланиб ишловчи фуқаролар меҳнат ҳуқуқларининг амалга оширилиши, ҳимоя қилиниши, ходимлар ва иш берувчиларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий шериклик муаммоларининг илмий тадқиқ этилмаслиги ёлланиб ишловчи ходимлар аҳволини ёмонлашувидан ташқари, шахнинг жамиятдаги умумий ҳуқуқий мақомига ҳам салбий таъсир этади. Ҳалол ва самарали меҳнат қилишга рағбатни сусайтиришга сабаб бўлади.

Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади.

Меҳнат ҳуқуқи фани соҳасида фундаментал илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаётганининг объектив ва субъектив сабаблари мавжудлиги илм аҳлига маълум. Бинобарин, бошқа соҳаларда бўлгани каби илм-фанда ҳам рағбат ва манфаатдорлик асосий ҳаракатлантирувчи куч саналади.

Меҳнат ҳуқуқи фани соҳасида илмий тадқиқотларнинг кучайтирилиши, тадқиқотларнинг йўлга қўйилиши ягона омил эмас ва фикримизча, бу соҳада фойдаланилмаган имкониятлар чексиз, ишга солинмаган омиллар жуда ҳам кўпдир.

Ушбу масалада қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз:

— меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган муаммолар доираси аниқланиши, шу асосда ушбу ҳуқуқ соҳаси бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш концепцияси ишлаб чиқилиши;

— ТДЮУда меҳнат ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи мутахассислик йўналиши бўйича тайёрланаётган ҳуқуқ магистрлари орасидаги иқтидорли, билимли ва салоҳиятли мутахассисларни фанга жалб қилиш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, имтиёзлар бериш орқали илмий фаолиятни рағбатлантириш чора-тадбирларининг кўрилиши ҳам ўз навбатида ҳуқуқ соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни барта-раф этиш билан бирга, меҳнат ва ижтимоий таъминот ҳуқуқи фанларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади;

— Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан алоқаларни янада яхшилаш орқали фаннинг амалиёт билан алоқадорлигини таъминлаш, илмий статистик-таҳлилий ахборот манбаларидан фойдаланиш имкониятини туғдириш, вазирликлар билан илмий муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, амалиёт муаммоларининг илмий ҳал этилишини йўлга қўйиш ва айти пайтда амалиётнинг илмий тадқиқотлар суръати ва сифатига таъсирини кучайтириш;

— меҳнат ҳуқуқи фанининг энг долзарб илмий муаммолари тадқиқ этилиши юзасидан давлат гранти танловлари эълон қилиниши, муаммонинг юксак илмий савияда ҳал этилишига эришган тадқиқотчи олимларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш;

— меҳнат ҳуқуқи соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи халқаро илмий жамоатчиликни, энг аввало, МДХ аъзоси бўлган ҳамкор мамлакатлар олимларини кенг жалб этган ҳолда илмий-назарий конференциялар, давра суҳбатлари ташкил қилиш йўли билан мавжуд муаммолар ва улар-

нинг ечимини топишга илмий жамоатчилик, давлат ҳамда жамият эътиборини қаратиш;

— суд амалиётини, корхона ва ташкилотларда қонунчилик аҳволини, ходимлар ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш даражасини ўрганишга ёш олимларни кенг жалб этиш, улар томонидан социологик тадқиқотлар ўтказиш, натижалари кенг таҳлил қилинишини йўлга қўйиш;

— меҳнат ҳуқуқи йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бораётган мутахассис ва олимларнинг хорижий мамлакатларда (энг аввало, МДХ мамлакатларида) илмий амалиёт ўташини йўлга қўйиш орқали ўзга давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш кабилар шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг кенг йўлга қўйилиши ҳуқуқшунослик фанлари тараққиётига хизмат қилиши, ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришда, бу орқали фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамда мамлакатимизнинг ўз олдига қўйган буюк мақсади — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим омилдир. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўйини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак — ҳеч шубҳасиз, марра бизники — Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қураимиз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз"².



¹ Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили // Халқ сўзи. 2016 йил 31 декабрь.

² Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 17-б.

Алишер ХИДОЯТУЛЛАЕВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
кафедра бошлиғи в.б.

АККРЕДИТИВ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

- ◆ Мазкур мақолада аккредитив муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари таҳлил этилган.
- ◆ В данной статье проанализированы вопросы гражданско-правовой ответственности, вытекающей из аккредитивных отношений.
- ◆ This article analyzes the issues of civil liability arising out of the relations referring the letter of credit.

Таянч сўзлар: аккредитив, банк-эмитент, шартнома, жавобгарлик, ижрочи банк, бенефициар.

Ключевые слова: аккредитив, банк-эмитент, договор, ответственность, исполняющий банк, бенефициар.

Key words: letter of credit, issuing bank, contract, liability, executing bank, beneficiary.

Бугунги кунда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакли сифатида аккредитивдан фойдаланиш ҳамда ундан келиб чиқадиган жавобгарлик масалалари фуқаролик қонунчилиги орқали тартибга солиб келинмоқда.

Шу билан биргаликда, мазкур муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик масалаларини ҳал этишда халқаро қонун ҳужжатлари талабларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Аккредитив ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш жараёнларига кўра, уларнинг жавобгарлик масалалари қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган. Жавобгарлик масалаларига оид низоларни ҳал этишда ҳар бир субъектнинг хатти-ҳаракатига алоҳида ҳуқуқий баҳо берган ҳолда жавобгарликни ҳал этиш лозим.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигига кўра, аккредитив шартлари бузилганлиги учун мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда, маблағларни олувчи олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредитив шартларни бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдидаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда аккредитив ҳуқуқий муносабатлари бўйича келиб чиқадиган жавобгарлик масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда бир қанча илмий мунозаралар келиб чиқмоқда. Чунки, ушбу муаммонинг мураккаблиги аккредитивнинг ҳуқуқий табиатига нисбатан ягона фикрнинг мавжуд эмаслигидадир.

Фуқаролик кодексининг 802-моддасида аккредитив шартларини бузганлик учун банк жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган. Бирок, ушбу қонунчилик нормаси фақат бир томонлама жиҳатларга эга эканлигини инобатга олган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аккредитив шартномалари бўйича унинг шартлари бузилиши натижасида тарафлар, хусусан, топшириқ берувчи, бенефициар ва ижрочи банкларнинг тўлиқ жавобгарлик масалалари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Банк-эмитент ва ижрочи банк ўртасидаги ўзаро муносабатлар топшириқ шартномасига кўра, бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топшириқ берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юри-

дик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топшириқ берувчида вужудга келади.

Аккредитив ҳуқуқий муносабатларда ҳам ижрочи банк ўз зиммасига олган, яъни бенефициар олдидаги ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариши учун аккредитив шартларига мувофиқ банк-эмитент уни етарли воситалар билан таъминлаши талаб этилади. Қопланган аккредитивда ижрочи банк ўз мажбуриятини амалга оширишда муаммолар юзага келмаслиги мумкин. Бироқ, қопланмаган аккредитивда эса аккредитив бўйича тўловларни амалга ошириш учун банк-эмитентнинг ҳисобварағида етарли пул маблағининг мавжуд эмаслиги, ижрочи банк учун бирмунча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, қопланмаган ва қопланган тасдиқланмаган аккредитивларда ижрочи банкнинг бенефициар талабларини асосиз рад этиш сабаблари кўриб чиқиладиганда ушбу аккредитив турларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки, қопланмаган аккредитив тури бўйича бенефициар олдида асосий жавобгар банк-эмитент ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда, банк-эмитент тўловчининг топшириғига кўра, аккредитив очишни рад этади. Кўпгина ҳолларда эса ижрочи банкни тўловчининг ўзи танлайди ва бунинг натижасида айрим ижрочи банкларнинг тўлов қобилятининг етарли эмаслиги банк-эмитент учун бир қанча муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, қонунчиликда банк-эмитентнинг асосиз равишда ижрочи банкка пул маблағларини етказиб бермаганлиги оқибатлари учун ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Қопланган ва тасдиқланган аккредитив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ижрочи банкнинг бенефициар олдидаги жавобгарлик масалалари куйидаги кўринишда намоён бўлади:

— маблағ олувчи (бенефициар) ўз хоҳишига кўра, қопланган тасдиқланмаган аккредитив ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи банкларнинг бирига ўз даъвосини билдиради ва шу билан бирга, суд шерик жавобгар сифатида иккинчи банкни ҳам ишга жалб қилиб, унга жавобгарликни юклаши мумкин;

— маблағ олувчи (бенефициар)нинг талабини қопланмаган тасдиқланган аккредитив бўйича ижрочи банк томонидан тўловни амалга ошириши рад этилса, бенефициар тўловни амалга оширишни банк-эмитентдан талаб этишга ҳақли, агарда талаб рад этилса, унга нисбатан даъво қўзғатиши мумкин. Ушбу ҳолат бўйича ижрочи банк албатта шерик жавобгар сифатида ишга жалб қилиниши керак. Агарда даъво ижрочи банкка

нисбатан берилган бўлса, ушбу ишга банк-эмитент ҳам шерик сифатида жалб этилиши керак. Суд ушбу ҳолат юзасидан қарор чиқаришда ижрочи банкнинг субсидар жавобгар эканлигини инобатга олиши зарур;

— қопланган тасдиқланган аккредитив бўйича даъво ҳар қандай банкка нисбатан қўлланилиши мумкин, бироқ иккинчи банк албатта шерик жавобгар сифатида ишга жалб этилади. Суд барча жавобгарликни ижрочи банкка юклаши мумкин. Агарда суд жавобгарликни банк-эмитентга юклаш зарур деб топса, ижрочи банк ушбу ҳолатда ҳам субсидар жавобгар бўлади¹.

Бундан ташқари, қопланган тасдиқланган аккредитив бўйича ижрочи банк пул маблағларини нотўғри ўтказиб юбориши натижасида аккредитив шартлари бузилган деб топилса, ижрочи банк бевосита тўловчи олдида жавобгар бўлади. Ушбу вазиятда тўловчи катта миқдорда моддий зарар кўриши табиий ҳолдир. Қопланмаган тасдиқланган аккредитивда эса тўловчи ҳеч қандай зарар кўрмайди. Чунки, банк-эмитент ундан бирор зарарни ундиришни талаб этмайди, аксинча, банк-эмитент ижрочи банкдан пул маблағларини қайтаришни талаб этиши мумкин. ФКнинг 802-моддасида банк-эмитент тўловчи ва маблағ олувчи олдидаги жавобгарликлари аниқ белгилаб қўйилган. Лекин ижрочи банкнинг жавобгарлиги масалалари умумий қоидалар билан чегараланиб, унинг аниқ мезонлари кўрсатиб ўтилмаган. Масалан, ижрочи банкнинг тўловларни амалга оширилишини рад этиши ёки бўлмаса тўловларнинг нотўғри амалга оширилиши каби ҳолатларда унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш муҳимдир. Балки шундай вазиятларни вужудга келишида банк-эмитентнинг айби бўлиши мумкинлиги, яъни ижрочи банк ўз вақтида етарли маблағлар билан таъминламаганлиги ёки аккредитив шартларига оид нотўғри маълумотлар етказганлиги сабабли ҳам юзага келиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бундай вазиятларда аккредитив шартларини қайси банк томонидан бузилганлиги ва етказилган зарар миқдори аниқланганда, жавобгарлик масалаларини ҳал этиш ҳамда уни қоплаш юзасидан етказилган зарарни қоплашни улар ўртасида тақсимлаш жуда муҳим.

Мазкур ҳолатлар таҳлил қилиб кўрилганда, аккредитив бўйича мажбуриятлар фақат тўловчи ва банк-эмитент ўртасида вужудга келиб, банк-эмитент ва етказиб берувчи, худди шундай тарзда ижрочи банк ва етказиб берувчи ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик масалалари тўлиқ очиб берилмаган, дейиш мумкин.

Бугунги кунда фуқаролик қонунчилигида аккредитив муносабатларидан келиб чиқадиган жа-

вобгарлик масалалари етарлича тартибга солинмаганлиги сабабли В.Ростоцовой ва И.Иловайский томонидан аккредитив ҳуқуқий муносабатларига нисбатан жавобгарлик модели ишлаб чиқилди. Уларнинг фикрича, етказилган зарар ва унинг миқдорини белгилашда асосий шартнома тарафлари томонидан ва аккредитив шартномаси тарафлари томонидан йўл қўйилган қоидабузарликлардан келиб чиқиб, жавобгарлик белгилаши лозимлиги таъкидланади².

Агарда банк-эмитент аккредитив шартларини бузмаса, асосий шартнома шартлари бенефициар томонидан бузилмаса икки субъектнинг бир мажбурият юзасидан қарздор сифатида эътироф этилиши мантиқий зидликни келтириб чиқариши табиий ҳол. Шу боис, келиб чиққан қоидабузарликлар учун турли хил жавобгарликлар белгилаши зарур. Агар банк-эмитент аккредитив бўйича ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаса, тўловчи банк-эмитентга нисбатан даъво орқали келтирилган зарарни ундиришни талаб қилишга ҳақлидир.

Умумий фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалалари банк-эмитентга нисбатан аккредитивга мувофиқ, ўз вақтида ва лозим даражада бажарилмаса, асоссиз равишда тўловларни амалга оширишни рад этган ҳолларда тегишли жавобгарлик масалалари қўлланилади. Банк-эмитент томонидан тўловларни тўлаш асоссиз равишда рад этилган тақдирда, тўловчи қонунга мувофиқ етказилган зарарни ва шартномада ёки қонунда кўрсатилган ҳолатларда неустойка ҳам ундириб олиши мумкин. Агарда банк-эмитент аккредитив шартномаси бўйича ўзини етарли асосларда маблағ олиш ваколатига эга шахс сифатида (легимитация) эътироф этмаган шахсга нисбатан тўловларни амалга ошириши банк-эмитентнинг бенефициар олдидаги тўловни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди. Ушбу ҳолатларда, банк-эмитент нотўғри ўтказилган тўловларга нисбатан судга мурожаат этиб, асоссиз равишда эгаллаб олинган маблағларни қайтаришни сўраши мумкин.

Бундан ташқари, бенефициар банк-эмитент ўз мажбуриятини лозим даражада ва ўз вақтида бажармаганлиги сабабли зарарни қоплаш юзасидан даъво талабларини тўловчига эмас, балки банк-эмитентга нисбатан ҳам бериши мумкин.

Тўловчига нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик масалаларининг асослари бўлиб, банк-эмитент томонидан аккредитив юзасидан амалга оширилган тўловларни ўз вақтида қоплаш ва уни рағбатлантиришни лозим даражада амалга оширмаслик оқибатида келиб чиқади.

Ижрочи банкнинг банк-эмитент олдидаги жавобгарлиги асослари аккредитив шартномасига

мувофиқ, банк-эмитент кўрсатмасини лозим даражада бажармаслик ёки бўлмаса бенефициар томонидан талаб этилган тўловларни асоссиз равишда рад этиш орқали келиб чиқади. Мазкур вазиятларда бенефициар ўзи етказиб берган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг амалга оширилишини тўловчидан ёки бўлмаса ижрочи банкка нисбатан даъво қўзғатиш йўли билан амалга ошириши мумкин. Маълумки, ижрочи банкнинг мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги учун тўловчи олдида банк-эмитент ҳам жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, қонунчиликда банк-эмитент билан авизо ва тасдиқловчи банкларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганликлари юзасидан жавобгарлик масалалари, тўловчи ва бенефициарга етказилган зарарни қоплаш тартиби ва уни амалга ошириш шартлари бўйича ҳам аниқ нормалар ишлаб чиқилмаган.

Накд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакли сифатида аккредитив орқали ҳисоб-китоб қилишда иштирок этаётган субъектлар доираси ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ таъминлаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, амалдаги Фуқаролик кодексининг аккредитив ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ бўлган нормаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Унга кўра, Фуқаролик кодексининг 800-моддасига биноан аккредитивни ижро этишда унинг асосий шартномадаги шартлардан холи тарзда, яъни аккредитив ижро этилишида тўсқинликлар вужудга келиши мумкинлигининг олдини олиш мақсадида мазкур моддага қўшимча банд сифатида "аккредитив асосий мажбуриятга ҳавола қилинган бўлса-да, мазкур ҳолат аккредитивга боғлиқ эмас"лигини кўрсатиб ўтиш лозим. Шу билан бирга, аккредитивни ижро этишда маблағ олувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни банк-эмитент ёки ижрочи банк томонидан кўриб чиқиш муддатларини киритиш зарур. Чунки, тақдим этилган ҳужжатларни ўз вақтида кўриб чиқиб, тегишли натижани эълон қилмаслик, маблағ олувчининг талабига биноан аккредитивда келишилган пул маблағларига эгалик қилиш муддати кечиктирилишига олиб келиши мумкин. Бу маълум бир маънода маблағ олувчи учун муайян муаммолар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 798-моддасига кўра, агар аккредитивнинг матнида бошқа нарса назарда тутилган бўлмаса, у чақириб олинадиган аккредитив бўлади, деб белгиланган.

Ушбу ҳолатга фуқаролик ҳуқуқининг асосий принципларига мувофиқ равишда тарафларнинг манфаатларини бир хил даражада таъминлаш

учун келтирилган модданинг ушбу бандини ўзгартирган ҳолда, "агар аккредитивнинг матнида бошқа нарса назарда тутилган бўлмаса, у чақириб олинмайдиган аккредитив бўлади" деб киритилса мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, бундай вазиятларда аккредитивга киритилаётган ўзгартиришлар маблағ олувчининг розилигисиз амалга оширилмайди.

Фуқаролик кодексининг 802-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ижрочи банк аккредитив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредитив бўйича пул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдидаги жавоб-

гарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ушбу ҳолатда аккредитив очиш шартномаси бевосита банк-эмитент ва тўловчи ўртасида тузилиб, унинг шартлари ҳам ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Юқоридаги ҳолатга кўра, мазкур нормага "ижрочи банк томонидан йўл қўйилган хато сабабли нотўғри ўтказилган пул маблағларини қайтаришда банк-эмитент ижрочи банкка аккредитив шартлари юзасидан тўғри ва аниқ маълумотлар тақдим этмаганлиги аниқланган ҳолатлар бундан мустасно" тахрирдаги қоида-нинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.



¹ Эрделевский А. О расчетах по аккредитиву // Хозяйство и право. 1997. № 7 .67-с.

² Ушбу иқтибос Л.О.Новоселовнинг "О некоторых вопросах ответственности банков при расчетах аккредитивами" номли мақоласидан олинди // Хозяйство и право. 1995. – № 1. 136-с.

Музаффар ЗИЁДУЛЛАЕВ,
ИИВ Академияси Раҳбар кадрларни тайёрлаш
факультети бошлиғи, ю.ф.н., доцент

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ УМУМЙ ВА МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИГА ДОИР ФАОЛИЯТИ (бугунги ҳолати: муаммолар ва ечимлар)

◆ Мақолада ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқбузарликлар умумий ва махсус профилактикаси фаолиятининг бугунги ҳолати, унда учраётган муаммо ва камчиликлар, мазкур муаммоларни ҳал қилиш ҳамда бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш, такомиллаштиришга доир мулоҳазалар ёритилган.

◆ Статья посвящена сегодняшнему состоянию деятельности опорных пунктов органов внутренних дел по общей и специальной профилактике правонарушений, проблемам и недостаткам имеющимся в этой области, даны предложения по устранению этих проблем, а также эффективной организации и совершенствованию работ в этой сфере.

◆ The article is devoted to the current state of the activity of base stations of internal affairs bodies on general and special prevention of offenses, problems and shortcomings in the field, proposals for eliminating these problems, as well as effective organization and improvement of work in this area.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари таянч пункти, профилактика инспектори, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси.

Ключевые слова: опорный пункт органов внутренних дел, инспектор профилактики, профилактика правонарушений, общая профилактика правонарушений, специальная профилактика правонарушений.

Key words: base station of internal affairs bodies, crime prevention inspector, prevention of offences, general prevention of offences, special prevention of offences.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида энг самарали ва айни пайтда инсонпарвар йўналиш эканлиги унинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш соҳасида мавқеининг ошиб боришига хизмат қилмоқда. Буни жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётганида¹ ҳам кўриш мумкин.

Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизими янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сон (2017 йил 14 март) Қарорида ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг устувор вазифаси эканлиги аниқ белгилаб кўйилди².

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида мамлакатимиз қонунчилигида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг

қабул қилиниши давлатимизнинг бу борадаги позициясини аниқ кўрсатиб беради. Хусусан, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»-ги (2010 йил 29 сентябрь), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014 йил 14 май), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) ва бошқа бир қатор Қонунлар қабул қилинди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни ягона қонун доирасида ҳуқуқий тартибга солиш имконини берди. Қонун қабул қилингунига қадар юридик адабиётлар, манбалар ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир турлича қараш ва фикрлар илгари сурилиб, умумий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилакти-

касани амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари бўйича аниқ бир тўхтам мавжуд эмас эди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги зиддиятлар ва қарама-қаршилиқларга барҳам берди. Жумладан, унинг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тўрт тури: ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси аниқ кўрсатиб ўтилди ҳамда ҳар бирининг тушунчаси, ўз ичига қамраб олган чора-тадбирлар ва уларни амалга ошириш асослари ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамлаб берилди.

Мазкур қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, унда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими аниқ белгиланиб, прокуратура органларига уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати берилди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури кўламига, қамраб оладиган даражасига кўра республика, ҳудудий, маҳаллий, муайян ҳудуд ёки объект миқёсида амалга оширилиши мумкин. Бугунги кунда республикамизнинг барча маҳаллаларида ташкил этилган ички ишлар органлари таянч пунктлари ва улардаги профилактика инспекторлари ҳар қандай даражадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, унинг ҳар бир тури ва чора-тадбирларини амалга оширувчи асосий субъектлар ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳуқуқбузарлик ва жиноятга қарши жамият ҳимоясининг биринчи чизиги бўлиб, уларни дастлабки босқичларидаёқ олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш имконига эгаллиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Мазмунига кўра ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш кабилар ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, уни самарали таъминлаш бир қатор чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Хусусан, таянч пункти субъектлари маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш доирасида: ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тегишли давлат дастурлари, ҳудудий ва бошқа дастурлар талабларини ижро этиб борадилар; хизмат ҳудуди хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир ишлаб чиқилаётган ҳудудий ва бошқа дастурларга таклифлар тақдим этадилар; ушбу жараёнга

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва фуқароларни жалб этадилар.

Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида асосий ўринни эгаллайди. Негаки, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифадир³. Таянч пункти субъектларининг ушбу йўналишдаги фаолияти фуқароларнинг онги ва шуурида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, уларни ҳурмат қилиш ва самарали фойдаланишни таъминловчи муайян ижобий тасаввурлар, қарашлар ва қадриятларни шакллантириш мақсадида доимий таъсир ўтказиб бориш жараёни бўлиб⁴, икки асосий кўриниш: а) маҳаллалар, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида фуқароларнинг қонунларни билиши, риоя этиши, қонунга итоаткорлик, ҳуқуқни ва одил судловни ҳурмат қилиш бўйича ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш, шу мақсадга йўналтирилган суҳбатлар ва учрашувларни ўтказиб бориш; б) ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида таянч пунктига ташриф буюрган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларга қонуний йўл-йўриқ кўрсатиш орқали ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизда 2012-2016 йиллар давомида профилактика инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида жами 738 минг мартадан кўпроқ ҳуқуқий тарғибот ва ҳисобот учрашувлари ўтказилган бўлиб, уларнинг ҳар ўнтадан бештаси маҳаллалар, учтаси таълим муассасалари ва икkitаси меҳнат жамоалари ҳисобига тўғри келади. Шунингдек, ушбу даврда профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш юзасидан ахборот воситаларида 41 минг мартабадан ортиқ оммавий чиқишлар қилинган. Уларнинг ўртача 12 фоизини телевидение орқали чиқишлар, 60 фоизини радио орқали эшиттиришлар, 28 фоизини газета ва журналларда чоп этилган мақолалар ташкил этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда бу тўғрида тақдимномалар киритиш доирасида профилактика инспекторлари маъмурий ҳудудни кўздан кечириш ва жамоатчилик ёрдамида фойдаланган ҳолда ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш

хамда бартараф этиш чораларини кўриш; иш-сизликнинг олдини олиш, аҳолини, айниқса ёшлар ва жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган шахсларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш; таянч пункти инфратузилмасида вояга етмаганларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтказилишини ташкил этиш; ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган ва имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли орган, муассаса, корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиш чораларини кўриши лозим.

Бироқ бу борадаги амалиёт таҳлили ушбу соҳада муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, жойларда аксарият ҳолларда профилактика инспекторлари томонидан ваколати доирасида кўриб чиқилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш юзасидан тегишли орган, корхона, муассаса, ташкилот ва жамоатчилик тузилмаларига тақдимномалар киритилмасдан қолмоқда. Чунончи, республикамызда сўнгги икки (2015, 2016) йил ичида профилактика инспекторлари ваколати доирасига кирувчи моддалар бўйича йилига ўртача 500 минга яқин маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддасига мувофиқ, уларнинг 0,8 фоизига тақдимномалар киритилган, холос.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, айрим ҳудудларда ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг келиб чиқиши ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишни тақозо этади. Махсус профилактика тадбирлари алкогольни ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчилар ўртасида олиб борилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида, ички ишлар органлари тизимида махсус ва тезкор-профилактик режалар ишлаб чиқиш ва қўллаш амалиёти жорий этилган. Унга мувофиқ, таянч пункти субъектлари ички ишлар органлари маъмурий назоратида турган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Назорат»; гиёҳвандлик восита-

лари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Қорадори»; вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Ўсмир», «Давомат», «Ўқувчи», «Ойна» ва «Гамхўрлик»; диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Антитеррор»; ўқотар куроллар, ўқ дорилар, портловчи моддалар ва портлатиш қурилмаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Арсенал»; одам савдоси, жинсий эркинлик ва ахлоққа қарши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Орият»; оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Турмуш», паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Паспорт-виза», Ўзбекистонда бўлиш қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича — «Спитамен» ва бошқа махсус, тезкор-профилактик чора-тадбирлар режалари асосида фаолият юритмоқдалар. Шунингдек, ички ишлар органлари амалиётида таянч пунктлари томонидан комплекс хусусиятга эга «Тозалаш» тезкор-профилактик чора-тадбирлар режасидан ҳам фойдаланилади.

Илгари судланганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ички ишлар органлари профилактика хизматлари, хусусан таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади⁵. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2013 йилда жиноят содир этишда иштирок этган жами шахсларнинг 10,35 фоизи, 2014 йилда 10,48 фоизи, 2015 йилда 10,82 фоизи ва 2016 йилда 11,21 фоизи илгари жиноят содир этганлар бўлиб, кейинги йилларда ушбу кўрсаткичлар ошиб бормоқда. Бу эса ушбу тоифа шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг қай даражада муҳимлигини кўрсатмоқда.

Илгари судланганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари томонидан ички ишлар органлари маъмурий назорати остидаги шахслар, маъмурий назорат таъсирига тушмайдиган илгари судланганлар ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган ва шартли ҳукм қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олиб, улар билан профилактик ишларни олиб боришга эътибор қаратилиши лозим.

Бу борадаги амалиёт таҳлили унда ютуқлар билан бирга муайян камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Амалиётда жазони ўтаб бўлган айрим шахслар жазони ижро этиш муассасасидан бўшаганидан кейин атайлаб ўз яшаш манзилига етиб бормаслиги ва оқибатда улар билан тегишли профилактик ишларни олиб бориш имкони чекланаётгани шулар жумласидандир. Шу боис, қонун ҳужжатларида жазони ўтаб бўлган шахснинг жазони ижро этиш муассасасидан бўшаганидан кейин ўз яшаш манзилига етиб боришини таъминлаш ёки бошқа манзилга кетганида уни ички ишлар органлари профилактик ҳисобига олишга хизмат қилувчи нормаларни белгилаб бериш лозим.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўзига хос ва муҳим йўналиши бўлган вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига кўра умумий, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини ҳам амалга оширишни талаб қилади. Бинобарин, сўнгги беш (2012–2016) йил давомида мамлакатимизда 12 минг нафардан ортиқ вояга етмаган шахслар жиноят содир этганлиги аниқланган бўлиб, уларни таснифлаганда 19,9 фоизини умумтаълим мактаблари ўқувчилари, 55,8 фоизини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари, 4,4 фоизини эса ишлайдиганлар ташкил этади.

Рус олимаси С.А.Вецкая таъкидлаганидек, назоратсиз қолдирилган ва уй-жойини ташлаб кетган вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлаш ва улар билан ишлаш, ҳуқуқбузарлик содир этувчи вояга етмаганларни, уларни жиноят ва жамиятга зид бошқа ҳаракатларга жалб этувчи шахсларни аниқлаш ва тегишли профилактик ишларни олиб бориш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ушбу соҳадаги устувор йўналишлардир⁶. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда уларнинг шахси ва атрофидагиларнинг ўзига хос жиҳатлари, қай даражада ёки кўринишда ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда эканлиги, оиладаги тарбия шароитлари ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини ҳисобга олиши талаб этилади⁷.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутати⁸. Профилактика

инспектори томонидан ушбу соҳада айниқса, махсус ўқув-тарбия муассасасидан ёки тарбия колониясидан қайтган вояга етмаганлар билан профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда уларнинг фуқаролар йиғинлари ва улар ҳузуридаги комиссиялар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар билан ҳамкорликда ишлашлари талаб этилади⁹.

Шу билан бирга, вояга етмаганларни ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда бошқа катта ёшдагиларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари ва таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни жиноятга, спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга, фоҳишалик билан шуғулланишга ёки тиланчиликка жалб этилган ота-оналарни, уларнинг ўрнини босувчилар ва бошқа шахсларни, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик ишларни ташкил этиш ҳам бу борадаги муҳим масалалардир. Бунда ҳам таянч пунктлари негизда профилактика инспекторларининг жамоатчилиги тузилмалари билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Таянч пунктлари негизда вояга етмаганлар ўртасида доимий олиб борилаётган ҳамкорликдаги профилактик чора-тадбирлар натижасида ўтган йиллар давомида мамлакатимизда қайд этилган умумий жиноятлар таркибида вояга етмаганлар жиноятлари сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Чунончи, 2001 йилда республикада вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятларнинг 3,88 фоизини ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 3,46 фоизни, 2005 йилда 3,03 фоизни, 2007 йилда 2,81 фоизни, 2009 йилда 2,53 фоизни, 2012 йилда 2,29 фоизни, 2014 йилда 2,18 фоизни, 2015 йилда 2,03 фоизни ва 2016 йилда 1,95 фоизни ташкил этди.

Алкогол ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёхуд ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳам профилактика инспекторлари ва таянч пунктига жалб этиладиган ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Криминологлар сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликни ўзига хос аномал ҳолатлардан бири сифатида баҳолаб, бу иллат кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этили-

шига олиб келишини ҳамда бундай шахслар жиноят содир этишга мойил эканини таъкидлайдилар¹⁰. Бу тоифа шахслар ижтимоий хавфлигининг яна бир белгиси сифатида уларнинг оммавий тартибсизликларни келтириб чиқариш ва оломонни бошқаришга мойил эканлиги ҳам кўрсатилади¹¹. Гиёҳвандлик, наркоагрессия ижтимоий хавфи ва сон жиҳатдан ўсиш даражасига эга бўлиб, бу барча мамлакатлар учун бирдек хос¹² ва бу мамлакатимизда ҳам жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта¹³.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2013 йилда мамлакатимизда жами жиноятда иштирок этган шахсларнинг 3,32 фоизи, 2014 йилда 2,7 фоизи, 2015 йилда 2,95 фоизи ва 2016 йилда 2,6 фоизи маст ҳолда бўлган. Бу эса профилактика инспекторлари томонидан ушбу тоифадаги шахслар билан доимий равишда тегишли тезкор-профилактик чора-тадбирлар амалга ошириб борилишини талаб қилади. Рус олими Р.А.Семенюк тўғри таъкидлаганидек, бу жараёнда профилактика инспекторларининг врач-наркололар ва тиббий муассасаларнинг бошқа мутахассислари билан доимий ҳамкорлик қилиши муҳим аҳамиятга эга¹⁴.

Амалга оширилган профилактик ишлар давомида, ички ишлар органлари томонидан сўнги уч (2014–2016) йил давомида алкогольни истеъмол қилишга ружу қўйган 20 минг нафардан ортиқ шахслар профилактик ҳисобга олинди, уларнинг асосий қисми, яъни 96,5 фоизи профилактика инспекторлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, ушбу даврда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилувчи 5,5 минг нафарга яқин шахслар профилактик ҳисобга олинган ҳамда уларнинг 97,5 фоизи профилактика инспекторлари ташаббусига тўғри келган.

Ўтказилган социологик сўровларда фуқароларнинг 72,2 фоизи маҳалласида фуқаролар оқошталлигини сурункали ичкиликбозлик, тартиббузарлик ва безориликдан ҳимоялаш бўйича профилактика инспекторининг фаолиятини етарли деб ҳисоблаши, 42,3 фоизи турар жойида мастлар, гиёҳвандлар, безорилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган тажовузлардан ўзини тўлиқ, 48,9 фоизи эса қисман ҳимояланган деб ҳис қилишини айтганлиги профилактика инспекторларининг ушбу соҳадаги фаолияти ижобий баҳоланишидан дарак беради.

Бироқ бугунги кунда жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ва профилактика инспекторлари томонидан сурункали алкогольизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган шахсларнинг ҳисобини юритиш, улар

билан профилактик ишларни ташкил этишда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, туман ички ишлар органлари ва соғлиқни сақлаш органлари ҳисобида турувчи сурункали алкогольизмга ружу қўйган, гиёҳвандликка, заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ўрнатилган тартибда ва муддатларда таққосланиб борилиши ҳамда бу соҳада улар доимий равишда ҳамкорликда тегишли тиббий-профилактик ишлар олиб бориши белгиланган бўлса-да, амалиётда ушбу органлар юритаётган бу борадаги маълумотларда ўзаро фарқлар мавжудлиги кўзга ташланмоқда.

Шунингдек, ҳозирда инсон қиёфасини йўқотиш даражасида мастлик ҳолатида бўлган шахсларни, жумладан ҳуқуқбузарлик ва бошқа ғайриижти-мой хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш, қўриқлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг тиббиёт ходимларига нисбатан содир этиши мумкин бўлган тажовузларидан ҳимоя қилишда ҳам муайян муаммолар мавжуд. Сурункали ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка чалинган 60 ёшдан ошган ёки ногирон бўлган фуқароларни ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига жойлаштириш бўйича ҳам амалиётда муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Негаки, ушбу тоифа шахслар ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари томонидан аксарият ҳолларда қабул қилинмасдан қолмоқда. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ушбу муаммони атрофича ўрганиб чиқиши ҳамда мазкур муаммоларнинг ечимига хизмат қилувчи қўшма қарорни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирларини қўллаш амалиётининг таҳлили ундаги махсус ва тезкор-профилактик чора-тадбирлар режаларининг барчаси ҳам ўзининг ҳуқуқий асослари ва аниқ қўлланиш механизмига эга эмаслигини, бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятида махсус профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш асослари, тартиби ва тамойилларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу сабабли, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини амалга оширишни ташкил этишда уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни барта-раф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус ва тезкор-профилактик тад-

бирларни ишлаб чиқиш механизмларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳужжатда шундай махсус тадбирларни ишлаб чиқиш, ўтказиш асослари, субъектлари, муддатлари, жалб этиладиган куч ва воситалар, моддий-техник таъминоти, тегишли тартиб ва қоидаларни аниқ белгилаб бериш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига доир фаолият ўзининг инсонпарварлиги, ҳуқуқбузарликларга эрта таъсир кўрсатиши, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга

йўналтирилганлиги билан, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасига доир фаолият эса чора-тадбирларнинг аниқ соҳа ва манзилга йўналтирилганлиги, комплекс хусусиятга эгаллиги ва самарадорлиги билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари таянч пунктлари ва улардаги профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолиятида учраётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда уларни бартараф қилиш чораларини кўриш эса ушбу соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.



¹Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. ЎХ • ЎҲ Харков: Изд-во ХНУВС, 2005. 39-с.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 12-сон, 184-модда.

³Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. 53-б.

⁴Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари: ҳуқуқни тушуниш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқ ижодкорлиги: Монография. ЎХ • ЎҲ Тошкент: ТДҶОИ, 2005. 154-б.

⁵Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: Автореф. дис. ... юрид. фан. номз. ЎХ • ЎҲ Тошкент: 2009. 12-б.

⁶Вецкая С.А. Некоторые аспекты деятельности сотрудников полиции по профилактике наркопреступности среди несовершеннолетних // Общество и право. 2013. – № 4. 138-с.

⁷Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш: Ўқув-амалий қўлланма. И. Исмаилов, М. Зиёдуллаев, Н. Исраилова, Ф. Азимова / Масъул муҳаррир И. Исмаилов. ЎХ • ЎҲ Тошкент: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. ЎХ • ЎҲ Б. 102-104.

⁸Бердиев Ш. Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). ЎХ • ЎҲ Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. 22-б.

⁹Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ҳуқуқбузарлик содир этган болаларнинг ижтимоийлашувини таъминловчи тизим субъектлари ҳамкорлигини такомиллаштириш муаммолари // Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари: Халқаро форум материаллари. ЎХ • ЎҲ Тошкент: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2008. ЎХ • ЎҲ Б. 217-219.

¹⁰Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, Ю.С. Пулатов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. ЎХ • ЎҲ Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2006. 78-б.

¹¹Тоштемиров А.А. Оммавий тартибсизликлар: моҳияти ва юзага келишининг сабаблари // Жиноятчиликка қарши курашда тезкор аппаратлар фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Илмий мақолалар тўплами / Масъул муҳаррир ю.ф.д. А. А. Хамдамов. ЎХ • ЎҲ Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. 157-б.

¹²Кулахмедов А.Б. Гиёҳвандлик жиноятларининг амалиётига оид фикрлар // Ҳуқуқ.Право. Law. 2004. ЎХ • ЎҲ № 3. 89-б.

¹³Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 143-б.

¹⁴Семенюк Р.А. Эффективность профилактической работы участковых уполномоченных полиции с лицами, употребляющими наркотические средства // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2014. –№ 2. – С. 110-116.

Бахтиёр КАЮМОВ,
Самостоятельный соискатель ТГЮУ, начальник отдела
Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры

ФОРМАЛИЗАЦИЯ ОТНОШЕНИЙ ГОСУДАРСТВА И ЧАСТНОГО СЕКТОРА, ПЕРСПЕКТИВЫ ИХ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

- ◆ Мақолада давлат-хусусий ҳамкорликнинг асосий шакллари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасида давлат-хусусий ҳамкорликни жорий этишнинг асосий йўналишлари шакллантирилган.
- ◆ В статье рассмотрены модели и формы государственно-частного партнерства (ГЧП). Сформулированы важнейшие предпосылки внедрения ГЧП в Республике Узбекистан.
- ◆ The article considers models and forms of public-private partnership (PPP). The most important prerequisites for the introduction of PPPs in the Republic of Uzbekistan are formulated.

Таянч сўзлар: давлат-хусусий ҳамкорлик, ДХХ, маҳсулот тақсимотига оид битимлар, концессия.

Ключевые слова: государственно-частное партнерство, ГЧП, соглашение о разделе продукции, концессия.

Key words: public-private partnership, PPP, production sharing contracts, concession.

Современная инвестиционная направленность экономического развития требует особого отношения государства к вопросам развития государственно-частного партнерства (ГЧП).

Необходимость реализации механизмов государственно-частного партнерства обусловлена рядом причин, среди которых недостаточность бюджетных средств, невозможность предугадать растущие потребности населения.

В данном аспекте в Указе Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 года №УП–5185 «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» своевременно отмечено, что сохраняется ряд системных проблем и недостатков, сдерживающих успешное проведение государственной политики по модернизации отраслей экономики и социальной сферы, всестороннему развитию территорий, повышению уровня жизни и благосостояния населения, в числе которых неразвитость социального и государственно-частного партнерства, ограничивающие участие негосударственных некоммерческих организаций и субъектов предпринимательства в решении актуальных социально-экономических проблем и, как следствие, не обеспечивает снижение бюджетных затрат¹.

В связи с этим, возникает вопрос: каким образом можно привлечь инвестора к реализации государственных проектов? Субъекты предпринимательства зачастую не видят определенных целей государства и его готовность к сотрудничеству.

Во-первых, государство должно признать сотрудничество с новым субъектом рыночной экономики, должно определиться со сферами и целями реализации общественно значимых проектов.

Актуальным в данном направлении является принятие Постановления Президента Республики Узбекистан от 15 сентября 2017 года №ПП–3276 «О мерах по дальнейшему развитию деятельности по оказанию негосударственных образовательных услуг», предусматривающее реализацию юридическим лицам, занимающимся деятельностью по оказанию негосударственных образовательных услуг, неиспользуемых зданий, объектов и помещений, находящихся в государственной собственности, на условиях государственно-частного партнерства².

Во-вторых, необходимо принятие мер по укреплению законодательной базы ГЧП. При этом до сих пор среди специалистов нет единства в вопросе о необходимости принятия единого за-

кона. Мнения ученых и практиков по данному вопросу можно условно разделить на две основные категории: сторонников принятия закона о ГЧП (А.Баженов, И.Иванов, И.Мартышко и др.) и их оппонентов (О.Ревзина, М.Минскова³), некоторые из которых считают, что в принципе вообще можно обойтись без разработки отраслевого законодательства в сфере ГЧП (Д.Царев, А.Иванюк).

При этом, в Республике Узбекистан есть четкое понимание необходимости принятия Закона «О государственно-частном партнерстве», отражающееся в Программе комплексных мер по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата в Республике Узбекистан⁴, Государственной программе по противодействию коррупции на 2017 – 2018 годы⁵, Концепции административной реформы в Республике Узбекистан⁶.

В частности, предусматривается совершенствование правовой и институциональной базы государственно-частного партнерства, направленной на обеспечение широкого участия субъектов предпринимательства в решении актуальных вопросов социально-экономического развития (образование, здравоохранение, туризм, коммунальное хозяйство, дорожно-транспортная инфраструктура).

По мнению Х.Салихова – «системообразующий нормативный акт мог бы обеспечить максимальную легитимность действий органов власти в области ГЧП, в частности, по вопросам, не урегулированным законодательством и открытым для нормативного регулирования или практической реализации, а также обеспечил бы судебную защиту соглашениям, заключенным на его основе»⁷.

И последнее, это создание административного аппарата, готового к реализации созданных проектов. При этом следует согласиться с А.Зверевым, что помимо наличия четкого законодательства о ГЧП, необходимо иметь институциональную инфраструктуру для обеспечения реального функционирования ГЧП. Автор отмечает, что необходимо создать специализированное подразделение ГЧП, в целях обобщения опыта с делегированием ему некоторых полномочий – некоего, «мозгового координирующего центра», который занимался бы подбором проектов, их оценкой и подготовкой в практической плоскости⁸.

На наш взгляд эффективность реализации механизмов ГЧП зависит от правильно подобранных их моделей и форм.

Для продуктивного понимания форм и методов государственно-частного партнерства важно, во-первых, определить, в чем заключается специфика именно ГЧП в рамках всей системы отношений бизнеса и власти; во-вторых, оценить, как в процессе передачи тех или иных правомочий от государства частному бизнесу изменяется в целом система отношений собственности, прежде всего с точки зрения установления границ между партнерством.

Модели и структура ГЧП разнообразны, но при этом существуют некоторые характерные черты, позволяющие выделить партнерство в самостоятельную экономическую категорию. Оно возникает как определенная кооперация государственных и частных структур, специально создаваемая для достижения тех или иных целей и опирающаяся на соответствующие договоренности сторон.

Учитывая зарубежный опыт можно назвать следующие черты ГЧП, отличающие его проекты от других форм отношений государства и частного бизнеса:

конкретные, часто длительные сроки действия соглашений о партнерстве (от 10 - 15 до 20 и более лет, в случае концессий - до 50 лет). Проекты обычно создаются под конкретный объект (порт, дорога, объект социальной инфраструктуры), который должен быть завершен к установленному сроку;

специфические формы финансирования проектов: за счет частных инвестиций, дополненных государственными финансовыми ресурсами, или же совместное инвестирование нескольких участников;

сопоставительность (наличие конкурентной среды), когда за каждый контракт, предлагаемый государством, идет жесткая борьба между несколькими потенциальными участниками;

специфические формы распределения ответственности между партнерами: государство устанавливает цели проекта с позиций общественных интересов и определяет стоимостные и качественные параметры, осуществляет мониторинг реализации проектов, а частный партнер берет на себя оперативную деятельность на разных стадиях проекта - разработка, финансирование, строительство и эксплуатация, управление, практическая реализация услуг потребителям;

разделение рисков между участниками соглашения на основе соответствующих договоренностей сторон.

Очевидно, обе стороны партнерства заинтересованы в успешном осуществлении проектов в целом. Проекты ГЧП облегчают выход на мировые рынки капиталов, стимулируют привлече-

ние иностранных инвестиций в реальный сектор экономики. Особое значение ГЧП имеет для экономики регионов, где на его основе развиваются местные рынки капитала, товаров и услуг.

Каждый партнер вносит свой вклад в общий проект. Так, бизнес обеспечивает финансовые ресурсы, профессиональный опыт, эффективное управление, гибкость и оперативность в принятии решений, способность к новаторству. При этом обычно внедряются более эффективные методы работы, совершенствуются техника и технологии, возникают новые формы организации производства, создаются новые предприятия, в том числе с иностранным капиталом, налаживаются эффективные кооперационные связи с поставщиками и подрядчиками. На рынке труда, как правило, повышается спрос на высококвалифицированных и хорошо оплачиваемых работников.

Со своей стороны государство обеспечивает правомочия собственника, возможность предоставления налоговых и иных льгот, гарантий, а также материальных и финансовых ресурсов. В ГЧП оно получает возможность заниматься исполнением своих основных функций - контролем, регулированием, соблюдением общественных интересов. Так, по мере развития ГЧП в сфере инфраструктуры государство может постепенно смещать акценты в своей деятельности с конкретных проблем строительства и эксплуатации объектов на административно-контрольные функции. Неизбежные предпринимательские риски при этом перераспределяются в сторону бизнеса. Общественная же значимость ГЧП заключается в том, что в итоге выигрывает общество как потребитель более качественных услуг.

На данном этапе развития Узбекистана степень фактического участия частного предпринимательства в совместных государственно-частных проектах может повышаться или, напротив, понижаться в зависимости от избранной формы партнерства и масштабов передачи правомочий собственника частному предприятию.

Крайние варианты представляют собой либо простые контрактные отношения (контракты на работы и услуги) с полным сохранением каждым партнером всех правомочий собственности, либо полную приватизацию, то есть окончательную передачу прав собственности от государства частному предпринимателю. Между этими вариантами существует множество возможных вариантов и форм государственно-частных партнерских отношений, базирующихся на различной степени переуступки тех или иных правомочий собственника от государства

частному предпринимателю на срок и на условиях, предусмотренных соответствующим соглашением.

Республике Узбекистан сфокусирован на экономическую и правовую квалификацию многочисленных форм государственно-частного партнерства.

При этом важно правильно оценить роль государства не только как главного регулятора, но и как представителя и защитника общественных интересов и потребностей.

Но, не смотря на отсутствие, целостного нормативно-правового акта, предусматривающего основы развития государственно-частного партнерства в Республике Узбекистан широко применяются те или иные формы ГЧП.

Так, например, в соответствии с предложением хокимията Ташкентской области и некоторых органов государственного управления в Ташкентской области созданы малые промышленные зоны (МПЗ) на базе производственных площадей и земельных участков?

Также, постановлением установлено, что недвижимое государственное имущество, находящееся на территории МПЗ, предоставляется субъектам предпринимательства в долгосрочную аренду сроком на 10 лет, с последующим предоставлением права собственности при условии выполнения бизнес-планов, создания и сохранения рабочих мест, своевременной уплаты всех налогов и других обязательных платежей; за пользование недвижимым государственным имуществом, находящимся на территории МПЗ, устанавливается нулевая ставка арендной платы; отвод земельных участков на территории МПЗ осуществляется решениями хокимов соответствующих районов (городов); государственная регистрация прав на недвижимое имущество, находящееся на территории МПЗ, осуществляется государственными предприятиями землеустройства и кадастра недвижимости без взимания платы.

На мой взгляд, это пример, так называемой – «гринфилд» (строительство – владение – управление (Built, Own, Operate). Инвестор строит объект и управляет им на правах владения и пользования. При таком раскладе созданный объект по истечении срока действия не передается публичной власти, а остается в распоряжении инвестора.

Такие инициативы будут способствовать стимулированию предпринимательской инициативы в социально значимых сферах экономики и внедрению методов эффективного использования ресурсов государства и частного сектора, а также создаст конкретные предпосылки для систе-

матизации правовых основ государственно-частного партнерства.

Также, следует обратить внимание, на дальнейшее усиление роли и повышение инициативности органов государственной власти на местах в добровольном привлечении частного капитала к решению насущных социально-экономических задач местности, путем стимулирования субъектов предпринимательства и поддержки «стартапов».

Подводя итог, можно отметить существенное влияние государственно-частного партнерства и его результатов на общественные отношения: развитие новых отраслей инфраструктуры и общества, приток инвестиций и движение капитала в тех отраслях, где имелся некий «застой»¹⁰,

развитие и внедрение технологий, новых методов управления и организации, расширение участие субъектов предпринимательства в решении актуальных социально-экономических проблем, как следствие, обеспечение снижения бюджетных затрат.

Партнерство государства с частным сектором является ключевым компонентом новой инновационной политики, поскольку, при правильной организации, оно обеспечивает получение более широкие преимущества от капиталовложений в государственные исследования, создавая благоприятные предпосылки для устойчивого инновационного развития, являющегося стратегическим фактором экономического роста.



¹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 37, ст. 979.

² Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 38, ст. 1033.

³ Ревзина О.В., Минскова М.Г. Государственно-частные партнерства в России – правовое регулирование сегодня перспективы на будущее / Сборник статей под общей редакцией Зверева А.А. – М., 2009.

⁴ Приложение к Указу Президента Республики Узбекистан от 5 октября 2016 года № УП-4848 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 40, ст. 467.

⁵ Приложение № 1 к Постановлению Президента Республики Узбекистан от 2 февраля 2017 года № ПП-2752 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 5, ст. 62.

⁶ Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 года № УП-5185 // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 37, ст. 979.

⁷ Ильин И.Е. Государство и бизнес: в русле взаимовыгодного партнерства // Организация продаж банковских продуктов. 2009. – № 1.

⁸ Зверев А.А. Законодательство о государственно-частном партнерстве: риски и перспективы развития Государственно-частное партнерство: пути совершенствования законодательной базы / Сборник статей под общей редакцией Зверева А.А. – М., 2009.

⁹ Постановление Президента Республики Узбекистан от 10 августа 2017 года № ПП-3194 «О создании малых промышленных зон в Ташкентской области»;

¹⁰ Указ Президента Республики Узбекистан от 8 сентября 2017 года № УП-5185 «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» // «Народное слово» от 9 сентября 2017

Абдулхай МЎМИНОВ,
ЖИДУ ЮНЕСКОнинг “Халқаро ҳуқуқ ва
инсон ҳуқуқлари” кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БМТ ДОИРАСИДАГИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ТАШАББУСЛАРИ

✦ Мазкур мақола Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларига бағишланган. Мақолада давлат раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг универсал ташкилот - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош органи бўлмиш Бош Ассамблеяда илгари сурган халқаро-ҳуқуқий ташаббусларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг минтақавий ҳамда глобал миқёсдаги замонавий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамиятини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

✦ Данная статья посвящается международно-правовым инициативам Республики Узбекистан. В статье анализируется сущность и содержание международно-правовых инициатив Президента Республики Узбекистан в качестве главы государства в главном органе универсальной организации Организации Объединённых Наций - Генеральной ассамблеи - и их значение в разрешении региональных и глобальных проблем современности.

✦ This article is devoted to the international legal initiatives of the Republic of Uzbekistan. The article namely analyzes the essence and content of the international legal initiatives of the President of the Republic of Uzbekistan proclaimed at the UN General Assembly, which is the main body the universal organization, as well as their significance in resolving regional and global problems of our time.

Таянч сўзлар: халқаро-ҳуқуқий ташаббуслар, халқаро ташкилотлар, саммит, минтақавий ва глобал хавфсизлик, трансгегаравий сувлар, терроризм, экстремизм, наркотраффик.

Ключевые слова: международно-правовые инициативы, международные организации, саммит, региональная и глобальная безопасность, трансграничные воды, терроризм, экстремизм, наркотраффик.

Key words: international legal initiatives, international organizations, summit, regional and global securities, trans boundary waters, terrorism, extremism, drug traffic.

Мана чорак асрдан кўпроқ давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли аъзо-си сифатида фаол ташқи сиёсатини амалга ошириши билан бирга минтақавий ва глобал муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқаро-ҳуқуқий ташаббусларини илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўз навбатида бундай халқаро-ҳуқуқий ташаббусларнинг фундаментини яратиб берган. Жумладан, Конституциянинг Муқаддимасида "... инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ... халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда" деган тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, унинг 1-моддасида "Ўзбекистон — суверен демократик Республика" деб эълон қилиниши ва 3-моддада эса, "Ўзбекистон Республикаси ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади", деб белгилаб қўйилди. Конституциянинг мамлакат та-

шқи сиёсатига бағишланган 17-моддасида эса, "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин"¹, деб белгилаб қўйилиши мамлакатимизнинг халқаро майдонда мустақил халқаро алоқалар олиб боришига конституциявий асосни яратиб берди.

Натижада, ўтган давр мобайнида халқаро майдонда тобора ўзининг муносиб ўрнини топиб бораётган Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда икки ва кўп томонлама халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчисига айланди. Яъни бугун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъектлари ҳисобланмиш ... дан ортиқ давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг ҳосилавий субъектлари бўлган БМТ ва унинг ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ихтисослашган ташкилотлари, ЕХХТ, МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ис-

лом конференцияси ташкилоти каби халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

Айниқса, универсал халқаро ташкилот ҳисобланиб, халқаро ташкилотлар глобал тизимининг ўзига хос ядроси бўлган — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан олиб борилаётган ҳамкорлик Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутди. БМТ ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Ташкилотнинг Бош Ассамблеяси 48-сессиясида биринчи марта қилган нутқида шундай деган эди: “БМТ — барча элатларнинг, минтақаларнинг, бутун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир”².

Чунки *асосий мақсадлари* халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш; тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида халқларнинг ўзлари белгилаганларидек миллатлар ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш; иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсонпарварлик характеридаги халқаро муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишни амалга ошириш, инсон ҳуқуқлари ҳамда асосан унинг эркинлигига ҳурматни рағбатлантириш; ва ниҳоят, миллатларнинг ушбу умумий мақсадларга эришишида мувофиқлаштирувчи бўлиш ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бугун XXI асрнинг энг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ва уларни ҳал этиш йўлларини белгилаб олувчи универсал майдон бўлиб қолмоқда. Айниқса, унинг бош органи ҳисобланмиш Бош Ассамблея — БМТнинг Устави доирасида ҳар қандай масалаларни ёки ишларни муҳокама этиш ҳуқуқидек кенг ваколатларга эга бўлган вакиллик органи³ ҳисобланади. Мазкур орган унинг барча ваколатлари билан бир қаторда, ўз Уставининг 55-моддасида белгилаб қўйилганидек, “...а) аҳолининг турмуш ва иш билан тўла таъминлаш даражасини оширишга, иқтисодий ва ижтимоий ўсиш ва ривожланиш шароитини яхшилашга;

б) иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш соҳасидаги халқаро муаммоларни ва шу каби муаммоларни ҳал этишга, маънавият ва маориф соҳасидаги халқаро ҳамкорликка; с) инсон ҳуқуқларига, кишиларнинг ирки, жинси, тили ва динидаги тафовутларидан қатъи назар, ҳамманинг асосий эркинликларига умумҳурмат билан қараш ва уларга риоя қилишга кўмаклашиш”⁴ масалаларини муҳокама қилади, тегишли қарор ва тавсияларни ўз ичига олувчи халқаро ҳужжатлар қабул қилади.

Ўтган давр мобайнида мазкур Ташкилотнинг бош органи бўлмиш Бош Ассамблея саммитларида Ўзбекистон Республикаси давлат бошли-

ғининг 5 маротаба чиқиши амалга оширилди: Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 1993, 1995, 2000, 2010 йилларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг сентябрь ойида.

Қайд этиш лозимки, мазкур саммитларда давлат бошлиқларининг чиқишлари ва улар томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ўзининг кўлами ва мазмуни жиҳатидан жиддий, жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солувчи ва ҳал қилиниши барча давлатларнинг саъй-ҳаракатларини талаб этувчи муаммоларга қаратилади. Жумладан, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов 1993 ва 1995 йилги саммитларда долзарб муаммолар сифатида қуйидаги:

Ўзбекистонда Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича БМТнинг доимий ишловчи семинари чақирилиши; Афғонистон муаммосига конструктив ёндашиш, жумладан, Афғонистонга қурол етказиб беришга эмбарго киритиш; БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истиқболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиниши; Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилиниши; Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қуролнинг тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш; наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий Комиссияси тузилиши; атроф муҳитни назорат қилиш ва жаҳон миқёсидаги экологик фалокатларнинг олдини олишда БМТнинг роли кучайтирилиши; БМТнинг Орол бўйича махсус Комиссияси ташкил қилиниши; БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш бўйича ташаббусларни илгари сурган эди⁵.

2000 йилнинг 6-8 сентябрь кунлари БМТ Бош Ассамблеясининг 55-махсус сессиясида 100 нафар давлат бошлиқлари, 47 ҳукумат раҳбарлари, уч нафар валиаҳд шахзода, беш вице-президент ва уч нафар бош вазир ўринбосари қатнашган олий даражадаги учрашув — тарихда жаҳон лидерларининг энг йирик саммити бўлди. Уларнинг мунозаралари мавзуи Бош котиб томонидан тақдим этилган “Мингйиллик маърузаси” эди⁶.

БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик саммити номини олган бу тарихий сессиясида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳам сўзга чиқиб, сессияда муҳокама этилаётган масалаларни “глобаллашув даврининг асосий муаммолари” эканини алоҳида таъкидлаган ҳолда, БМТ Бош

котиби маърузаси ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб муаммолар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Жумладан:

БМТ доирасида Афғонистонда низолардан сўнгги тинч ҳаётни ташкил этиш, уни иқтисодий ва ижтимоий тиклашга доир кенг кўламли дастур ишлаб чиқиш; террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга қарата биргаликда кураш олиб бориш; БМТ доирасида Террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш; Марказий Осиёда ядросиз ҳудуд тўғрисидаги минтақавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқишни яқунлаш; Халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури ҳузурида Орол ва Оролбўйи муаммолари кенгагини тузиш; БМТ тузилмаларини, яъни Хавфсизлик Кенгагини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши, Хавфсизлик Кенгагининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритиш; глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош котиб ваколатларини кенгайтириш⁷ каби ташаббусларни илгари сурди.

Саммитда қабул қилинган Мингйиллик Декларацияси XXI асрнинг глобал кун тартибини белгилади ва Мингйиллик тараққиёт мақсадлари сифатида машҳур бўлган саккизта, яъни: ҳаддан ортиқ қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш; ялпи бошланғич таълимга эришиш; аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш; болалар ўлимини камайтириш; оналар саломатлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликларга қарши кураш; экологик барқарорликни таъминлаш; тараққиёт мақсадларида глобал шерикликни шакллантиришда инсоният 2015 йилда эришиши керак бўлган тараққиёт мақсадларини олдинга қўйди⁸.

2010 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида БМТнинг саммити ўтказилиб, унда Мингйиллик тараққиёт мақсадларига белгиланган муддатда — 2015 йилгача эришиш бўйича ҳаракат режалари белгилаб олинди⁹.

Мазкур Саммитда иштирок этган, Ўзбекис-

тон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов сўзга чиқиб, Ўзбекистонда Мингйиллик тараққиёт мақсадларини амалга ошириш бўйича олиб борилган ишлар тўғрисида, аниқ рақамлар ва мисоллар билан халқаро ҳамжамиятни яқиндан хабардор қилиш орқали Ўзбекистоннинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариб бораётганлиги хусусида халқаро ҳамжамият олдида маъруза қилди¹⁰.

Шу билан бир қаторда, жаҳоннинг турли минтақаларида ҳали ҳам сақланиб қолаётган можаролар, урушлар, қарама-қаршиликлар ҳамда Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар¹¹ тўғрисида ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида ўз таклиф ва тавсияларини илгари сурди.

Жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишнинг муқобил йўллари тўғрисида, яъни бу муаммони ҳал этиш бўйича БМТ шафелигидаги 6+2, яъни Афғонистонга қўшни 6 мамлакат: Хитой, Покистон, Эрон, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ҳамда жаҳонда етакчи бўлган давлатлардан ҳисобланган Россия, АҚШдан иборат мулоқот гуруҳига, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни ўрнатишда етакчи кучга айланган ва Афғонистонда тинчлик ўрнатишда иштирок этаётган НАТО халқаро ташкилотини ҳам қўшган ҳолда, 6+3 гуруҳини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини таклиф этди.

Иккинчи ташаббус, 2010 йилнинг июнь ойида қўшни Қирғизистонда бўлиб ўтган фожиали воқеалар юзасидан халқаро текширув ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлиги ва бунда БМТ ҳар томонлама ёрдам кўрсатиши кераклигини таъкидлаб ўтди¹². Чунки БМТ Уставининг 33- ва 34-моддаларида белгилаб қўйилган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, БМТ Хавфсизлик кенгаши халқаро текширувни амалга ошириши мумкин¹³.

Учинчи ташаббус, Орол денгизи манбалари бўлмиш трансчегаравий “Амударё ва Сирдарё дарёлари оқимининг камайиши, мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин”-лигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, халқаро ҳамжамият эътиборини ушбу трансчегаравий дарёлардан оқилона, минтақа мамлакатлари манфаатларига зарар етказмасдан фойдаланиш лозимлигига тортди¹⁴.

2017 йил 19 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги 72-сессиясидаги қилган нутқида нафақат минтақа до-

ирасида, балки глобал доирада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар бўйича халқаро-ҳуқуқий ташаббускорлик янада ривожлантирилди. Унда давлат бошлиғи мамлакатда кейинги йилларда, айниқса, ўтган бир йил мобайнида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, мамлакатда кейинги беш йилга мўлжалланиб қабул қилинган *янгилиниш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастури ҳисобланувчи* ривожланиш Стратегияси доирасида халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши лозимлигидан келиб чиқиб, мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг эканини таъкидлаган ҳолда, қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ташаббусларни илгари сурди:

Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислох этилиши тарафдори сифатида Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш, Ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуманни ўтказиш ва унинг яқунлари бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир *махсус резолюцияси*ни қабул қилиш;

трансчегаравий сув муаммоларини ҳал этишда минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқлигини эътироф этган ҳолда, БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган *Амударё ва Сирдарё хавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини* қўллаб-қувватлаш;

БМТ томонидан Орол фожиасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича қабул қилинган махсус дастурни тўлиқ амалга ошириш;

Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли сифатида — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни қўллаб-қувватлаш, БМТ шафелиги остида Афғонистон ҳудудида музокара-лар олиб бориш йўли билан афғон муаммосини *тинч йўл билан ҳал қилишга* кўмаклашиш;

халқаро терроризмга ва экстремизмга қарши курашда, уларнинг оқибатларига қарши кура-

шиш билан бирга, уларнинг олдини олишга эътиборни кучайтириш. Бунда ёшлар муаммосига эътиборни кучайтириш, жумладан, уларни бундай жиноятлардан сақлаб қолиш учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида халқаро-ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг *Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси*ни ишлаб чиқиш;

бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш мақсадида, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишни кўзда тутувчи БМТ Бош Ассамблеясининг *“Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияси*ни қабул қилиш¹⁵.

Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан илгари сурган ташаббусларини таҳлил қилиш асосида айтиш мумкинки, *биринчидан*, бу ташаббуслар давр талабидан келиб чиқмоқда ва минтақа ҳамда глобал миқёсда долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилмоқда ва бунда “минтақавий хавфсизликдан глобал хавфсизликка” тамойилидан келиб чиқилмоқда; *иккинчидан*, кўтарилаётган халқаро-ҳуқуқий ташаббуслар олдинги ташаббусларнинг мантиқий давоми бўлиб келмоқда; *учинчидан*, Ўзбекистоннинг Бош Ассамблеядаги халқаро-ҳуқуқий ташаббусларида, айниқса, халқаро терроризм, экстремизм ва наркобизнес каби жиноятларга қарши курашда, урғу бу жиноятларнинг оқибатларини бартараф этиш билан бир қаторда, уларнинг келиб чиқиши сабабларининг олдини олишга қаратилмоқда; *тўртинчидан*, кейинги ташаббусларда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг шартномавий ҳуқуқий асосларини, яъни трансчегаравий дарёлар сифатида Амударё ва Сирдарё бўйича алоҳида конвенциялар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали бу дарёларнинг халқаро мақомини ҳамда улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда; *бешинчидан*, ёшларни аҳолининг алоҳида қатлами сифатида, уларнинг ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш ташаббуси билан чиқилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳулоса қилиш мумкинки, чорак асрдан олдин мустақиллик учун ташланган собитқадамлик ва унинг фундаментал ҳуқуқий асоси бугунги кунда мамлакат мустақиллигини тўла таъминлаш билан бир қаторда, халқаро ҳамжамиятда ўз сўзи ва фикрини

эркин билдирадиган, нафақат мамлакат ичида, балки минтақада, шунингдек глобал кўламда хавфсизлик ва тинчлик учун курашадиган халқаро ҳуқуқ субъектини шакллантирди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатнинг халқаро-ҳуқуқий мақомидан келиб чиқиб, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принциплари ва Ўзбекистон қўшил-

ган халқаро шартномалар ҳамда Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган принцип ва нормаларга содиқ қолган ҳолда халқаро минбарларда минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид билдираётган ташаббуслари ва қатъий позициялари эса минтақа хавфсизлигининг халқаро ҳуқуқий кафолати бўлиб қолмоқда.



¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2017.

² Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 30-б.

³ Лукашук И.И, Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. — Тошкент: Адолат, 2006. — Б.216-217.

⁴ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. — Тошкент: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. 31-б.

⁵ Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. — Тошкент: Ўзбекистон, 1996. — Б.30-35.

⁶ Мингйиллик маърузаси. — Тошкент: Ўзбекистондаги БМТ ваколатхонасининг Ахборот маркази, 2003. 11-б.

⁷ Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. — Тошкент: Ўзбекистон, 2000. — Б.39-41.

⁸ Мингйиллик тараққиёт мақсадлари — амалда /Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 2010. — №3. 2010. 2-б.

⁹ БМТнинг Мингйиллик тараққиёт мақсадлари бажарилиши тўғрисида батафсил маълумотларни БМТнинг расмий сайтидан олиш мумкин: www.un.org

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сент.); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари /И.Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б.9-11.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сент.); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари /И.Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б.3.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сент.); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари /И.Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б.9-11.

¹³ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро суд Статути. — Тошкент: БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази, 2002. 20-б.; Батафсил маълумотлар учун қаранг: Международное право: учебник. (Ашавский Б.М. и др.); под ред. А.А.Ковалева, С.В.Черниченко. -3-е изд., испр. — М., Омега-Л, 2008. — С.740-741.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи (2010 йил 20 сент.); Хорижий ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг муносабатлари ва шарҳлари /И.Каримов. — Тошкент: Ўзбекистон, 2010. — Б.9-11.

¹⁵ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан. <http://prezident.uz/uz/lists/view/1063>

Наргиза АШУРОВА,
ТДЮУ докторанти, ю.ф.н.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУЛКИЙ АСОСИ СИФАТИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

- ◆ Мақолада замонавий фуқаролик муомаласида қимматли қоғозлар, хусусан, акциялар хўжалик юртишнинг асосий институтларидан бири сифатида таҳлил қилинган.
- ◆ В статье дан анализ ценным бумагам, в частности, акциям как одному из основных институтов хозяйственного ведения в современном гражданском обращении.
- ◆ The article provides analysis of securities, in particular, shares as one of the main institutions of economic management in modern civil dealings.

Таянч сўзлар: қимматли қоғозлар, ҳисоб-китоб, кредит, гаров муносабатлари, акциядор, акция, олтин акция, оддий ва имтиёзли акциялар, облигация, дивидендлар.

Ключевые слова: ценные бумаги, расчёт, кредит, ипотечные отношения, акционер, акция, золотая акция, обыкновенные и привилегированные акции, облигация, дивиденды.

Key words: securities, accounting, credit, mortgages, shareholder, share, golden share, common and preferred stock, obligation, dividends.

Замонавий фуқаролик муомаласида қимматли қоғозлар, хусусан, акциялар хўжалик юртишнинг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Кредит, ҳисоб-китоб, гаров муносабатлари, компанияларни тузиш ва бозор иқтисодиётидаги кўпгина муҳим операциялар айнан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади. Маҳсулот муомаласининг объектига айланган ҳолда қимматли қоғозлар, шу жумладан, акциялар ашёвий ҳуқуқнинг бошқа объектлари сингари ҳуқуқий химояга эга бўлади².

ФКнинг 96-моддаси қимматли қоғозларнинг ҳужжат эканлигини эътироф этиб, уларнинг ашёлар жумласига киришига ишора қилади, чунки ҳар қандай ҳужжат моддий неъматларнинг предмети бўлиб, ўзида ахборот шаклидаги ҳарфлар, сонлар ва бошқа белгиларни ифодалайди. Бунда қимматли қоғоз ҳар қандай ҳужжат сифатида эмас, балки қонун ҳужжатларида белгиланган шакл ва мажбурий реквизитларга амал қилиб тузилган ва амалда эгалик қилиш муайян фойдани беришни талаб қилиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат сифатида тушунилади.

Қимматли қоғозларнинг ашё сифатидаги хусусияти, уларнинг муайян шаклда ифодаланиши шахнинг мулкӣ ҳуқуқлари ашёвий кўринишини таъминлаши билан тавсифланади.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқи назариясида шартли равишда “ҳужжатли” деб номланган

концепция мавжуд бўлиб, унга кўра, қимматли қоғоз — мулкӣ ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, фақатгина мазкур ҳужжатнинг асли тақдим этилганда ёки топширилганда ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш мумкин³.

Мазкур назарияга мувофиқ, бундай ҳужжатнинг зарурий шarti унинг моддий ифодаланганлиги ҳисобланади, ҳужжатсиз қимматли қоғозлар эса фуқаролик муомаласининг объекти сифатида моддий шаклга эга бўлмайди ва ашё ёки қимматли қоғоз ҳисобланмайди. Бунда қимматли қоғозлар ашёвий ҳуқуқлар объекти ҳисобланади ва қимматли қоғозда ифодаланган ҳуқуқ ҳақидаги ахборотнинг элтувчиси моддий эканлиги уни ашёлар жумласига киритиш имконини беради⁴.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, қимматли қоғозлар ва ашёлар бири-биридан муайян жиҳатларига кўра фарқ қилади, уларнинг фарқли жиҳатлари эса ушбу объектларнинг турли ҳуқуқий тартибга эгалиги билан асосланади ва бу ҳолат қимматли қоғозларни фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида, ўзига хос объекти сифатида ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади деган хулосага келиш мумкин⁵.

Е.А.Сухановнинг акция ва облигация каби қимматли қоғозлар инвестициявий қимматли қоғозлар қаторига кириши ҳақидаги фикрига эса тўлиқ қўшила-миз. Зеро, акция эгалари ўзларининг компанияга киритадиган инвестициялари ҳисобидан инвес-

тор(акциядор) сифатида иштирок этадилар.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажриба-сида шу кўрсатадики, одатда ўз воситаларини мувоффақиятли жойлаштирган акциядорлар облигация сақловчиларга нисбатан ўзларининг қимматли қоғозларидан анча кўп даромад оладилар ва аксинча, акциядорларнинг таваккалчилик даражаси облигация сақловчиларникига нисбатан анча юқори бўлади.⁶

Акция корпоратив қимматли қоғоз сифатида акциядорга, унинг муайян миқдори мавжуд бўлганда, акциядорлик жамиятининг тадбиркорлик ва бошқа фаолиятни амалга оширишида таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Акцияларнинг маълум бир сонининг, мувофиқ ҳолда, улар ўзида акс эттирадиган ҳуқуқларнинг бир жойда тўпланиши улар эгаси ҳуқуқий мақомининг сифат ўзгаришига олиб келади.⁷

Акция ҳам, облигация ҳам юридик шахслар томонидан ўзининг корпоратив тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун чиқариладиган эмиссион қимматли қоғозлардир.

Акциянинг қимматли қоғоз сифатидаги асосий хусусияти шундаки, у тақдим этадиган мулкий ва номулкий ҳуқуқлар корпорациядаги аъзоликка бўлган ҳуқуқларнинг ўзига хос тўпламини ташкил этади⁸.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июндаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (янги таҳрири) ЎРҚ-387 сон Қонунининг 3-моддасига кўра, акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилгандан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссавий қимматли қоғоз.

Мулк ҳуқуқи объекти сифатида қимматли қоғозлар табиатининг тадбиркорлик муносабатлардаги қуйидаги ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаш мумкин:

биринчидан, уларнинг моддий қийматини олдиндан аниқлаб бўлмайди ва кўп жиҳатдан бу хўжалик жамиятлари унумдорлигининг натижаси ҳисобланган дивидендларга боғлиқ бўлади;

иккинчидан, қимматли қоғозлар олдиндан белгиланган пул қийматини талаб қилиш ҳуқуқини ўзида акс эттирмайди ва шунинг учун дивидендлар бўлмаган ҳолда улар хўжалик жамияти тугатилганда қимматли қоғозлар тугатиш қолдиғини олишини инобатга олмаганда ўзининг моддий қийматини бутунлай йўқотади. Лекин хўжалик жамияти бир меъёрда фаолият юритган ҳолларда иштирокчиларнинг мулкий ҳуқуқлари фақат дивиденд олишга қаратилади. Бошқача қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятида қимматли қоғоз — бу:

— хўжалик жамиятининг устав фондига юридик ва жисмоний шахсларнинг муайян ҳисса қўшганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи;

— эгасига мулкий ҳуқуқни берувчи;

— эгасининг жамиятнинг бошқариш ишига қатнаша олишини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Таъкидлаш лозимки, тадбиркорлик фаолиятида энг кенг қўлланиладиган қимматли қоғоз турларидан бири акциядир. Шу билан бирга, акциялар яна қуйидаги жиҳатлари билан бошқа қимматли қоғозлардан фарқланади:

1) акцияда унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган, бу муддат уни чиқарган эмитент — жамият фаолиятининг муддати билан ўрнатилади;

2) агар АЖ банкротлик натижасида тугатилса, у ҳолда акция эгаси шу жамиятнинг кредиторларидан қолган пул маблағини ўзининг улушига мос равишда қайтариб олиш ҳуқуқига эга;

3) акция белгиланган тартибда ўз эгасига акциядорлик жамияти хизматларидан ва ишчиларнинг меҳнатларидан имтиёзли равишда фойдаланиш ҳамда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқини беради;

4) агар бошқа қимматли қоғозлар (облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлари) амалда кредит қуроли бўлиб, кредит муносабатларини ўзида акс эттирса, акция мулкий муносабатларни мувофиқлаштиради;

5) акция (имтиёзли акция бундан мустасно) ўз эгасига АЖнинг бўлажак эмиссия акцияларидан сотиб олиш ҳуқуқини беради ва бошқалар⁹.

Акция акциядорларнинг акциядорлик жамияти устав капиталидаги қўйилмаларини гувоҳлантиради. Акциядор жамиятнинг хўжалик соҳасидаги омадсизликлари ҳолларида ўзига тегишли акциялар миқдоридан таваккалчилик қилади. Акция жамият мавжуд бўлган давр мобайнида амалда бўлиб, ушбу давр мобайнида бир акцияга нисбатан мулкдорлар бир неча марта ўзгариши мумкин. Номиналини, яъни битта акцияга тўғри келадиган, унинг устав капиталида акс этадиган нархини кўрсатган ҳолда акция чиқарган жамият ҳали унинг ҳақиқий қийматини кафолатламайди. Бундай қийматни фақатгина бозор белгилайди. Акция сотиладиган(сотиб олинadиган) нарх акциянинг курс баҳоси деб номланади. У номинал нархдан фарқ қилиб, номинал қийматдан паст ёки юқори бўлиши мумкин. Акцияларнинг номинал қиймати уларнинг эмиссиявий ва бозор нархларини ҳамда дивидендлар миқдорини аниқлашда ўзига хос мўлжал вазифасини ўтайди¹⁰.

Акциянинг тадбиркорлик фаолиятидаги ўрни ва аҳамиятини янада аниқроқ ифодалашда унинг, аввало, таснифига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) ЎРҚ-370-сон Қонуннинг 21-28-моддаларидан келиб чиқиб, акциялар қуйидаги турларга бўлинади:

— оддий ва имтиёзли акциялар;

— овоз бериш ҳуқуқини бериш хусусиятига кўра:

овоз берувчи — бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи ҳамда овоз ҳуқуқини бермайдиган — бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини бермайдиган акциялар;

— алоҳида режимга эга бўлган “олтин акциялар”.

Шунингдек, акциялар номи ёзилган, тақдим қилувчига каби турларда бўлади. Номи ёзилган акциялар эгаси сифатида фақатгина акцияда кўрсатилган ва жамият акционерлари реестрига киритилган юридик ёки жисмоний шахс(лар) тан олинади; тақдим этувчига деб бериладиган акция эгаси уни ўзида сақлаб турган шахс ҳисобланади ва бундай акциялар бошқа шахслар эгаллигига жамият акционерлари реестрига киритилмасдан туриб ўтказилиши мумкин¹¹.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Аммо бундай акциялар корпоратив бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини бермайдиган.

Жамиятнинг барча акциялари эгаси ёзилган акциялар ҳисобланади. Эгаси ёзилган акцияларни чиқариш акциядорлар капиталининг ҳаракати ва акциядорлар эгаллигидаги қимматли қоғозлар бирлашишини назорат қилиш имкониятини беради¹².

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ва имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир¹³.

Имтиёзли акциялар: кумулятив ва кумулятив бўлмаган; эркин айирбошланадиган ва эркин айирбошланмайдиган; даромад келтирадиган ва қатъий белгиланган дивидендлардан ташқари жамиятнинг оладиган даромадида иштирок этмайдиган; кечиктириладиган дивидендли; қайтариладиган ва қайтарилмайдиган; ўзгарувчан курсли каби бир неча турларга бўлинади.

Кумулятив имтиёзли акциялар улар ичида энг кенг тарқалгани бўлиб, уларни чиқаришда улар бўйича уставда белгиланган миқдордаги тўлиқ тўланмаган дивиденд йиғилиши ва муайян муддатдан кейин тўланиши назарда тутилади. Бундай акциялар бўйича навбатдаги дивидендларнинг тўланмаслиги эмитент томонидан мажбуриятнинг бузилиши ҳисобланмайди.

Кумулятив бўлмаган имтиёзли акциялар тўланмаган дивидендларнинг тўпланишига йўл қўймайди. Агар акциядорлик жамияти уларнинг тўланишини эълон қилмаган бўлса, ушбу акцияларнинг эгалари ҳеч қандай қоплашларсиз ушбу акциялардан оладиган дивидендларни йўқотадилар.

Эркин айирбошланадиган имтиёзли акциялар жамият уставида белгиланган ҳолларда оддий ёки имтиёзли акцияларнинг бошқа турларига айирбошланади. Айирбошлаш шартлари ушбу акцияларни чиқариш жараёнида ишлаб чиқилади.

Эркин айирбошланмайдиган имтиёзли акциялар оддий ёки имтиёзли акцияларнинг бошқа турига айирбошланиши мумкин эмас. Даромад олишда иштирок этмайдиган акцияларнинг эгалари акциядорлик жамияти томонидан олдиндан белгиланган суммадан юқори дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлишмайди.

Кечиктирилган дивидендли акциялар фақатгина жамиятнинг таъсисчилари учун чиқарилади. Оддий акциялар бўйича энг юқори белгиланган дивидендга эришилмагунга қадар(агар уставда назарда тутилган бўлса), ушбу акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди. Оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлангандан кейин даромаднинг қолган қисми тўлиқ ёки қисман равишда кечиктирилган дивидендли акциялар ўртасида тақсимланади. Қайтарилиш хусусиятига кўра, имтиёзли акциялар қайтариладиган(чақириб олинмайдиган) ва қайтарилмайдиган акцияларга бўлинади. Қайтарилмайдиган имтиёзли акциялар эмитент томонидан очиқ бозорда ёки ушбу акциялар эгаларидан сотиб олиниши мумкин, бунинг устига эмитент томонидан ушбу акциялар номинал қийматининг маълум фоизларидан келиб чиққан ҳолда қўшимча мукофот тўланади. Қайтарилмайдиган имтиёзли акциялар жамият томонидан муомаладан чиқарилиши мумкин эмас.

Ўзгарувчан курсли имтиёзли акцияларнинг дивидендлари одатда банк депозит ставкалари ёки кредит учун фоиз нормаларига боғлиқ бўлади. Фоиз миқдори сезиларли даражада кўтарилган ҳолларда эмитент юқори дивиденд тўлашга мажбур бўлса, фоиз тушиб кетган ҳолларда эса, дивидендлар ҳам қисқаради¹⁴.

Шунингдек, мамлакатимизда акциядорлик жамиятларида улар бошқарувида давлат вакиллигини тасдиқлайдиган “олтин акция” тушунчаси ҳам бор. “Олтин акция” қийматга эга бўлмайди, бошқа шахсга ўтказилмайди ҳамда гаровга берилмайди, жамият устав фондининг миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инobatга олинмайди.

“Олтин акция” жамиятнинг устав фондида давлат улуши мавжуд бўлмаган ёки бу улуш жамият устав фондининг йигирма беш фоиздан ошмайдиган жамиятларда жорий этилиши мумкин. Давлатнинг “олтин акция”дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бу борада хорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу давлатда акциялар асосан икки турда: оддий ва имтиёзли шаклларда чиқарилади. Акцияларнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгариб бориши билан боғлиқ хусусиятлар республикаимизда мавжуд амалиёт би-

лан ўхшашликка эга. Масалан, акцияларнинг уставда белгиланган бирламчи номинал қиймати — аутхоризед стокс, эмиссия қилинган акциялар — иссуед стокс, муомалада бўлган акциялар — оуц-тандинг стокс ва жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар — треасурй стокс¹⁵.

Қўшма Штатлардаги акциялар турлари бўйича ўзига хос хусусиятлардан бири бу — кумулятив ва нокумулятив имтиёзли акцияларнинг мавжудлигидир. Баъзи ҳолларда корпорацияда муайян квартал бўйича қўшилган дивидендларни тўлаш учун етарли жамғарма — маблағ бўлмай қолиши мумкин. Шундай ҳолларда агар корпорация уларни тўлашни кейинги даврдан давом эттирадиган бўлса, нокумулятив имтиёзли акция эгалари шу сабабга кўра тўланмай қолган дивидендларни қўшиб олиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунда уларга фақатгина жорий дивидендларгина берилади. Бироқ бундай ҳолатларда агар кейинги даврда дивидендлар тўлови давом этадиган бўлса, ўтган даврда тўланмаган дивидендлар кумулятив имтиёзли акциялар эгалари номига жамғариб борилади¹⁶. Айнан ушбу тажрибани, яъни жамғариб бориладиган имтиёзли акцияларни мамлакатимиз корпоратив тизимига жорий қилсак мақсадга мувофиқ бўларди.

Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятининг мулкӣ асоси сифатида қимматли қоғозлар, айниқса акцияларнинг ҳуқуқӣ табиатини янада аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан юқори-

даги таҳлиллардан келиб чиқиб, имтиёзли акциялар эгаларининг жамиятдаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, корпоратив қонунчиликни янада тақомиллаштириш мақсадида эндиликда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддаси 4-бандига жамият уставида дивидендлари жамғариб бориладиган кумулятив имтиёзли акциялар чиқарилиши ва улар бўйича айрим сабабларга кўра, (бундан жамиятнинг айби билан тўланмаган ҳоллар мустасно) акциядор ўз дивидендини ололмаган ҳолларда, агар қонуннинг 54-моддасида белгиланган дивидендлар тўланишига чекловлар мавжуд бўлмаса, жамият улар тўловини давом эттира оладиган бўлса, ушбу дивидендлар акциядорнинг кейинги даврда оладиган дивидендлари микдорига қўшилиб жамғарилиб борилиши тўғрисида норма киритиш билан ундаги жорий қоғозда янада аниқлаштирилиши лозим. Шу мазмундаги қонуннинг 51-моддаси 4-бандига истисно тарздаги норма сифатида киритиш лозим, яъни у “эгаси ёки эгасининг қонунӣ ҳуқуқӣ вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумӣ йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади, бундан жамият уставида белгилаб қўйилган дивидендлари жамғариб бориладиган имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлови билан боғлиқ ҳоллар мустасно” шаклида ўзгартирилиши мақсадга мувофиқдир.



¹ khozraschyot is a method of the planned running of an economic unit (i.e., of a business, in Western terms) based on the confrontation of the expenses incurred in production with the production output, on the compensation of expenses with the income

²Gulyamov S.S., Narziyev O.S. O'zbekiston Respublikasida qimmatli qog'ozlar bozori faoliyat yuritishning huquqiy asoslari. –Тошкент: 2007. –Б.71-72.

³ Гражданское право. Часть первая: Учебник. / Под ред. Калпина А.Г., Масляева А.И. – М., Юристь, 1997.

⁴ Крылова М. Ценная бумага – вещь, документ или совокупность прав? // Рынок ценных бумаг. – 1997. – №4. – С. 57-60.

⁵ Назаров Ю.Б. Проблемы правового регулирования выпуска и обращения ценных бумаг в гражданском обороте: Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. – Ташкент: 2008. 17-с.

⁶William T. Allen. Securities Markets as Social Products: The Pretty Efficient Capital Market Hypothesis// J.Corp.L. 2003. –N 28. – P. 551.

⁷Кирилловых А.А. Корпоративное право. Курс лекций. – М., Юстицинформ, 2009. 38-с.

⁸Шевченко Г.Н. Акция как корпоративная ценная бумага // Журнал российского права. 2005.– №1. 52-с.

⁹Gulyamov S.S., Narziyev O.S. Юқоридаги манбада. – Тошкент: 2007. – Б.76-78.

¹⁰H.R. Rahmonqulov, S.S. Gulyamov. Korporativ huquq. – Тошкент: TDYI, 2008. – Б.208-209.

¹¹Назаров Ю.Б. Юқоридаги манбада. 60-б.

¹²H.R. Rahmonqulov, S.S. Gulyamov. Юқоридаги манбада. 212-б.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири) ЎРҚ-370-сон Қонунининг 21-моддасида.

¹⁴H.R. Rahmonqulov, S.S. Gulyamov. Юқоридаги манбада. –Б.213-214.

¹⁵Types of Stocks - Series 65 | Investopedia <http://www.investopedia.com/exam-guide/series-65/stocks-mutual-funds/types-stocks.asp#ixzz4175KGVIC>

¹⁶Preferred Stock - Series 65 | Investopedia <http://www.investopedia.com>

Баҳодир ҲАМРОҚУЛОВ,
 “Absolvo Bona Fides” адвокатлик бюроси раҳбари, ю.ф.н.

КИМЛАР МАЪНАВИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛИБ СУДГА МУРОЖААТ ЭТИШИ МУМКИН?

✦ Ушбу мақолада маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб судга ариза бериш ҳуқуқига эга субъектлар доираси ўрганилган ва маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб судга фақат жисмоний шахс муурожаат этиши мумкин, деган хулосага келинган. Юридик шахсга маънавий зиён етмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш киритиш тўғрисида таклифлар берилган.

✦ В данной статье изучен круг субъектов, которые могут подать в суд заявление с требованием возмещения морального вреда, представлены выводы о том, что с требованием о возмещении морального вреда в суд могут обращаться только физические лица. В связи с тем, что моральный вред не может быть нанесен юридическому лицу, представлены предложения о необходимости внесения изменения в некоторые нормативно-правовые акты Республики Узбекистан.

✦ The research into the range of subjects, which are entitled to initiate lawsuits for moral damage compensations, was conducted in this article, and reached a conclusion that only individuals are entitled to initiate lawsuits for moral damage compensation. Besides, due to fact that moral damage may not be inflicted to legal entities, proposals were given about the necessity of amendments to some legal acts of the Republic of Uzbekistan.

Таянч сўзлар: зарар, маънавий зиён, субъект, жисмоний шахс, юридик шахс, шаън, қадр-қиммат, ишчанлик обрўси.

Ключевые слова: вред, моральный вред, субъект, физическое лицо, юридическое лицо, честь, достоинство, деловая репутация.

Key words: harm, moral harm, subject, natural person, legal person, honor, dignity, business reputation.

Маънавий зиённи қоплаш муносабатларини тартибга солишда, аввало, бундай муносабатларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доирасини аниқлаш зарур. Маънавий зиённинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектларни алоҳида ўрганишимизга асосий сабаб, биринчидан, фуқаролар орасидан маънавий зиённинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни аниқлаш зарурлиги, иккинчидан, маънавий зиён етказилган шахс вафот этганида маънавий зиённинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини белгилаш ва учинчидан, юридик шахсининг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишда маънавий зиённи ундириш мумкинми ёки йўқлиги масаласини ўрганиш ҳисобланади.

Фуқаро ўзининг ҳуқуқлари бузилганлиги оқибатида маънавий зиён етказилган деб ҳисобласа, судга муурожаат қилиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин. Фуқарога маънавий зиён таҳқирлаш, тўхмат, бўҳтон, жамоат жойларида уятли сўзлар билан ҳақоратлаш, ноқонуний маъмурий жазога тортиш, шахсининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатиш, меҳнат-ҳуқуқий му-

носабатлар, ходимларга шикаст етказилиши, уларнинг касб касалликларга дучор бўлиши ёки хизмат вазифалари бажарилишида соғлиқлари-га путур етказилиши ва ҳақозолар натижасида етказилиши мумкин.

Маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлашда шахсга етказилган жисмоний ва/ёки маънавий зиённи баҳолаш мезони сифатида қабул қилинади. П.Н.Гуссаковский маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга шахслар доирасини белгилаш масаласи борасида тўхта-лар экан, бошқа шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари туфайли моддий зарар кўрган шахсларнинг барчаси моддий зарар қопланишини талаб қилишга ҳақли, шундай экан, маънавий зиён етказилган барча жабрланувчилар ноқонуний ҳаракатлар натижасида етказилган маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак деган фикрни билдирган¹. Фикримизча, фуқаро ҳуқуқбузарнинг ҳар қандай ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) оқибатида ўзига маънавий зиён етказилган деб ҳисобласа, судга бундай талаб билан чиқиши мумкин. Ушбу ҳолатда бирор-бир чеклов бўлиши

инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Лекин шундай шахслар борки, улар ўзларига ноқонуний ҳаракат содир этилганлигини англай олмайдилар. Буларга вояга етмаганлар, руҳий касаллар, муомала лаёқати чекланганлар киради. Уларга маънавий зиён етказилиши мумкинми ёки бундай зарарни қоплашни талаб қилувчи субъектлар кимлар бўлиши мумкинлиги юзасида амалиётда ва назарияда турли хил қарашлар мавжуд. Бу борада Н.С.Малеин² ёш болаларга, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган фуқароларга етказилган маънавий зиённи қоплаш, уларнинг орномуси ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисида куйидаги фикрни билдирган: “Ор-номус ва кадр-қиммат деган тушунча ва сифат балоғат ёшига етган ва онгли шахсларга ёки муайян гуруҳга хос. Ёш бола бундай сифатларга эга эмас, шунинг учун у тўғрисида бу каби маълумотларни тарқатиш, биринчи навбатда, унинг ота-онасига тегишли бўлади ва улар бундай вазиятда даъвогар сифатида кўрилади”.

Каттароқ ёшдаги, лекин ёши 18 гача бўлган болаларнинг шаъни ва кадр-қиммати таҳқирланса, улар ҳам оила аъзолари билан бирга жабрланувчи ҳисобланадилар. Демак, бирон кимсанинг шаъни ва кадр-қимматига бўлган тажовуз, ўз моҳиятига кўра, қонун билан муҳофаза қилиниб, ҳуқуқлари ва манфаатлари судда ота-оналари, асраб олган шахслар ва васийлар томонидан ҳимоя қилинадиган ёш болаларга етказилган жисмоний ва маънавий азоб деб ҳисобланади. Ёш болаларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилар ёки уларга васийлик қилувчи шахслар ҳам, қонунга зид ҳаракатлар оқибатида жабрланган ёш болалар, асраб олинган ёки васийликка олинган болалар билан бир қаторда, маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга субъектлар сифатида кўрилиши мумкин.

Биз ҳам Н.С.Малеин фикрига қўшилаемиз. Бундай талаб фақатгина уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатига эга бўлган шахс томонидан киритилиши мумкин.

Маънавий ва/ёки жисмоний азоблар субъектив характерга эга эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, руҳий касал фуқаро ўзига етказилган маънавий ва/ёки жисмоний азоблар хусусиятини англай олмаса, унга қандай маънавий зиён етказилиши ва қопланиши мумкин деган табиий савол туғилади. Фикримизча, бундай ҳолатда руҳий касал фуқаро кимнинг қарамоғида эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Агар руҳий касал фуқаро яқин қариндошларининг (ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси) қарамоғида бўлса, унга нисбатан содир этилган маъна-

вий ва/ёки жисмоний азобларни кўрган яқин қариндошлар албатта унинг аҳволдан сиқилиб, маънавий азобни ўз бошларидан кечиришлари мумкин. Ўйлаймизки, бундай ҳолатда судга даъво билан унинг яқин қариндошлари мурожаат этишлари мумкин.

Маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга субъектларни аниқлашнинг бундай тартиби ҳуқуқлари ва манфаатлари қонун муҳофазасида бўлиб, судда васийлар ва ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинадиган муомалага лаёқатсиз ва лаёқати чекланган фуқароларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Агар васийлиги ёки ҳомийлиги остида бўлган шахсларга нисбатан ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши натижасида маънавий зиён етказиладиган бўлса, муомалага лаёқатсиз фуқароларнинг васийлари ёки муомала лаёқати чекланган фуқароларнинг ҳомийлари ҳам маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга субъектлар деб тан олинаши мумкин.

Аксарият ҳолларда жабрланувчи маънавий зиён қопланишини талаб қилиб судга мурожаат қилганда, ўз манфаатларини ўйлайди. Маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг эмас, балки судга даъво аризаси билан мурожаат қилган шахсларнинг жисмоний ва/ёки маънавий азобланишлари баҳоланади ва қопланади. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сон Қарори билан тасдиқланган бўлиб, унда маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли, маънавий қайғуриш туфайли кўрилган маънавий зиён қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг маълум доираси белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1009-моддасига мувофиқ ана шундай шахслар доирасига марҳумнинг қарамоғида турган ёки у вафот этган кунгача ундан таъминот олиш ҳуқуқига эга бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар, марҳумнинг вафотидан кейин туғилган фарзанди, меҳнат қобилиятидан қатъи назар, марҳумнинг қарамоғида бўлган унинг ўн тўрт ёшга тўлмаган ёхуд кўрсатилган ёшга тўлган бўлса ҳам тиббиёт муассасасининг хулосасига кўра саломатлиги бўйича бошқаларнинг парваришига муҳтож бўлган болалари, неваралари, ака-укалари ва опа-сингилларини парваришlashда банд бўлган ва ишламайдиган ота-онасидан бири, эри (хотини) ёки оиланинг бошқа аъзоси, марҳумнинг қарамоғида бўлган ва унинг вафотидан кейин беш йил ичида меҳнатга қобилятсиз бўлиб қолган шахслар киради. Ушбу шахсларгина боқувчисини йўқотиши натижасида маънавий қайғуришлари мумкин.

Қариндошлик алоқалари Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 57-моддасида кенгроқ белгиланган. Унда қариндошлик шажараси тўрт даражада ҳамда тўғри ва ён шажара бўйича қариндошлик белгиланган. Қариндошларга етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига ушбу моддада назарда тутилган барча шахслар ҳам эга бўла олмайди. Бундай муносабатда фақат яқин қариндошлар иштирок этишлари мумкин. Яқин қариндошларга кимлар кириши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” деб номланган саккизинчи бўлимида ўз ифодасини топган. Унга кўра яқин қариндошлар бу — қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари.

Л.О.Красавчикованинг³ фикрига кўра, ноқонуний ҳаракатлар туфайли етказилган маънавий зиён учун тўлов жабрланувчининг турмуш ўртоғи ва яқин қариндошларига, яъни ота-онаси, фарзандлари, асраб олган фарзандлари, туғишган ака-укалари ва опа-сингиллари, бобоси ва бувиси, шунингдек невараларига тўлаб берилади. К.Б.Ярошенконинг⁴ фикрича, узоқ қариндошларини ҳам манфаатдор кишилар қаторига киритиш мумкин, чунки ор-номус ва кадр-қимматни ҳимоя қилиш талабига даъво муддати жорий этилмайди ва вафот этганларни ҳимоя қилиш бўйича даъво исталган вақтда тақдим этилиши мумкин.

Бироқ бунда маънавий зиённи қоплаш тўғрисида масала кўтарилмаслиги ҳам мумкин, сабаби, бу каби ҳолатда шахсий манфаатдорлик кузатилмаслиги мумкин. А.М.Эрделевский⁵ эса, ўз навбатида, маънавий зиённи қоплаш мақсадлари учун оила таркиби Оила кодекси ва Уй-жой кодекси бўйича белгиланган оила таркибларининг биргалигидан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайди ва оила таркибига жабрланувчининг ўлимидан кейин оилавий алоқалар бузилиши натижасида маънавий азобланган шахсларни, яъни эр (хотин), биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар, фарзандликка олувчилар ва асраб олинган фарзандлар, тарбиячи ва тарбияланувчилар, амалда никоҳ муносабатларида бўлиб, бирга яшаган ва умумий ҳўжалик юритган шахсларни киритиш лозимлигини таъкидлайди.

Биз шахснинг вафоти натижасида етказилган маънавий зиённи қоплашга фақат вафот этган шахснинг яқин қариндошлари, унинг қарамоғида бўлган шахслар ва у билан истиқомат қилувчилар эга бўлиши мумкин деб ҳисоблай-

миз. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 7-сон Қарорида маънавий зарар, яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш натижасида етказилиши мумкин деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 100-моддаси тўққизинчи қисмида ҳамда Олий суд Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори 7-бандида “фуқаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади” деб кўрсатилган. Худди шунингдек, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 35-моддаси учинчи қисмида “Тадбиркорлик фаолияти субъекти ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар тарқатилганда, бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларнинг тарқатилиши оқибатида етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зарар компенсация қилинишини талаб этишга ҳақли” деб белгиланган. Ушбу Қонунининг 4-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Юридик шахснинг ишчанлик обрўсига путур етказилиши оқибатида маънавий зиённи қоплаш мумкин деб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига берилган шарҳларда ҳам кўрсатиб ўтилган⁶.

Ишчанлик обрўси деганда, фуқаролик ҳуқуқида шахснинг (фуқаро ёки ташкилотнинг) фақатгина касбий маҳоратига бўлган ижтимоий баҳоси тушунилади⁷. Ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар деганда, айрим шахслар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуктаи назаридан қараганда, ишчанлик обрўсини оёқ ости қилувчи, обрўни тўқувчи маълумотлар тушунилади⁸.

Юридик шахс тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг оммавий ахборот воситалари орқали чоп этилиши, кўпчилик олдига сўзлаганда (мажлисларда), мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан, оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш натижасида ишчанлик обрўсига путур етказилиши мумкин.

Бир қарашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 100-моддаси саккизинчи ва тўққизинчи банди таҳлили юридик шахсга суд-

дан маънавий зиённи қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини берадигандек кўринади. Лекин “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қароридан берилган маънавий зиён тушунчасидан кўриниб турибдики, юридик шахс ўз бошидан маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғриқ, ноқулайлик ва бошқа) азобларни кечира олмайди. Маънавий, айниқса, жисмоний азобларни фақат инсонгина бошидан кечира олади. Юридик шахсга эса ҳеч қачон маънавий ва жисмоний оғриқ етказилиши, бинобарин маънавий зиён етказилиши мумкин эмас. Фуқаролик кодекси 100-моддаси тўққизинчи банди ва Пленум қарорининг 7-бандида келтирилган “тегишли йўсинда” деган жумлага эътиборни қаратиш лозим. Бу юридик шахс бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилганда қандай усуллардан фойдаланиш тегишли бўлса шундан фойдалана олиши мумкинлиги деганидир. Шу сабабли фуқаронинг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида маънавий зиённи қоплашни талаб қилиш масаласи юридик шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодекси 1021-моддаси иккинчи қисми тўртинчи хатбошиси “зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса” ҳуқуқбузарнинг айбидан қатъи назар қопланиши белгиланган. Ишчанлик обрў-эътибор юридик шахсга ҳам қўлланиши мумкинлиги сабабли ҳуқуқбузарнинг айбидан қатъи назар юридик шахс маънавий зиённи қоплашни талаб қилиши мумкин, - деган ҳулосага келиш мумкин бўлади. Агар Кодекснинг 1021-моддасини таҳлил қилсак, унинг барча хатбошиларида қонун чиқарувчи орган “фуқаронинг...” сўзларини келтирган. Шу сабабли 1021-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошисини турли хил талқин қилмаслик мақсадида ушбу бандни “зарар **фуқаронинг** ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса” тарзида ўзгартириш лозим.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий судлари юридик шахслар томонидан маънавий зиённи қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъво аризалари кўрилатганда Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси 24-моддаси асос қилиб олинмоқда ёки ишнинг маънавий зиённи ундириш билан боғлиқ қисми ХПК 86-моддасининг 1-бандига асосан иш юритуvidан тугатилмоқда. Бу Хўжалик процессуал кодексининг мазкур моддасида маънавий зиённи ундириш назарда тутилмаган ва бу иқтисодий

суднинг ваколатига кирмайди деган нуқтаи назарга асосланмоқда⁹.

Фикримизча, юридик шахс томонидан ўзига етказилган маънавий зиённи қоплашни талаб қилиш билан боғлиқ даъволарни иш юритуvidан тугатиш эмас, балки даъво талаби рад этилиши керак. Даъвони рад этишга сабаб эса юридик шахсга маънавий зиён етказилиши мумкин эмаслиги ва у ўз бошидан маънавий ва жисмоний азобларни кечира олмаслиги бўлади.

Юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълумотларнинг тарқатилиши натижасида унга маънавий зиён етказилмас экан, юридик шахс ҳам жисмоний шахс сингари ишчанлик обрўсига путур етказган маълумотлар юзасидан, агар бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг (маълумотларнинг) ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, маълумотни тарқатган оммавий ахборот воситаси орқали ёки суд орқали бундай маълумотларни рад этишни талаб қилиши мумкин.

Бу масалада якка тартибдаги тадбиркорга келсак, у жисмоний шахс ҳисобланади, шу сабабли унга маънавий зиён, яъни жисмоний ва маънавий азоблар етказилиши мумкин. Шунинг учун судловга тааллуқлилик масаласини аниқлашда айнан қайси номоддий неъматга путур етказилганлигини аниқ таҳлил қилиш лозим бўлади. Якка тартибдаги тадбиркорга унинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказиш йўли билан маънавий зиён етказиш мумкин. Бунда асосий аҳамият бериладиган ҳолат бу якка тартибдаги тадбиркорнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишчанлик обрўсига путур етказилган бўлишидир. Агар юридик шахс якка тартибдаги тадбиркорнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишчанлик обрўсига путур етказувчи, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар тарқатса, бундай маълумотларга раддия беришни талаб қилиш тўғрисидаги ишлар сўзсиз иқтисодий судларнинг судловига тааллуқлидир. Таъкидланганидек, якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахс бўлганлиги сабабли бундай маълумотлар тарқатилиши натижасида у ўз бошидан маънавий азобларни ҳам кечириши табиий ҳол. Шу сабабли бундай ҳолатларда якка тартибдаги тадбиркор иқтисодий судларга ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган юридик шахсдан раддия беришни ҳамда етказилган моддий ва маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб даъво киритиши мумкин. Бундай мазмундаги даъволар иқтисодий судларга тааллуқлидир ва улар томонидан процессуал қонунларда назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиб, асосли қарор чиқарилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Агар фуқаро якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлса, лекин унга етказилган зарар унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлмаса, балки фақатгина жисмоний шахс сифатидагина етказилган бўлса, у ҳолда мазкур иш иқтисодий суднинг судлови-га тааллуқли бўлмайди.

Собиқ Олий ҳўжалик судининг 2014 йил 20 июндаги “Иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан ҳўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида ҳўжалик ширкатлар ва жамиятлар фаолиятдан келиб чиқадиган низо-ларни ҳўжалик судлари томонидан ҳал қилиш-нинг айрим масалалари ҳақида”ги 262-сон Қаро-рининг 23-бандида корпоратив низолар билан боғлиқ ишларда иштирокчилар (акциядорлар)нинг — жисмоний шахсларга етказилган маънавий зи-ённи ундириш ҳақидаги талаблари иқтисодий судга тааллуқлилиги назарда тутилган.

Хулоса ўрнида, маънавий зиённи қоплашни талаб қилиб судга фақат жисмоний шахс муро-

жаат қилиши мумкинлигини айтиш лозим. Шу боис “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ка-фолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республика-си Қонунининг 35-моддаси учинчи қисмига тегиш-ли қўшимча ва ўзгартиш киритиб, ундан маъна-вий зиённи қоплаш билан боғлиқ нормани чиқар-иб ташлаш керак ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбошисини “зарар фуқаронинг ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эъти-борини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса” деган таҳрирда, 100-модда тўққизинчи қисми ва “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг 7-сон қарори 7-бандини “Ушбу моддадаги фу-қаронинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғри-сидаги қонундаги юридик шахснинг ишчанлик об-рўсини ҳимоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсин-да татбиқ этилади, маънавий зиённи қоплаш бун-дан мустасно” таҳрирда баён этилиши тақлиф этилади.



¹ Гуссаковский П.Н. Вознаграждение за вред // Журнал Министерства юстиции. 1912. – № 8. 35-с.

² Малеин Н.С. Нематериальные блага и перспективы их развития // Закон. 1995. – №10.

³ Красавчикова Л.О. Понятие и система личных, не связанных с имущественными прав граждан (физических лиц) в гражданском праве РФ. – М., Статут. 2004. – С. 78.

⁴ Ярошенко К.Б. Совершенствование гражданско-правовых форм защиты личных неимущественных прав. – М., Волтерс Клувер. 2007. – С. 234.

⁵ Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда: анализ и комментарий законодательства и судебной практики. – 3-е изд., испр. и доп. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – С.171-176

⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ // Ҳ.Р.Раҳмонқулов ва Ш.М.Асъянов таҳрири остида. – Тошкент: Art Flex, 2010. 37-б.

⁷ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Тошкент: Адолат, 2009. 232-б.

⁸ Большой юридический словарь / Под ред. А.Я.Сухарева, В.Д.Зорькина, В.Е.Крутских. – М., ИНФРА-М, 1997. 151-с.

⁹ Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2015 йилдаги 10-0904/1814-сон ҳўжалик иши. Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2015 йилдаги 11-0909/11723-сон ҳўжалик иш. Архив материаллари.

Шухратжон ИСМОИЛОВ,
ТДЮУ докторанти, ю.ф.н.

СУДЛАНГАНЛИК ВА ЖИНОИЙ ТАЪҚИБНИНГ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИРИ

- ◆ Мазкур мақолада судланганлик ва жиноий таъқибнинг меҳнат муносабатларига таъсири ўрганилган ҳамда унинг асосида меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.
- ◆ В данной статье изучено влияние судимости и уголовного преследования на трудовые отношения, и на основе этого разработаны рекомендации и предложения по совершенствованию трудового законодательства.
- ◆ In this article the influence of criminal record and criminal prosecution on labor relations has been studied and on the basis of this, recommendations and proposals for improving labor legislation have been developed.

Таянч сўзлар: судланганлик, жиноий таъқиб, меҳнат муносабатлари, айрим тоифадаги ходимлар, чеклов, имтиёз, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

Ключевые слова: судимость, уголовное преследование, трудовые отношения, отдельные категории работников, ограничение, льгота, акты законодательства о труде.

Key words: criminal record, criminal prosecution, labor relations, separate categories of workers, limitation, privileges, acts of labor legislation.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Шунингдек, мазкур Фармон билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди**. Ҳаракатлар стратегияси беш йил давомида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий ва янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби устувор вазифаларни амалга оширишни ўз ичига олган мамлакат истиқболини белгиловчи бош режа сифатида амал қилади.

Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид **Давлат дастурининг ўзида 320 банддан иборат вазифаларнинг белгилангани минглаб юксак салоҳиятли, юқори малакали кадрлар меҳнатидан фойдаланишни тақозо қилади**.

Сўнгги йилларда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида кадрларнинг қўнимсизлиги, ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни танлаш қийинчиликлар туғдирмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири таълим тизимидаги камчиликлар бўлса, иккинчиси бошқарув органларига кадрларни танлаб олишда ягона механизмнинг йўқлиги ҳамда турли сунъий тўсиқларнинг мавжудлигидир. Мана шундай сунъий тўсиқлардан бири ўзи ёки яқин қариндошининг судланганлиги муносабати билан ислохотларда ўз кучи ва билими билан иштирок этишни хоҳлаётган кадрларнинг четда қолиб кетаётганлигидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган йиғилишдаги маърузасида “20 йил давомида шунақа тизим яратилдики, яхши-яхши кадрларни “отаси қамалган”,

“акаси қамалган” деган важлар билан бошқарувга яқин йўлатмадик... барча ўзи учун жавоб берсин. Ота ўзи учун, бола ўзи учун, ака ўзи учун, энди ватанпарвар бўлса, ташаббускор бўлса бошқарувга жалб қиламиз” деб таъкидлади¹. Ушбу муаммога давлатимиз раҳбари томонидан ўз вақтида эътибор берилиб, аниқ муносабат билдирилганлиги унинг ечимини топишга доир бир қатор таклифларни илгари суриш имконини берди.

Хусусан, ҳуқуқшунос Т.Турсуновнинг таъкидлашича, “Бизнинг назаримизда, ушбу масаланинг муҳим жиҳатларидан бири, авваламбор, олий ўқув юр்தларини тугаллаб, у ёки бу соҳада, бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви бўладими, бошқа соҳалар бўладими, қайси соҳада бўлса ҳам ишлаб, жамият ривожига ўз ҳиссасини қўшаман деган ёш авлоднинг эртанги ҳаёти, келажаги билан бевоҳида боғлиқдир”².

Мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Ушбу Кодекснинг 6-моддасида эса меҳнатга оид муносабатларда камситишнинг тақиқланиши тамойили мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ амалдаги қонунчиликда шахснинг ўзини ёки яқин қариндошларини муқаддам судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилишни рад этиш тартиблари аниқ белгиланмаганлиги, фуқароларнинг меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқининг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилмоқда. Ваҳоланки, амалиётда шахсни яқин қариндошларининг ёки ўзининг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилишни рад этиш ҳолатлари кузатишмоқда³.

Таъкидлаш лозимки, судланганлиги, айниқса жиноий таъқибда эканлиги боис шахсларнинг муайян меҳнат фаолият турлари билан шуғулланишига доир чекловлар юридик фанда тадқиқ этилмай қолиб келмоқда. Бу борада жиноят ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи мутахассисларининг ушбу масала бўйича чуқур тадқиқот олиб боришлари муаммога янги назарий ечимларни илгари суришга олиб келган бўлар эди.

Шу ўринда судланганлик ва жиноий таъқиб ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш ўринлидир. Жиноий жавобгарликнинг оқибатларидан бири – жазога ҳукм қилинган шахснинг судланган деб ҳисобланишидир. Судланганлик – бу шахснинг содир этган жинояти учун жиноий жазога ҳукм этилганликдан келиб чиқадиган махсус ҳуқуқий ҳолатидир. Судланганликнинг махсус ҳуқуқий ҳолати шундаки, жиноий жазога ҳукм

қилинган шахсга нисбатан, жазони ўташ вақтида ҳуқуқий чеклашлар мажбурий равишда татбиқ қилинади. Бундан ташқари, шахс жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам судланганликнинг оқибатлари вужудга келиб, бу оқибатларни **умумий ва жиноят-ҳуқуқий оқибатларга** бўлиш мумкин.

Таъкидлаш лозимки, судланганликнинг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари шахс фақат янги жиноят содир қилсагина аҳамиятга эга бўлади. Бунда муайян жиноят тури учун судланганлик муддатлари муҳим аҳамият касб этади. М.Усмоналиевнинг таъкидлашича, қонун мазмунига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар тугаши билан шахс судланмаган ҳисобланади. Ушбу муддатлар ўтиб кетганидан кейин шахс янги жиноят содир этган тақдирда Жиноят кодексига назарда тутилган бирон-бир ҳуқуқий оқибат келиб чиқмайди⁴.

Судланганликнинг умумий оқибатлари эса шахснинг янги жиноят содир этиши билан боғлиқ бўлмаган, жамиятдаги бошқа ижтимоий муносабатлар(меҳнат муносабатлари, оила муносабатлари, хорижга чиқиш ва б.лар)га нисбатан таъсир кўрсатади. Судланганликнинг умумий оқибатлари юзасидан қонунларда бирон-бир муддат белгиланган эмас.

Шунингдек, судланганлик тушунчаси билан бирга жиноий таъқиб тушунчасини ҳам аниқлаштириб олиш муҳим. Таъкидлаш лозимки, жиноий таъқиб – жиноят содир этилганда гумон қилинувчи, айбланувчини фош этиш мақсадида айбловчи томонидан амалга ошириладиган процессуал фаолият бўлиб, жиноят ишини қўзғатишдан то суд муҳокамасигача бўлган босқични ўз ичига олади. Жиноий таъқиб қилиш турли асослар бўйича исталган босқичда тугатилиши мумкин. Бунда жиноий таъқибни тугатиш учун биринчи навбатда жиноят содир этилмаганлиги, жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги, жиноят содир этишга дахлсизлиги асос бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси шахснинг судланганлик ва жиноий таъқибда эканлиги муносабати билан ишга қабул қилишда чеклов ўрнатиш билан боғлиқ бирон-бир қонунда ўзида мустаҳкамламаган (фақат МКнинг 106-моддаси 1-қисми 3-бандида жиноий жазо қўлланилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш назарда тутилган). Аммо судланганликнинг меҳнат муносабатларига таъсири Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддасига мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиш суд ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди⁵.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига асосан “Қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган ходимлар мавжуд бўлса ва улар ўз хизмат вазифаси тақозосига кўра гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан эркин фойдаланиш имконига эга бўлса, лицензия бериш рад этилади⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси(оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар, диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас⁷.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуннинг 12-моддасига асосан “Қасддан содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари бўлиши мумкин эмас⁸.

Судланганлик ёки жиноий таъқибнинг меҳнат муносабатларига таъсирини бошқа МДХ давлатлари тажрибаси мисолида кўриш, фикримизча, муайян ҳулосалар чиқариш имконини беради. Хусусан, Россия Федерацияси (РФ)да 2010 йил 23 декабрдаги 387-сонли федерал қонун билан меҳнат қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу қўшимчага асосан РФ Меҳнат кодекси(МК)нинг 65-моддасига меҳнат шартномасини тузишда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига яна бир ҳужжат – судланганлиги ёки судланмаганлиги ҳақидаги маълумот ёхуд жиноий таъқибда эканлиги ёки реабилитация асосларига кўра жиноий таъқиб тугатилганлиги ҳақидаги маълумот киритилди⁹.

Бу ерда шуни қайд этиш лозимки, мазкур маълумот фақат судланганлар ва жиноий таъқибга олинганлар РФ МК ва бошқа қонунлар билан фаолият юритиши тақиқланган шахслар учун талаб этилади. Яъни судланганлиги ёки жиноий таъқибда эканлиги ҳақидаги маълумот фақат айрим фаолият турлари учун назарда тутилган. Мисол учун: РФ Ҳаво кодексининг 52-моддасида кўрсатилишича, авиация персоналлари қасддан содир қилган жиноятлари учун судланганлик муддати ўтмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг ишга

қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Ишга қабул қилишда судланганлиги муносабати билан меҳнат шартномаси тузишда қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш билан боғлиқ талаблар РФ МКнинг 65-моддаси иккинчи қисми, шунингдек, айрим ишларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, федерал қонунлар, РФ Президенти фармонлари ва РФ Ҳукумати қарорларида ҳам меҳнат шартномаси тузишда қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш талаби назарда тутилиши мумкин.

Меҳнат шартномасини тузишда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига киритилмайдиган ўзгаришлар биринчи навбатда РФ МКга 351¹-модданинг киритилиши билан боғлиқ. Мазкур моддага мувофиқ таълим, тарбия, вояга етмаганлар билан ишлаш, дам олиш ва соғломлаштириш, тиббий таъминот, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий хизмат, болалар ва ўсмирлар спорти, вояга етмаганлар иштирок этадиган маданият ва санъат соҳаларида судланганлар ва жиноий таъқиб қилинганлар ҳаётга, соғлиққа, шахснинг эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфсизликка, давлатнинг хавфсизлиги ва конституциявий асосларига, ижтимоий ахлоқ ва аҳоли саломатлиги, оила ва вояга етмаганлар, шахснинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига қарши жиноятлар содир этганда бундай ишларга қабул қилинмайди.

Шу ўринда Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 78-моддаси иккинчи қисмига тўртинчи хатбоши сифатида шахснинг муқаддам судланганлиги ёхуд яқин қариндошларининг судланганлиги муносабати билан қўшимча киритиш ҳақидаги таклифи асосли эканлигини таъкидлаш лозим¹⁰. Бироқ мазкур қўшимча, фикримизча, етарли эмас. Шунинг учун судланганлик ва жиноий таъқибнинг меҳнат муносабатларига таъсирини ўрганиш асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 17-моддасига олтинчи хатбоши сифатида қуйидаги қоида киритиш: “*ходимга нисбатан судланганлик, жиноий таъқиб юритилганлик, жиноят ишини юритиш тугатилганлик ҳақидаги маълумотларни ваколатли органдан олиш*”.

2. Меҳнат кодексининг 80-моддаси биринчи қисмига охириги хатбоши сифатида қуйидаги қоида киритиш: “*судланганликнинг ёки жиноий таъқибнинг мавжудлиги ёхуд уларнинг тугатилганлиги ҳақидаги маълумот (мазкур маълумот қонун ҳужжатларида судланган ёки жиноий таъқиб қилинган шахсларнинг ишга қабул қилинишига тақиқлар мавжуд бўлганда талаб этилади)*”.

3. Меҳнат кодексининг “Айрим тоифадаги ходимларга берилмайдиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар” деб номланган XIV бобини қуйидаги мазмундаги янги 247²-модда билан тўлдириш:

“Таълим, тарбия, вояга етмаганларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий хизмат ва ижтимоий ҳимояси, тиббий хизмати, дам олиши ва соғломлаштиришни ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорти, маданияти ва санъати соҳасида меҳнат билан банд бўлишга чекловлар

Таълим, тарбия, вояга етмаганларни тарбиялаш, уларнинг ижтимоий хизмат ва ижтимоий ҳимояси, тиббий хизмати, дам олиши ва соғломлаштиришни ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар спорти, маданияти ва санъати соҳасида қуйидагиларнинг меҳнат қилиши тақиқланади:

1) ҳаёт ва соғлиққа, шахснинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати, шахснинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига, оила ва вояга етмаганлар, аҳоли соғлиги ва ижтимоий ахлоққа, давлат хавфсизлиги ва конституциявий тузум асосларига, инсоният хавфсизлиги ва тинчлигига қарши жиноятлар содир этганлик учун судланган ва жиноий таъқиб қилинган шахслар;

2) биринчи бандда кўрсатилган жиноятлардан ташқари оғир ва ўта оғир жинояти учун судланганлик муддати тугамаган ёки олиб ташланмаган шахслар”.

4. Меҳнат кодексининг “Ишдан четлаштириш” деб номланган 113-моддасига қуйидаги мазмундаги олтинчи қисми киритиш:

“вояга етмаганлар билан ишлаш соҳасидаги ходимларга нисбатан жиноий таъқиб амалга оширилганда, иш берувчи уларни ҳукм қонуний кучга киргунга ёки жиноят иши тугатилгунга қадар ишдан четлаштириши лозим”.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, шахснинг судланганлиги муносабати билан ишга қабул қилмасликни меҳнат муносабатларида камситиш сифатида алоҳида қайд этилишини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, айрим меҳнат фаолияти турлари бўйича судланган ва жиноий таъқибда бўлган шахсларни ишга қабул қилишга чекловлар қонун ҳужжатлари орқали ўрнатилиши лозим. Мазкур қоида умумдавлат ва умумжамият манфаатлари нуқтаи назаридан ҳам мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар эса қонунчиликдаги мазкур бўшлиқларни тўлдириш орқали ватанпарвар ва ташаббускор кадрларга ўз салоҳиятларини давлат ва жамият бошқарувида тўлиқ намоён этиш имконини беради.



¹ <http://minjust.uz/uz/press/news/2017/09/11497/>

² Турсунов “...!C4;0=30=;8:· x>;0B8· 20· <5·x=0B· <C=>A010B;0@8· . <http://kun.uz/news/2017/09/16/>

³ <http://minjust.uz/uz/press/news/2017/09/11497/>

⁴Усмоналиев М. Судланганликнинг ҳуқуқий оқибатлари ва уларни либераллаштириш муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.44-45.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 225-модда.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 210-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 220-модда.

⁸ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 15-сон, 142-модда.

⁹ Белицкая И. Наличие судимости как препятствие для выполнения трудовой функции // Кадровик. Трудовое право для кадровика. 2012. – №11.

¹⁰ <http://minjust.uz/uz/press/news/2017/09/11497/>

Неъмат ХАТТАБОВ,
Давлат бошқаруви академияси
мустақил изланувчиси, ю.ф.н.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЮРИДИК ХИЗМАТНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ТАРАҚҚИЁТИ

- ◆ Мақолада мамлакатимизда юридик хизмат соҳасининг истиқболдаги тараққиётини ҳуқуқий таъминлашга доир конструктив таклиф ва тавсиялар илмий-назарий таҳлил этилган.
- ◆ В статье подвергнуты научно-теоретическому анализу конструктивные предложения и рекомендации по правовому обеспечению развития юридической службы в перспективе нашей страны.
- ◆ In this article the constructive proposals and recommendations on the legal provision of developing the legal service in perspective of our country are exposed to scientific and theoretical analysis.

Таянч сўзлар: юридик хизмат, юрист, адвокатура, нотариат, қонун устуворлиги, Ҳаракатлар стратегияси.

Ключевые слова: юридическая служба, юрист, адвокатура, нотариат, верховенство закона, Стратегия действий.

Key words: legal service, lawyer, bar, notary, rule of law, Strategy of actions.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни янада кучайтириш, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун муҳим замин яратди. Бу эса ўз навбатида, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратишга муносиб хизмат қилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш амалга ошириладиган барча ислохотлар самарадорлигининг кафолатидир, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим омилidir”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”-ги² Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб олинди. Биз таҳлил қиладиган бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири мазкур стратегиянинг иккинчи асосий йўналишини ташкил этади. Унда юридик ёрдам

ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилашга қаратилган ҳуқуқий ислохотларни янада кучайтириш муҳим масалалардан бири сифатида қаралган. Қонун устуворлиги йўналишидаги бу каби муҳим қадам истиқболда мамлакатимизда чинакамига демократик принциплар устуворлигига асосланган очиқ фуқаролик жамиятини барпо этишга ҳамда жамиятимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг тўлақонли рўёбга чиқарилишига пухта замин яратади. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлардан кўзланган натижаларни қўлга киритишга муносиб хизмат қилади.

Қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, унинг сифатини янги босқичга олиб чиқиш масаласи бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Сабаби, ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг самарали йўлга қўйилиши, қолаверса, ҳар бир жисмоний ва юридик шахснинг ҳуқуқ тўғрисидаги маълумотларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларининг муносиб даражада қондирилиши давлат ва жамият ҳаётида ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашга ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатади. Мазкур масалага эътибор қаратиб Е.Каньязов таъкидлайдики, “бозор иқти-

содиёти шароитида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатида ҳуқуқий ҳужжатлар сифатли ва асосли бўлиши лозим. Бу эса, аввало, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг юридик хизматлари зиммасига катта масъулият юклайди³.

Таъкидлаш жоизки, юридик хизмат кўрсатиш корхона, ташкилот, идора ва муассасалардаги махсус билимларга эга бўлган субъектлар томонидан амалга оширилади. Ҳар бир корхона ёки ташкилотдаги юридик хизматнинг у ёки бу даражаси энг аввало, ушбу идоранинг ҳуқуқшунос кадрлари фаолиятида намоён бўлади. Бироқ, амалдаги қонунчиликда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш махсус лицензияга эга бўлган адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги назарда тутилган. Шу боис, мамлакатимизда аҳолига малакали юридик ёрдам кўрсатиш вазифаси махсус қонун⁴ асосида адвокатура институти томонидан амалга оширилади.

Маълумки, истиқлол йилларида республикамизда мазкур соҳа тараққиёти, унинг фаолият самардорлигини янада ошириш йўналишида муайян ислохотлар амалга оширилди, унинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, адвокатларнинг фуқаролик, жиноят ва маъмурий судлов соҳасидаги ўрни ҳамда мавқеи кучайтирилди. Айниқса, жиноят процессида “гувоҳнинг адвокати”⁵ тушунчасининг амалдаги қонунчиликка киритилиши ҳамда унинг ҳуқуқий мустақамланганлиги жиноят ишларининг тергови жараёнларида нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда кафолатлашга, балки миллий қонунчилигимизнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлашга ҳуқуқий замин яратди.

Айтиш жоизки, адвокатуранинг аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш борасидаги фаолият миқёси чиндан ҳам жуда кенг. Чунки, бугунги кун ҳаёти, давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларнинг жадаллик билан ўсиб бориши, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган муносабатларнинг турли-туманлиги, қолаверса, кундан-кунга янгича ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши, бундай вазиятларда юзага келадиган ҳар қандай муаммоли ҳолатларнинг ҳуқуқий ечимларини топишга эҳтиёж сезади. Масаланинг ҳуқуқий ечимини топиш эса фақатгина юридик воситалар орқали амалга ошириб, бу эса малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишга таянади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари томонидан бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, республикамизда юридик хизмат соҳасини истиқболда янада кучайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш билан бир вақтда мазкур соҳада фаолият олиб борувчи давлат хизматчиларининг моддий таъминоти каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусу-

сан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи устувор йўналишида мазкур йўналишда амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Бинобарин, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишлари кўрилишида адвокатнинг ролини кучайтириш мақсадида адвокат томонидан далилларни тўплаш ва уларни жиноят иши материалларига қўшиш механизмнинг янги тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, судгача ва судда иш юритишда адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш тартибини аниқлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалага бу жиҳатдан ёндашиш ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш соҳасида адвокатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида, хусусан, дастлабки тергов ва суриштирув органлари тизимидаги мавқеини яна бир бор юқори поғонага кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатдир десак, хато бўлмайди. Айнан ушбу масала, яъни адвокат томонидан юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотлардан маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини, мутахассисларнинг маълумот-маслаҳатларини сўраш ва олиш жараёнларида вужудга келадиган муносабатлар бугунги кунда тергов ва суд ишларини юритиш жараёнларида жиддий аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳуқуқни қўллаш амалиётида баъзан адвокатнинг сўровига айрим бир ташкилотлар томонидан рад жавобларини бериш ҳолатлари кузатилади, яъни бунда ушбу ташкилотлар томонидан сўралаётган маълумот ва ахборотлар гўёки, хизмат сири ёки бошқа сир билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолатлар эса, оқибатда адвокат ҳимояси остида манфаатлари қўриқланаётган шахс ҳуқуқларининг тўлақонли амалга оширилишига имкон бермаслигига ёки бўлмаса, унинг манфаатларига жиддий зиён етказилишига ҳам олиб келиши мумкин. Шунинг назарда тутиб, қонун чиқарувчи томонидан 2009 йилда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси⁶ билан тўлдирilib, унда адвокатнинг сўровига жавоб бермаганлик учун қатъий тарзда маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди. Бироқ, суд амалиётида мазкур норма асосида жавобгарликка тортилган давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси жуда кам.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда юридик хизмат кўрсатиш тизимини истиқболда янада такомиллаштириш, тўғрирофи, унинг қонунчилик асос-

ларини мустаҳкамлаш йўналишида муайян вазифалар белгилаб олинганлиги қувонарли ҳолдир. Бунда қуйидаги икки муҳим йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, фуқаролик ва хўжалик низоларини судгача ҳал қилиш жараёнида, шунингдек жиноят процессида томонларни яраштириш тартиб-таомилида адвокат иштирокини кенгайтириш; суд ишини юришда иштирок этиш учун адвокат ордерини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартибини қайта кўриб чиқиш.

Юридик хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, адвокатура институтининг такомиллашувида қатор муҳим йўналишларнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштиришга мамлакатимизда жиддий эътибор қаратилмоқда. Унда жумладан, адвокатларга ҳакамлик судларида ҳакам сифатида иштирок этиш ҳуқуқини бериш; адвокат сўровини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини аниқлаштириш; адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари даромадларини солиққа тортиш тизимини мақбуллаштириш; адвокатга лицензия бериш ва уни интизомий жавобгарликка тортиш масаласида давлат органларининг ролини камайтириш; адвокатлик лицензияси фаолиятини тўхтатиш, тугатишнинг суд тартибини босқичма-босқич жорий этиш; адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий этиш, шу жумладан, хорижий адвокатлик тузилмаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини яратиш; тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш шулар жумласидандир.

Шу ўринда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида мамлакатимизда нотариат фаолияти алоҳида тадқиқот объектини ташкил этади. Чунки, Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга давлат этилган ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилади⁷. Нотариат соҳасига нисбатан ўзининг муаллифлик муносабатларини билдирган айрим хорижий олим ва мутахассисларнинг мулоҳазаларига эътибор қаратадиган бўлсак, швейцариялик ҳуқуқшунос М.Мерлотти бу хусусида қуйидагича фикр билдиради: “давлатнинг мансабдор шахслари орасида шундайлар борки, улар тарафлар ўртасида бегараз маслаҳатчи, улар эркининг ҳолис вакили сифатида тарафларга тузилаётган битимларнинг оқибатларини тушунтириш орқали унга юридик куч бахш этади ҳамда уни

нотариал жиҳатдан тасдиқлаб, муҳофазасини таъминлайди. Бундай мансабдор шахслар гўёки эркин судлар сифатида тарафларнинг келишувларига мажбурият юклайди. Бу институт – нотариат бўлиб, унда фаолият олиб борувчилар нотариуслар деб номланади”⁸. Бу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, нотариуслар ҳам аҳолига чинакамига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи субъектлар саналади. Чунки, нотариус фуқаронинг ҳар бир сўзини юридик мустаҳкамлаб, айтилган сўз ва гапларнинг келгусидаги далилий аҳамиятини вужудга келтириш функциясини амалга оширар экан, у ҳақиқатан ҳам фуқаронинг келгусида бузилиши мумкин бўлган ҳуқуқларининг ҳимоясини олдиндан таъминлаш орқали муҳим профилактик вазифани бажаради. Миллий ҳуқуқшунос олимларимиздан Д.Б.Рахимов “нотариуслар аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича мижозларнинг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган битимларни тасдиқлаб бериш мажбуриятини бажарадилар”, - деган фикрни билдиради⁹. Бу борада А.Ю.Рожковнинг қуйидаги фикрлари таҳсинга лойиқдир: “ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларнинг қонунга мувофиқлигини астойдил текшириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш ва уларни огоҳлантиришдек муҳим профилактик вазифани айнан нотариуслар амалга оширадилар. Ушбу йўналишда нотариал органлар фуқароларга уларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш орқали ҳуқуқий хизмат кўрсатадилар”.

Ҳўш, шундай экан, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан, юридик хизмат соҳасидаги нотариус ва адвокатнинг ўрни ва роли қандай? Бу иккала касб эгаларининг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари нималарда намоён бўлади? – тарзидаги саволлар туғилиши табиийдир. Ўхшаш жиҳатлар шунда ифодаланадикки, ҳар иккала касб вакиллари ҳам аҳоли ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради. Бироқ, уларнинг бири нотариус, иккинчи бири эса адвокат деб номлангани боис, табиий равишда улар ўртасида муайян фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, нотариуслар адвокатлардан фарқ қилиб, ҳуқуқий хизматнинг оммавийлик шаклини, яъни давлат томонидан кўрсатиладиган нотариал хизматлар шаклида амал қилади. Бундан ташқари, нотариал хизматлар кўрсатиш давлат томонидан қатъий белгиланган тартиб-таомиллар, кўрсатиладиган хизматнинг ҳар бир тури учун тўланадиган хизмат ҳақининг қатъий белгиланганлиги каби тамойилларга асосланади¹⁰. Адвокат томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам эса, тарафларнинг ўзаро келишувига асосланганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур йўналишда тадқиқот олиб борган айрим олим ва тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари

га эътибор қаратадиган бўлсак, масаланинг моҳияти яна ҳам ойдинлашади. Хусусан, миллий цивилистикада нотариусларнинг ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўрни ва ролини тадқиқ қилган ҳуқуқшунос олим Д.Б.Раҳимов нотариусларнинг ҳуқуқий хизмат кўрсатиш шартномасига асосан нотариал ҳаракатни амалга оширишда миждозга ҳеч қандай мажбур ёки қарам бўлмаслигини, унга ҳисобот бермаслигини, фаолиятни миждоздан мустақил ҳолда фақатгина қонунга асосланиб бажаришини таъкидлайди. Шундан маълум бўладики, нотариус аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида адвокатдан фарқ қилиб, у ўзига мурожаат қилган шахсга ҳеч қандай қарам бўлмайди, яъни у миждоз олдидан тўлиқ эркин фаолият кўрсатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш соҳасида адвокатура сингари нотариат соҳасининг ҳам ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига жиддий эътибор қаратиш, айниқса унинг тараққий топган мамлакатларда қадимдан ва ҳозирги кунда ҳам амал қилиб келаётган нотариусликнинг хусусийлик амалиётини жорий этиш борасидаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш талаб этилмоқда. Хусусан, Ҳара-

катлар стратегияси ҳамда унда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалда рўёбга чиқариш соҳасида ушбу масалалар ҳам эътибордан четда қолмаган. Жумладан, нотариат соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш йўналишида қуйидаги муҳим устувор жиҳатлар диққат марказида турибди:

босқичма-босқич нотариатнинг фаол бюджетдан ташқари моделига ўтиш ва уни фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда хўжалик низоларининг олдини олишга қаратилган институт сифатида янада ривожлантириш;

нотариус лавозимига номзодлар учун стажировка муддатини қисқартириш;

нотариус ёрдамчисига ҳужжат нусхалари тўғрлигини тасдиқлаш ваколатини бериш;

нотариусларни аттестациядан ўтказиш тартибни жорий этиш;

мажбурий нотариал тасдиқланадиган битимлар турларини мақбуллаштириш;

нотариал идораларга электрон мурожаат қилиш тартибни белгилаш;

давлат божини электрон тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда қабул қилиш тартибни жорий этиш;



¹ www.uzlidep.uz//Ш.Мирзиёев. Сайловолди дастури.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

³ Е.Каньязов. Юридик хизмат самарадорлиги – ҳаётий зарурат // <http://huquqburch.uz/uz/view/457>

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни //1996 йил 27 декабрь, 349-1-сон.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // 2008 йил 31 декабрь, ЎРҚ-198-сон.

⁶ Ушбу норма Кодексга Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ-198-сон Қонуни билан киритилган // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 52-сон, 514-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни 1-модда//1996 йил 26 декабрь, 343-1-сон.

⁸ Российско-швейцарский семинар на тему: Нотариат: нотариальный акт // Нотариус. 1997. – №3. 70-с.

⁹ Раҳимов Д.Б. Ўзбекистон Республикасида аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ...диссертацияси. –Тошкент: ТДЮИ, 1997. 90-б.

¹⁰ *Изоҳ*: бу ўринда амалдаги “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳамда “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 533-сонли Қарори назарда тутилмоқда.

Мирёкуб РАҲИМОВ,
ТДЮУ ўқитувчиси
Дилфуза АБДУЛЛАЕВА,
ТДЮУ ўқитувчиси

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ХОДИМНИНГ КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ОЛИШГА БЎЛГАН ҲУҚУҚИ

- ◆ Мақолада меҳнат қончилигида белгиланган компенсациялар тушунчаси, уларнинг турлари, миқдори ҳамда тўлаш тартиби билан боғлиқ муносабатлар таҳлил қилинган.
- ◆ В статье проведен анализ понятия компенсаций, трудовых отношений касательно видов, размеров и порядка их выплаты.
- ◆ The article analyzes the concept of compensation, as well as labor relations with regard to the types, sizes and order of their payment.

Таянч сўзлар: Меҳнат қилиш ҳуқуқи, иш берувчи, ходим, компенсация, қўшимча тўлов, зарар, моддий ва маънавий зарарни қоплаш.

Ключевые слова: Право на труд, работодатель, работник, компенсация, доплата, вред, компенсация материального и морального вреда.

Key words: The right to work, an employer, an employee, compensation, additional payment, harm, compensation of material and moral harm.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Мамлакатимиз тараққиётининг келгусидаги истиқболлини ўзида акс эттирган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам меҳнат муносабатларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ходимлар билан меҳнат муносабатларини расмийлаштирагани, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари, ходимни ижтимоий суғурта қилиш бўйича талабларни бузгани учун иш берувчининг жавобгарлигини кучайтириш билан боғлиқ қончиликни такомиллаштириш дастурда ўз ифодасини топди.

Мамлакатимизда ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва хавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи

ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 5-моддасига биноан, меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар шартларининг ҳақиқий эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур норма меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий эмаслигини ўзида акс эттирувчи “*in favorem*” принципига тўлиқ жавоб беради.

Ҳуқуқшунос олим М.Гасановнинг таъкидлашича, ходим аҳволини ёмонлаштирадиган шартларнинг ҳақиқий эмаслиги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи шартномавий ва локал ҳужжатларнинг ўзаро муносабатларида ҳам акс этади. Яъни жамоа шартномаси жамоа келишуви билан, корхонанинг локал ҳужжатлари тегишли тартибда жамоа келишуви ва жамоа шартномаси билан, меҳнат шартномаси эса жамоа шартномаси, жамоа келишуви ҳамда корхонанинг бошқа локал ҳужжатлари билан таққослан-

ганда уларда ходим аҳволини ёмонлаштирадиган шартлар мавжуд бўлмаслиги керак¹.

Меҳнат муносабатларининг ўзига хос томони шундан иборатки, ходимлар ҳуқуқлари нафақат қонунлар билан, балки жамоа келишувлари, шунингдек жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан ҳам кафолатланади. Бугунги кунда бозор муносабатлари шароитида ходим ва иш берувчи ўртасида етказилган зарар учун тўланиши керак бўлган компенсацияларни ундириш тўғрисидаги ишлар ҳам суд амалиётида кўпга учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан бир йилда ўртача 700 дан ортиқ меҳнат низоларига оид қарорлар чиқарилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми иш ҳақини ундириш, ишга тиклаш ва ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш муносабатларидан келиб чиқувчи низолар билан боғлиқдир. Судларда меҳнат низоларини кўриб чиқишда ходимларнинг моддий зарар учун компенсация тўлаш тўғрисидаги талаблари кенг қулоч ёймоқда. Шу боис, ушбу тушунча ҳуқуқий нуқтаи назардан нимадан иборатлигини билиш меҳнат шартномасининг иккала тарафи учун ҳам муҳим ҳисобланади².

Меҳнат муносабатларида компенсация тушунчаси кенг қўлланилади. Компенсация (лотинча “compensatio” — қопламоқ, тенглаштирмақ) қонун ҳужжатларига биноан, меҳнат ва бошқа мажбуриятларини бажариш жараёнида ходимга етказилган зарарни қоплаб бериш учун ажратилган пул тўловидир.

Ю.Турсуновнинг фикрича, компенсация тўловлари деганда ходим томонидан корхона манфаатлари йўлида қилинган моддий сарф-харажатлар иш берувчи томонидан қопланиши тушунилади ва бу тўловнинг мақсади ходим ва унинг оила аъзолари моддий манфаатларини химоя қилиш, ишлаб чиқаришда қатнашишлари оқибатида зиён кўришларига йўл қўймасликдан иборат³.

Ҳуқуқшунос олим И.Данилина — Пустошинская компенсация ва меҳнат учун тўланадиган ҳақ бир биридан фарқланишини таъкидлаган ҳолда, “меҳнат учун тўланадиган ҳақнинг пировард натижаси меҳнат жараёни ва иш натижалари асосида белгиланса, компенсация эса ходимга меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида ўз ҳисобидан қилган мулкӣ ва номулкӣ характердаги харажатларни қоплаш учун тўланадиган тўловлардир”⁴ деб ҳисоблайди.

Компенсация ходимлар ҳуқуқлари химоясининг

энг ишончли воситаларидан бири ҳисобланади. Ходимлар учун тўланиши лозим бўлган компенсациялар иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган бош келишувда ўз ифодасини топади. Иш жараёнида ходимга етказилган жароҳат, ортирилган касаллик ёки ўлимнинг келиб чиқиши унинг айбли хатти-ҳаракати ёки қўпол хатоси оқибатида вужудга келмаган бўлса у компенсация асосида қопланади⁵.

В.Короткованинг фикрича, компенсация тўловлари ходим томонидан қилинадиган ҳақиқий моддий харажатлар ва сарфланиши лозим бўлган харажатлар эҳтимолини камайтириш мақсадида тўланадиган компенсациялар каби турларга бўлинади⁶.

О.Домрачеванинг таъкидлашича, меҳнат ҳуқуқида иш вақти, дам олиш вақти, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазаси институтларининг юридик тушунчаси мавжуд. Бироқ компенсациянинг юридик тушунчаси амалиётда кенг қўлланилмайди. Бу факт компенсацияни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини ифодалайди⁷.

Ходимларнинг компенсация дастури иш ҳақини қоплаш, даволаниш, иш қобилиятини тиклаш, меҳнатда майибланиш ёки ортирилган касб касалликларини даволаш билан боғлиқ маблағлардан ташкил топади. АҚШ Меҳнат департаменти таркибида Энергетика ходимлари касб касалликларини компенсация қилиш дастури (The Energy Employees Occupational Illness Compensation Program), Федерал ходимларнинг компенсация дастури (The Federal Employees Compensation Program), Лонгшор ва Ҳарбор меҳнаткашларнинг компенсация дастури (The Longshore and Harbor Workers' Compensation Program), Қора ўпка манфаати дастури (The Black Lung Benefits Program)лари мавжуд. Ҳар бир дастур қонун ва низомларга биноан, таркибидаги корхоналарда ишлаётган ходимларнинг меҳнат жараёнида олган жароҳатлари ўрнини қоплаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш билан шуғулланади. Шу билан бир қаторда АҚШда ҳукумат ва хусусий сектор орқали бошқариладиган компенсация дастурлари мавжуд⁸.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 58-моддасига биноан, давлат фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш қафолати сифатида ходим бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлаш имкониятини кафолатлайди. Ўзбекистон Республикаси-

нинг Меҳнат кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сонли қарори билан тасдиқланган “Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш” тартиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 апрелдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган “Чернобиль ҳалокатидан зиён кўрган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи фуқароларга бериладиган ҳақ-ҳуқуқлар, пул компенсациялари ва имтиёзлар рўйхати”, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 5 февралдаги 10-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет ташкилотларида ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, фуқароларнинг айрим тоифаларига уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ойлик компенсация пул тўловлари ҳамда бола туғилганида бериладиган бир йўла нафақани тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисида”ги низомларда ходимга тўланадиган компенсациялар ва уларни тўлаш тартиби белгилаб қўйилган.

Шу ўринда амалиёт материалларига эътибор қаратадиган бўлсак, республикамизда судлар томонидан меҳнат низолари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш жараёнида компенсация ундириш билан боғлиқ даъво талабларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 2012 йил август ойининг 6 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судида Каландарова Зина Рустамовнанинг жавобгар Тошкент темир йўл муҳандислари институтига нисбатан суд қарорига кўра ундирилиши лозим бўлган маблағни тўлашга мажбурлаш, иш ҳақини, мажбурий прогул вақти учун ҳақни, маънавий зарар учун компенсацияни ундириш, меҳнат дафтарчасига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги даъво талаби бўйича аризаси кўриб чиқилиб, иш натижаларига кўра жавобгар Тошкент темир йўл муҳандислари институтидан Каландарова Зина Рустамовнанинг фойдасига маънавий зарар компенсацияси учун 250.000 сўм ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарилган. 2014 йил март ойининг 18 куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида даъвогар Алёна Викторовна Климованинг жавобгар “DANA TOUR” МЧЖга иш ҳақи, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича компенсация, бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланган-

лик учун фоиз ва маънавий зарар учун компенсацияни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2013 йил 18 декабрдаги ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикоятни кўриб чиқилиб, иш натижаларига кўра А.Климованинг иш ҳақи, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бўйича компенсация ва маънавий зарар учун компенсация ундириш қисмлари бекор қилинган ва бу қисмлар бўйича даъво талабларини рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган⁹.

Шу ўринда қайд этиш керакки, компенсация миқдори меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномаси, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасидан келиб чиқиб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинаётганда ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ушбу модда биринчи қисмининг 1 ва 2-бандларида назарда тутилган огоҳлантириш унинг муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Агар тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, ушбу модда биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган огоҳлантириш талаб қилинмайди. Бундай ҳолда ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдорида компенсация тўланади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси корхона мулкдори алмашиши сабабли бекор қилинганда янги мулкдор уни меҳнатга оид муносабатларнинг келгусида бекор қилиниши тўғрисида камида икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши ёки унга шунга мутаносиб компенсация тўлаши шарт.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганда суд иш берувчи зиммасига Меҳнат кодексининг 102-моддасига биноан, етказилган маънавий зарар учун ходимга компенсация тўлаш мажбуриятини юклайди. Суд томонидан белгиланаётган компенсация миқдори ходимнинг ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда ходимлар учун тўланадиган компенсациялар миқдори билан боғлиқ АҚШ тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, иш бе-

рувчи томонидан ходимга тўланадиган компенсацияларнинг миқдори ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти ташкилотлари ходимларига соати-га 33.11 доллар ва хусусий саноат корхоналари ходимлари учун 48.24 доллар этиб белгиланган¹⁰. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, АҚШда компенсацияларнинг миқдори иш соатлари асосида белгиланиб, давлат органлари ва хусусий сектор ходимлари ўртасида алоҳида тарзда туркумланади.

Амалдаги Меҳнат кодексининг 151-моддасида фойдаланилмаган таътиллار учун пуллик компенсация тўлаш тартиби белгилаб қўйилган. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация тўланади. Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилнинг Меҳнат кодексининг 134-моддасида белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортиқча қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин. Ижтимоий таътиллارнинг барча турларидан, шунингдек Кодекснинг 137-моддасида белгиланган меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик қўшимча таътиллари ва 138-моддасида назарда тутилган оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик қўшимча таътиллاردан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Меҳнат кодексининг 151-моддасига биноан йиллик таътиллари даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш кафолатланади.

Фикримизча, амалдаги меҳнат қонунчилиги нормалари таҳлил қилган ҳолда компенсацияларни мазмунидан келиб чиқиб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ меҳнат шартномаси амалда бўлган ёки бекор қилинаётган даврда тўланадиган компенсациялар:

— тугатилаётган корхоналарнинг маблағи бўлмаган тақдирда, ходимларга иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланадиган компенсациялар;

— меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришнинг муддати алмаштирилганда тўланадиган компенсациялар, шу билан бир қаторда тиббий хулосага кўра мазкур ишни бажариш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаслиги, меҳнат шартномаси ходимнинг соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши му-

носабати билан бекор қилинганда, огоҳлантиришларсиз ходимга икки ҳафталик иш ҳақи миқдоридан тўланадиган компенсациялар;

— меҳнат шартномаси ходим айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги муносабати билан бекор қилинган ҳолларда, иш берувчи томонидан меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиш муддатига (камида уч кун олдин) мутаносиб тарзда тўланадиган компенсациялар;

— иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун, дам олиш, байрам (ишланмайдиган) кунлари бажарилган ишлар ҳамда фойдаланилмаган таътиллари учун тўланадиган компенсациялар;

— ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ қўшимча харажатлар — хизмат сафари, кўчиб юриш, бошқа жойдаги ишга кўчиб бориш харажатлари ҳамда ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда қилинадиган харажатлар учун тўланадиган компенсациялар.

Иккинчи гуруҳ меҳнат шартномаси бекор қилинганда кейинги даврда тўланадиган компенсациялар:

— ходим билан ғайриқонуний тартибда меҳнат шартномаси бекор қилинганда ёки ходим бошқа ишга ўтказилганда судга шикоят қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар (мутахассислардан маслаҳат олиш, иш юритиш учун кетган харажатлар ва бошқалар) учун тўланадиган компенсациялар;

— ходим билан ғайриқонуний тартибда меҳнат шартномаси бекор қилинганда ёки ходим бошқа ишга ўтказилганда маънавий зарар учун тўланадиган компенсациялар;

— ходимнинг касб касалликлари ва бошқа касалликларга чалиниш эҳтимоли билан боғлиқ ҳолда ходимга бериладиган компенсациялар

— ходимнинг соғлиғига шикаст етиши билан боғлиқ қўшимча харажатларнинг компенсациялари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб амалдаги Меҳнат кодексига компенсация тушунчасининг юридик таърифини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига компенсация тушунчаси қўлланилиб, унинг турлари кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бироқ унга юридик таъриф берилмаган. Компенсация атамаси юридик категория сифатида Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 164-моддаси, Беларусь Республикаси Меҳнат кодексининг 90-моддасида, Туркманистон Республикаси Меҳнат кодексининг 144-мод-

даларида ўзининг аксини топган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, компенсация атамасига қўйидагича муаллифлик таърифини берамиз, “компенсация қонун ҳужжатларига биноан, меҳнат ва бошқа мажбуриятларини бажариш жараёнида ходимга етказилган зарарни иш берувчи томонидан қоплаб бериш учун ажратиладиган пул тўловидир”. Мазкур тушунчанинг амалдаги Меҳнат кодексига ўз ифодасини топиши бир қатор масалаларнинг ечимига асос бўлади.

Биринчидан, компенсациянинг меҳнат муносабатларидаги пул муқофотлари, нафақалар, қўшимча тўловлар, кафолатли тўловлардан фарқли томонларини кўрсатиб беради.

Иккинчидан, судларда меҳнат низолари кўрилатганда компенсациялар билан боғлиқ меҳнат қонунчилиги нормаларини янада самарали қўллашга асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса меҳнат муносабатларида иш берувчи ва ходимлар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди.



¹Гасанов М. Трудовое право Республики Узбекистан. Общая часть. –Тошкент: LESSON PRESS, 2016. 163-с.

²Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар. Амалий қўлланма // Практическое пособие по спорам вытекающим из трудовых правоотношений: практическое пособие. Ёдгоров Х., Зиганшина Г., Ахатова Ш. –Тошкент: Baktria press, 2016. 102-б.

³Турсунов Ю. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ 2011. 229-б.

⁴Данилина – Пустошинская И. Особенности регулирования труда лиц, занятых на сезонных работах. Автореферат дис... канд. юрид. наук. М., 2010. – С.21-22.

⁵Scott D. Szymendera Workers’ Compensation: Overview and Issues, Congressional Research Service, April 20, 2017, p. 1.

⁶Зайцева Л. Трудовые гарантии и компенсации: проблемы единообразия толкования // Международные юридические чтения. Материалы научно-практической конференции. – Омск: 2006. Ч.5. 24-с.

⁷Домрачева О. Проблемы классификации компенсаций за вредные и опасные условия труда // Кадровик. Трудовое право для кадровика. 2011. – №7. 11-с.

⁸Edwards K, Robinson S. Labor and Employment Law: A Career Guide. by the President and Fellows of Harvard College. 2012. P.10.

⁹Меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низолар: Амалий қўлланма// Практическое пособие по спорам вытекающим из трудовых правоотношений: практическое пособие. Ёдгоров Х., Зиганшина Г., Ахатова Ш. –Тошкент: Baktria press, 2016. –Б. 140-147, 176-179.

¹⁰Employer costs for employee compensation – March 2017. News release Bureau of labor statistics U.S. Department of labor. P.1 <https://www.bls.gov>

ҲАМКОРЛИК ВА ЎЗАРО АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

2017 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида Корея қонунчилик тадқиқоти институти ва Корея Республикаси Қонунчилик вазирлиги делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда Корея Республикаси делегация таркибида Корея қонунчилик тадқиқоти институти Президенти Ли Ик Хен, ўринбосари Чэ Хванг Йонг, Корея Қонунчилик вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича департаменти бошлиғи Ким Суик иштирок этдилар.

Учрашув давомида Корея томонига Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари фаолияти ҳақида маълумот берилди, шу жумладан, прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни ташкил

этишнинг замонавий усуллари тақдими ўтказилди, шунингдек икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, корейлик вакиллар томонидан Корея қонунчилик тадқиқоти институти ҳамда Корея Қонунчилик вазирлигининг фаолияти тўғрисидаги материаллар тақдими ўтказилди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолаб, самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кучайтиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ҳамда Корея қонунчилик тадқиқоти институти ўртасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.



ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

2017 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида "Жиноят қонунчилиги муаммолари ва уни такомиллаштириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.

Тадбирда Бош прокуратура ва ҳудудий прокуратуралар ходимлари, Олий суд ҳамда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти судлари судьялари, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази, Адвокатлар палатаси ходимлари, Ички ишлар вазирлиги академияси, Юристарлар малакасини ошириш маркази, Тошкент давлат юридик университети ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва талабалари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-

рок этдилар.

Конференция давомида жиноят ишлари бўйича тергов ва суд амалиётидаги айрим муаммолар, шу жумладан, жиноятларни тўғри квалификация қилиш, жиноий жазоларни қонунчиликка мувофиқ тайинлаш, жиноят қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди.

Шунингдек, жиноят қонунчилигини либераллаштириш, айрим жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазоларни дифференциялаш ва индивидуаллаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Иштирокчилар ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва жиноят қонунчилигини такомиллаштириш борасида билдирилган амалий таклифлар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир якунида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари
Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий тақлифлар акс этиши;

– матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифт-да 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнгги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

– ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.

Мақолаларни қуйидаги электрон манзилга юборинг: axborotnoma@vuk.uz



Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний или служебный адрес, телефоны автора;

– ключевые слова и краткая аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках.

Статьи направлять по адресу: axborotnoma@vuk.uz



